

ҲАМИД ҒУЛОМ

ФЕРУЗА

БИНАФША
АТРИ





Абдуллаева Л.Р.
Пирожкова Н.Б.
Асанова И.Н.
Рахмоновдериева Ф.
Акарпова Л.А.
Еривак О.И.

ИЛДИНКОВА Т.Т.

асосан

19.07.2006 йил

ИЛДИН




ҲАМИД ҒУЛОМ

ФЕРУЗА



БИНАФША АТРИ

РОМАНЛАР



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1980

ББК 84Уз
Г 79

Г $\frac{70303-23}{M 352(04)-80}$ 4-80 4702057020

ФЕРУЗА

Ўзбекистон ~~Совет Социалистик~~
Республикаси ва Ўзбекистон ~~К~~му-
нисионал ~~партияси~~нинг ~~илгари 40 йил~~
~~илгари 40 йил~~ ~~илгари 40 йил~~

Автор



Биринчи йўлда «ҳап-ҳўп, ҳап-ҳўп»лаб турган тепловоз сўнгги марта қичқириб, составни тортиб кетди. Каттагина кул ранг чамадонини кўтариб олган Фेरүза ҳозиргина ўзи тарк этган вагон билан йигирма қадамча ёнма-ён юриб борди, ёрқин деразалардан ҳамон тикилиб қараётган дўстларидан кўзини ҳам, кўнглини ҳам узолмади. Улар пастда, потаниш станцияда ёлғиз қолган қизга қўл силкир, тасалли бермоқчи бўлгандек кулиб боқардилар. Айниқса, юқори полкадаги Шерали деразага бағрини бериб ётиб олган, ойнага тиралган бурни пучуқ кўринарди.

Ғилдираклар «тарақа-тақ, тарақа-тақ» садо таратиб, айланишини тезлатди, состав канал устидаги кўприкдан шалдираб ўтиб, кўздан узоқлашди. Сўнгги вагон орқасига осифлиқ қизил фонаргина яна бир неча дақиқа кўриниб турди.

Ферүза шундагина қўллари толганини сезди, чамадонини ерга қўйиб, унга ўтирди-да, ўйга чўмди.

Қуёш аллақачон ботган, поёнсиз далалар ортидаги қорамтир уфқ тубидагина нимтатир шафақдан ожизгина қизғимтир асар кўринарди. Кундузги иссиқ сал пасайган, канал томондан эсаётган енгилгина шабада баданга хуш ёқарди.

Ферүза икки ўрим қалин сочини кафтлари билан текислади, атлас кўйлагининг шабада ҳилпиратаётган кенг этагини болдирлари остига босди-да, атрофни кўздан кечирди. Қатор-қатор темир изларда ёғоч, трактор, юк машина, цистерна ортган товар вагон составлари турар, қўшалок тепловозлар пишилларди. Канал яқинидаги шлагбаум очиқ, у ердан ўтган йўл машиналардан холи, сариқ бай-

роқча кўтарган стрелкачи семиз аёл узун бўйли, ингичкагина қизча билан сўзлашиб турарди.

Феруза «Меҳнат — роҳат» колхозига борадиган йўлни ўшалардан сўрамоқчи бўлиб, чамадонини кўтарган ҳам эдики, будка орқасида далани чангитиб қўшотли тележка — арава кўринди. Бошини яшил пешонабоғ билан тангиган аравакаш аёл қамчисини ҳаволатиб, шу ёққа кела берди ва йўл устида ёлғиз қизни кўриб, отларини «тирр»латиб тўхтатди.

Феруза чамадонини кўтариб, от-арава остидан кўтарилган тўзондан ўзини четга олди.

— Қаерга борасан, қизим? — сўради аёл, арава устида тик турганча.

— «Меҳнат — роҳат» колхозига.

— Гўнгдан ирганмасанг, ёнимга чиқ! — деди аёл Ферузани бошдан-оёқ кўздан кечириб. — Тошкентлик бўлсанг керак? Бизнинг колхозда қариндошинг борми?

— Ишга келяпман.

Аёл чамадонни Ферузадан олиб, ёнига қўйди, кейин унга қўл узатди. Улар ёнма-ён ўтириб олишлари биланоқ аёл қамчисини яна ҳаволатди:

— Чу, жониворлар!

Аравага гўнг роса тепкилаб босилган, гилдирәклар юк ўридан ғижирлар, қўшот уни базўр тортарди.

— Менинг отим Ханифа, — деди аёл арава чапга бурилиб, юмшоқ дала йўлига тушиб олиши билан. — Тоштемир ота деган Чўлбобони эшитганмисан?

— Йўқ, — деди Феруза Чўлбобо деган ғалати сўздан таажжубланиб. — Эшитмаганман.

— Эшитмаган бўлсанг, эшитасан. Мен ўша Чўлбобонинг умр йўлдоши бўламан. У киши «Меҳнат — роҳат» колхозида боғбон. Мен шаҳардан гўнг ташиб беряпман.

— Колхозда гўнг йўқми? — Феруза қизиқиб сўради.

— Пахтага етмайди.

— Қалай, бу йил пахта яхши бўлдимми?

— Норқўзининг бригадасида яхши. Қолганларида ўртача.

— Нега энди?

— Борганда биласан, — деди Ханифа, тошкентлик қизга шубҳаланиб қараб. — Ҳа, айтгандай, отинг нима, колхозда нима иш қилмоқчисан?

— Отим Феруза. Агрономман.

— Агроном?!

Ханифанинг кўзлари катта очилиб, тизгинни қўлидан тушириб юборишига сал қолди.

— Ҳа, сиз ким деб ўйладингиз?

— Ё ўқитувчи, ё врач деб ўйладим. Агроном! Чўлбобони «халқ агрономи» дейишади. Эллик йиллик тажрибаси бор. Иван Андреевич Мудров — Хизмат кўрсатган ирригатор. Қирқ беш йилдан бери Мирзачўл устида бош қотиради. Сен муштдек бошинг билан нимани биласан?

Йўлда тасодифан учраган «бир қоп ёнғоқ» аёлни келтириб келган сўзлари Ферузага заррача қаттиқ ботмади, аксинча, унинг очиқ кўнгиллигидан завқланиб, мийиғида қулиб қўйди-да:

— Институтда ўқиганимни биламан, — деди.

— Пахтани кўрганмисан ўзинг?

— Янгийўлдаги тажриба участкамизда экканман. Қирқ икки центнердан ҳосил олганман.

— Ундоғ бўлса, тузук. — Ханифа қизнинг сўзларидан қониқиб, енгил нафас олди. — Аммо, — деди, Ферузани огоҳлантириб, — Мирзачўл ери оғир, доғда қолмай десанг, Чўлбобо билан маслаҳатлашиб иш қил. Ҳа, айтгандай, қаерга тушмоқчисан?

— Билмадим, правлениега бора-чи...

Кун қорайиб, кўкдаги юлдузлар равшан торта борди. Станциядан шу ергача чўзилган экинзорлар тугади. Энди йўлнинг икки ёнида қамишзорлар бошланди. Қамишлар икки одам бўйи ўсган, поёни кўринмас, шабадада бир оҳангда мунгли шовулларди. Шу яқинда чиябўрининг ҳазин увлаши эшитилди, узоқ бир ерда бошқа бир бўри унга жавоб қилди. Ферузанинг кўнглига қўрқув тўлиб, ичида чумоли ўрмалагандек туюлди.

— Бу тўқайлар ҳали ўзлаштирилмаган экан-да, опа?

— Сен ўзлаштирасан. — Ханифа ҳар галгидек кесиб гапирди.

— Ҳар томон экинзору ўртада тўқай. Қизиқ.

— Чўлда қизиқ гаплар кўп. — Ханифа Ферузага ўқитиб бир қаради-да, қамчисини ўйнатди: — Чу, жониворлар!

Феруза «қизиқ гаплар» нималигини сўрамоқчи бўлса ҳам, янги танишининг жонига тегишдан қўрқиб сўрамади. Лекин у билан кейинчалик бафуржа суҳбатлашишни дилига тугиб қўйди.

Ханифа Ферузага нимаси биландир ёқиб қолди. Қизнинг Мирзачўл станциясига тушган пайтидаги: «Қаерга бораман? Кимга учрайман?» деган ташвиши йўқолди.

Улар ярим соатча жим боришди.

Ханифа уйда ёлғиз қолган чолини, унинг балки йўлга чиқиб, сабрсизланиб кутаётганини кўз олдига келтирди, қишлоққа яқинлашган сари отларни жадал «чу-чу»лади.

Феруза ёнида ўтирган меҳрибон аёлни зимдан кўздан кечирди. Ханифа ёши элликларга яқинлашиб қолган, ўрта бўй, жуссаси кичик, лекин қўллари каттагина хотин эди. У оддийгина кўкракбурма чит кўйлак, паст пошналик ағдарма этик кийган. Бутунлай оқарган кумуш ранг сочини пешонабоғи ичига олган, юз-манглайдаги ажинлари яққол сезилиб турарди.

Ўз эри Чўлбобони алоҳида ҳурмат билан тилга олгувчи бу аёлнинг бошидан нелар кечган? У Мирзачўлга қандай келиб қолган? Унинг Тоштемир отадан бошқа яна кими бор?

Шу каби саволлар Ферузанинг бошига қўйилиб кела берди.

Тўқай ҳам тугаб, йўлнинг икки ёқасида толлар, тераклар, тартибсиз қурилган уйлар, деворлар орқасидан мевазор, узумзор боғлар кўринди. Рўпарада қишлоқ гузарининг чироқлари милтиллади.

— Келдик,— деди Ханифа қизга ўгирилиб.— Идорада қоласанми ёки бизнинг қўрага борасанми?

— Қўрангиз узоқми?

— Идорага етмасдан чапга буриламиз, ярим чақиримча.

— Нима маслаҳат берасиз, опа?

— Бизникига юр. Идорага эрталаб чиқасан.

— Хўп.

Ханифа тизгинни чапга тортди, отларнинг боши бурилиб, арава эгилibroқ пастга тушди. Қишлоқ чироқлари кўздан йўқолиб, йўл яна қоронғилашди.

— Электримиз етишмайди,— деди Ханифа тошкентлик қиздан уэр сўрагандек.— Дизелдан оламиз.

— Станция қурилмаганми?

— Раис қураммиз деганига уч йил бўлди.

— Қурилиб қолар.

Ханифа индамади.

Арава катта тол тагида тўхташи билан шу ердаги қўра девори тагида чўққайиб ўтирган одам ўрнидан туриб келди.

— Кечикиб қолдинг,— деди у отларни аравадан бўшатаркан.

— Ошнангизнинг гўнг ортиб бериши қиёматдан қийин

бўлди. «Чўлбобога айт, ҳадеб пашшахўрда бўлаверма-син!»— дейди.

— Оббо нокас-ей, яхшиликларимни унутибди-да!

Тоштемир ота Ханифани аравадан суяб тушираётган-дагина Ферузани кўриб қолди.

— Ким у?— деб сўради хотинидан.

— Янги агрономимиз.

Тоштемир ота аравадан сакраб тушган Ферузани кўз-дан кечираркан, хотинига деди:

— Яхши қипсан, опкелиб, меҳмон бўлади.

Ханифа Ферузанинг чамадонини кўтариб, уни қўрага бошлади. Тоштемир ота от-арава ёнида қолди.

Қўра ичи каттагина мевазор боғ бўлиб, кира беришда чап ёқда бир уй, бир айвон кўриниб турарди. Уй ичи қоронғи, айвон ўртасида шифтга осиглиқ биттагина электр чироқ ёнар, унинг кўзни қамаштирарлик шуъласида капалаклар рақс тушарди.

Боғни зулмат қоплаган, дарахтларнинг турларини пайқаш қийин, лекин деярли ҳаммаси қатор-қатор сада қайрағочларни эслатарди.

Электр чироқдан айвон олдидаги саҳнга ёйилган нурда анор, анжир шохлари товланади. Феруза ҳеч қачон бунақа катта анжирларни кўрмаган. Уларнинг шарққа ёнбошлаган узун, йўгон гавдалари бутун ҳовлини қоплаган, маржон-маржон ҳосил вазнидан эгилиб турарди.

Феруза беихтиёр Тоштемир отанинг Чўлбобо деган лақабини эслади. Дарҳақиқат, Мирзачўлнинг шўр тупрогида унинг тилини тушунган соҳибкоргина шунақа мўъжиза яратиши мумкин.

Феруза айвон олдида бир нафас туриб, гулларни кўз-дан кечирди. Айниқса, йўлка пастида одам бўйи «қутуриб ётган» райхонлар, ялпизлар, атиргуллар ўткир иси билан қизнинг димоғини маст қилди. Улар устига аста эгилиб тўйиб-тўйиб ҳидлади.

Ханифа айвоннинг тажмонидаги янги кўрпачаларни хонтахта атрофига ёзди, дастурхон тузатди, кейин ҳовлига тушиб, иккита гиштга қўндирилган каттагина мис самоварга ўт ташларкан, Ферузадан сўради:

— Гулни яхши кўрасанми?

— Жону дилим.

— Ўхшатмасдан учратмас, деганлар, Чўлбобонг ҳам гул ошиғи.

— Бахтимдан ўргилай, опа, сизга йўлиқдим.

— Бизнинг эшигимиз доим очиқ. Шу уйга тушибманки, меҳмон кутаман.

— Анча бўлдим... шу уйга тушганингизга?

— Ўттиз уч йил бўлди.

— Ўҳ-ҳў...— Феруза гулзор ўртасидаги ариқдан бетқўлини юваркан, Ханифага қараб кулди.— Мен у вақтда, балки, осмонда учиб юрган бир зарра эдим.

— Зарра-паррангни билмайман. Қани, айвонга чиқ, чой ичамиз.

Тоштемир ота кириб келганда Ханифа шақиллаб қайнаётган самовар ёнида пиёла артар, Феруза нон чайнаб ўтирарди.

Чўлбобо истиқболига аёллар ўринларидан турдилар, унга тўрдан жой бердилар. Чол бетакаллуфгина чордана қуриб ўтирди-да, хотини қўйиб узатган аччиқ памил чойни пуфлаб ича бошлади.

Чўлбобонинг салобати босдим, ёки қайноқ чой ҳароратиданми, ҳар қалай Феруза ғарқ терлаб, юз-манглайини дастрўмоли билан бир неча марта артди.

Чол пиёласини бўшатиб, хотинига узатаркан, қиздан сўради:

— Чўлга илгари ҳам келганмисан?

— Биринчи келишим.

Чол бошқа ҳеч нарса демади. Сопол товоқдаги оқшоқ талқондан пиёласига уч-тўрт ёғоч қошиқ солиб, айлантира бошлади.

Феруза Чўлбобони кўздан кечирди. У ёши етмишдан ошган, йирик гавдали, елкалари кенг, узунчоқроқ юзини буткул оқарган калта соқол қоплаган, ўсиқ қошлари тагидан чиройли ўйчан кўзлари кулиб турувчи, юзи, пешонасини ажин босган, чин маъноси билан бобо эди. Оқ яктагининг очиқ кўкрагидан жун қоплаган тўш суяклари кўриниб турарди. Тринка шими устидан узун қўнжлик ағдарма этик кийиб олган. Сочини устара билан қирдирган, янгигина «марғилон нуха» дўпписи ўзига ярашиб турарди.

Чол талқонини еб, соқол-мўйловини сочиққа артиб силади, кейин деворга суялиб, рўпарасида ўтирган қизга қаради:

— Чўлга биринчи келишим, дегин?

— Ҳа.

— Билим яхши нарса, қизим. Бамисоли чироқ. Йўлинг-ни ёритади. Аммо тажриба — шу йўлда кўп юрган одам-

нинг пишган оёғи. Эҳ-ҳе, бу чўлнинг тарихиям узун, ташвишлариям кўп. Чидамли бўлсанг, ҳаммасини билиб оласан. Ҳа, чидамли бўл!

Феруза чўлга қадам қўйган биринчи соатларидаёқ учраган бу икки киши уни ҳам севинтирди, ҳам чўчитди. У оддийгина ғамхўр чол-кампирникига тушганидан, улар чўлнинг чинакам ошиқ-маъшуқлари эканидан қувонди. Айни вақтда Ханифа опанинг ҳам, Тоштемир отанинг ҳам чўл қийинчиликлари ҳақидаги дастлабки танбеҳлариёқ уни ташвишга солиб қўйди. Агар улар ер, сув, экин, ҳосил ва ишдаги камчиликлар ҳақида гапирганда Феруза, эҳтимол, бунчалик ташвишланмаган бўларди. Қизни уларнинг файласуфлиги, гапларидаги аллақандай чуқур мазмун, мантиқнинг зўрлиги ўйлатиб қўйди. У ўзини чўлга, оддий, деҳқонлар қўрасига эмас, балки эртақлардаги донишмандлар яшайдиган горга тушгандек ҳис қилди.

Тоштемир ота ўз фалсафасини тобора ривожлантирди:

— Чўлни севсанг, олтин оласан, севмасанг шўр оласан. Тупроқни чақалоқдай тарбияласанг, асил тортади, дур беради; ўз ҳолига ташлаб қўйсанг, ботқоққа айланиб сени ютади. Йўлда тўқайни кўргандирсан? Қанча-қанча гектар ерни қамиш босиб ётибди. Аммо бундан йигирма йил аввал ўша ер ўттиз центнердан пахта берган.

— Йўғ-э?— Феруза ажабланиб сўради.— Йўлдаги тим тўқай-а?!

— Менга ишонмасанг, мана опангдан сўра.— Чол фикрини баён қилишда давом этди.— Нега шундай бўлди, демоқчимисан? Чўл севмайдиган одамнинг қўлига тушди. У одам ернинг олими бўлиш ўрнига золими бўлди. Чўлнинг бир бўлагини тавмуш сигирдай соғиб, у қисир бўлгандан кейин ташлаб, бошқа бўлагига ўта берди. Аммо пахтани ҳам ёмон бермади. План доим юздан ортиқ. Марра уники. Қаерга борса, оғзи карнай: чўлнинг поёни йўқлигидан ваъз айтади. Кимки, тўқайлар, ботқоқлар пайдо бўлаётганидан гап очса, қулоқ солмайди, аксинча, «аввал пахта бер, кейин гапир!» деб бақиради. У донгдор раис. Унинг гапи — гап.

Ферузанинг ҳайронлиги тобора ортиб, қизишиб сўради:

— Деҳқонлар индашмадими? Агроном қараб тура бердими? Сиз-чи? Раиснинг хатосини тўғриламадингизми?

— Агрономимиз шаҳардан келган ёшгина йигит эди. Айтишавериб толди шекилли, ишни ташлаб кетди. Раиси-

миз деҳқонларга қулоқ солмайди. Мени бўлса, одам ўрнида кўрмайди...

Тоштемир отанинг «чидамли бўл» деганига Феруза эинди тушунди.

«Чидамли бўл!»

Демак, Феруза чидамли бўла олмаган шаҳарлик ёпи агроном йигит ўрнига келибди. Демак, Феруза ўша йигит эплаёлмаган ишни эплаши, яъни чўлнинг тақдири, истиқболи учун курашиши керак.

Ўз вазифасининг пахта агротехикасини тўғри амалга оширишдангина иборат деб билган Ферузага Чўлбобонинг ўғити кутилмаган янгилик бўлди. Бу янгилик шундай бир оғир вазифа эдики, унинг юки қизнинг қаддини эгиб қўярлик даражада вазмин эди. Лекин у эсанкирамади, балки Чўлбобога мамнун боқиб:

— Раҳмат ота, ўғитингизни тушундим, чидамли бўламан,— деди.

Тоштемир ота дастурхонга фотиҳа қилиб ўрнидан тураркан:

— Иванга ваъда қилган эдим, бориб келай,— деди хотинига.— Меҳмон дам олсин, йўлдан толиб келган.— Кейин, Ферузага қаради:— Агар чол-кампирининг эзмалигидан зерикмасанг, шу кўрада туравер. Идорага ҳам яқин.

— Кир-чирингга ҳам ўзим қараб тураман,— қўшиб қўйди Ханифа.

Ханифанинг бу гапидан Феруза қип-қизариб кетди-да:

— Мени жудаям эрка-таварукка чиқариб юборманглар,— деди мезбонларига.— Етимликда меҳнат билан ўсганман.

— Таржимаи ҳолингни кейин айтиб берасан,— деди чол ҳовлига туша туриб.— Шу чўлда қоладиган бўлсанг ҳали кўп гаплашамиз.

Ханифа билан Феруза Тоштемир отани эшиккача кузатиб қўйишди. Чол бостирма тагидаги оғилда куртилла-тиб беда чайнаётган отлардан бирини — қора йўргангн эгарлаб, йўлга етаклаб чиқди-да, узангига оёқ учини тираб, йигитларга хос эпчиллик билан миниб олди.

— Кечга қолманг!— деди Ханифа меҳр тўла кўзлари билан чолига боқиб.

— Иванни биласан-ку, мендан ҳам эзма!.. Чу, қоракўз!

Зулукдай қора йўрга қалин ёлини силкитиб, эгаридаги қушдай енгил чавандозни тебратиб кетди.

Феруза қўрага кира туриб, Ханифадан сўради:

— Отамнинг Иван деганлари ким?

— Ошналари. Боя сенга айтганим — Иван Андреевич Мудров. Худди ўзларидек чўл ошиқларидан. Тез-тез кўришиб туришмаса, уйқулари келмайди.

Ханифа айвонда хонтахтани бир четга суриб, Ферузага жой солиб берди.

— Ўз уйингдек ёта бер, қизим.

Чироқни ўчирди.

Феруза ечиниб ётишга ётди-ку, ҳадеганда уйқуси кела бермади. Шу бугун эрталабдан юз берган воқеалар: Тошкент вокзалидаги кузатув, онаси Райҳоннинг кўз ёшлари, насиҳатлари, вагонда дўстлар гурунги, Шералининг чўл ҳақида тўқиган аллақандай мунгли ашуласи ва вагон тамбурида: «Албатта хат ёзинг!» — деб ёлвориши, ниҳоят, оқшом, чўлдаги дастлабки учрашувлар — ҳаммаси, ҳаммаси қизнинг хаёл кўзгусида худди телевизор экранидагидек, лип-лип кўрина берди. У ётган ерида гоҳ ўнг, гоҳ чап ёнбошига ўгирилар, кўзини юмиб кўрар, лекин уйқу думини тутқизмасди.

Тун яримлаганига қарамай, ҳаво ҳамон дим, иссиқ, ҳовли саҳнида, боғда қурт-қумурсқалар чийиллайди, аллақандай кўзга кўринмас чивинлар аямасдан чизиллатиб чақади.

Ферузанинг тоқатсизланаётганини сезган Ханифа астагина сўради:

— Чивин чақяптими, қизим?

Чивинларнинг дастидан чойшабга ўралиб олган Феруза ачишаётган билакларини қаширкан:

— Унчалик эмас, — деди синиқ товуш билан.

— Ўрганмагансан. Пашшахона тута қолай!

Ханифа қоронги шифтдаги пашшахонани наматгача туширди.

— Ана энди, бемалол ёта бер!

Дарҳақиқат, чивинларнинг бояги шафқатсиз ҳужуми тўхтади-ю бироқ пашшахонага ўрганмаган Феруза ўзини нафаси бўғилаётгандай сезиб, дастрўмоли билан елпинди.

— Ўрганиб кетасан, — Ханифа унга тасалли берди. — Чўпчак айтиб берайми, қизим?

— Айтинг, опажон. Шу поёнсиз чўлга қандай келиб қолдингиз? Чўлбобо билан қачон, қаерда учрашдингиз? Ана шу чўпчакни айтиб беринг.

— Тўғри айтасан. Мен айтадиган чўпчак аслида чўп-

чак эмас,— деди Ханифа Феруза томонга ўгирилиб. — Бизнинг Чўлбобо билан ҳаёт қиссамиз. Шу чўлда ўтган умримизнинг ҳикояси. Балки, сенга унчалик қизиқ эмасдир...

Ханифанинг «қизиқ эмасдир» дегани Ферузани шу қадар қизиқтирдикки, у ўрнидан ирғиб туриб, чўккалаб олди.

— Сен ёта бер, жуда узун чўпчак, эшитиб толасан.

— Толмайман!— деди ишонч билан Феруза.— Айта беринг!

Ферузанинг бутун вужуди қулоққа айланди.

Пашшахонада аллақандай ҳасратли, чарчоқ кўзларини шифтга тикиб ётган аёл Феруза кутгандан ҳам ажиброк, чўпчакдан ҳам жозибалироқ қиссасини бошлади...

Иккинчи боб

Чўлбобо бундан роппа-роса эллик йил муқаддам, яъни 1910 йилда ёши йигирмага тўлган қирчиллама йигит эди.

Кўклам серёмғир келиб, мардикор бозорда ишнинг мазаси бўлмади. Йигитлар булутли осмон тагида азондан ғуж-ғуж бўлиб туришар, нам ҳаво, узлуксиз ёмғир суяк-суякларини зирқиратар, бу аҳвол чошгоҳга қадар давом этар, кейин ишдан умидларини узиб, ижарага турган ерларига — чойхоналарга, карвонсаройларга якка-якка, тўп-тўп тарқалишарди.

Тоштемир Қўқоннинг Исфара гузаридан Тошкентга Сайфиддин деган жўраси билан бирга келди. Улар икки йил бир-бирларидан ажралмасдан ишлашди. Улар шу қиш ичи Қўқонга бориб, ота-она, қариндош-уруғларини ҳам бирга кўриб келишди. Аммо бундан бир ой аввал Розиквой маҳаллалик бир бойнинг меҳмонхона қурилишида ишлашаётганда Сайфиддин хари тагида қолди. Қулочга сиғмайдиган терак тўсин белини эзиб юборди. Бой чақирган табиб унинг умуртқаси синганини, «одам бўлмаслиги»ни айтиб, дори-дармон қилмаёқ жўнаб қолди. Сайфиддин Чорсудаги карвонсаройда тун бўйи инграб ётиб, саҳар паллада жон берди...

Тоштемир топган-тутганини сарфлаб, жўрасини «Тиканли мазор» қабристонига кўмди-да, бойнинг меҳмонхона қурилишини «елкамнинг чуқури кўрсин» деб бормадикўйди.

Мана, бир ойдирки, Тоштемир мардикор бозорга ёлғиз чиқяпти. Сайфиддин вафот қилгандан бери ишнинг ҳам баракаси йўқ. Бир-икки марта бостирмалар тагида ўра қазигани бўлмаса, тузукроқ иш топилмай қўйди.

Ёмғир — мардикорнинг душмани. Ёмғир бошланса, иш таққа тўхтаydi. Белбоққа тугилган тангалар ётоққа, ошга сарфланади, вазни камаydi. Кечалари йигитларнинг уйқуси қочиб, қолган тангаларни хаёлда санаганлари-сананган.

Тоштемирнинг белбоғида олти танга пули қолди. Олти танга — мардикорнинг икки кунлик иш ҳақи. Олти танга — йиртиқ чориқни яматиш билан икки отим носга етади, холос. Олти тангани топиш қийину сарфлаш осон. Ёмғир яна уч кун қуйиб берса, олти тангадан олти пул ҳам қолмайди.

Бугун пайшанба. Эртага жума. Агар бугун иш топилмаса, эртаги намоз оч қоринга аччиқ саримсоқдай бўлади.

Оёғида эски чориқ, устида эски тўн, бошида пилиги тўзиган дўппи, елкасида кетмон — Тоштемир мардикорлар тўпидан берироқда, ёмғирда ивиб тураркан, шуларни ўйлар, кўнгли анов кун ўзи қазиган ўра тубидай қоронғи эди.

Эрталабдан бери иккитагина харидор келди. Йигитлар уларни ўраб олиб, алланималарни қизгин гаплашишди. Уратепалик, қоратегинлик, ғиждувонлик йигитлар баркашдай кетмонларини ҳаволатиб, кенг сийналарини кериб, савдолашишди. Харидорлардан бири ғиждувонлик бир йигитни бошлаб кетди, иккинчиси жуда паст нарх айтган бўлса керак, ҳеч ким кўнмади. У ёмғир остида бир нафас ёлғиз турди-да, кейин тўпдан секин сирғилиб чиқиб кетди.


Чошгоҳга яқин, ҳар кунги вақтда Тупроққўрғондан тўп отилди.

— Тўп вақти бўлди, кетайлук,— деди ўратепалик йигитлардан бири, Тоштемирнинг ёнига келиб.— Юр, жўро!

Булар мардикор бозордан чиқиб, каппон томонга бурилган ҳам эди, орқада, йигитлар тўпида шовқин, бақирикчақирик бошланди.

— Қайтойлук, жўро,— деди ҳалиги ўратепалик йигит.— Қиёмат кўпди ўхшайду.

Дарҳақиқат, мардикорлар ҳаммаси бир ерга тўпланибди. Дўнгликда турган новча бир одам кўлини пахса қилиб, уларга алланима уйдиряпти.



Тоштемир оломонга қўшилиб, нотиқнинг ваъзига қулоқ солди.

Нотиқ қирқ беш ёшларда бўлиб, қордай оқ яктаги устидан малла чакмон, оёғига баланд пошналик ағдарма кўн этик кийган, бошига қора духоба ҳошиялик оқ намат қалпоқ бостирган, дароз бўйли, чиройли калта соқол-мўйловли, қўй кўзли, юзи қип-қизил киши эди. У қўлини пахса қилганда гулдор соплик қамчиси ҳавода ўйнарди:

Оломонда:

— Гадейбой... Гадейбой дегани шу бўлади. Бултурги йил ҳам мардикор олувди,— деган шов-шувлар ёйилди.

Тоштемир мардикор бозорга донғи кетган Гадейбойнинг сўзларига диққат билан қулоқ солди.

— Мардикор бозорга ҳар кун қатнашдан не фойда!— дерди Гадейбой оломонни кўздан кечириб.— Мен сизларга муқим жой, йил ўн икки ой иш бераман. Ҳар кун икки танга нақд пул. Овқатга бир маҳал гўжа, иккита нон. Ҳар жума — палов. Аммо уст-бош, кўрпа-ёстиқ ўзларингдан. Ишларингиз — деҳқончилик. Ер ҳайдашдан пахта теришгача, зовур қазишдан чопиққача. Худо хоҳласа, болачақалик ҳам бўлиб кетасизлар.

Оломондаги кексароқ бир мардикор:

— Кетмайди!— деб қичқирди.— Кеназ ариқ қазишда олти тангадан берган.

— Тўғри айтасиз, иним,— Гадейбой эътирозчининг сўзини қувватлади.— Кеназ ариқда олти танга берилган. Аммо иши ҳам оғир бўлган. Унга чидаган азаматлар бармоқ билан санарлик. Билъакс, танганинг қадри ҳам ҳозиргичалик баланд бўлмаган. Тағин ўзларингиз биласизлар. Мен ҳеч кимни мажбур қилаётганим йўқ. Яхшилаб ўйлаб кўринглар, оғайнилар! Кимки чўлни ихтиёр этса, Чорсудаги карвонсаройга борсин. Мирзачўлга араваларимиз бириси кун азонда жўнайди. Мусофирларни мен ўзим бошлаб бораман. Хайр, худога топширдим, оғайнилар!

Гадейбой дўнгликдан тушиб, отининг жиловини мардикорлардан бирининг қўлидан олди-да, бир неча қадам стаклаб борди. Кейин чап оёғининг учини узангига кўйиб, эгарга енгилгина мишиб олди.

Гадейбойнинг жигар ранг йўрғаси каппон орқасидан Чорсу томонга бурилиб кетди. Тоштемир эгарда тик ўтирган чавандозни кўздан ғойиб бўлгунча кузатди. Гадейбойнинг Мирзачўл, деҳқончилик, муқим турар-жой, доимий икки танга пул ҳақидаги бийрон-бийрон сўзлари бошқа

мардикорлар каби, Тоштемирни ҳам ўйлатиб, турган ерига михлаб қўйди. Ёмғир эрталабкидан анча кучайган бўлса ҳам, оломон тарқамади, аксинча, унга янги ишталаблар келиб қўшилди.

Мардикорлар Мирзачўлдаги деҳқончилик ҳақида турлича фикр баён қилишди. Улардан бири Мирзачўл ёзининг иссиқлиги, қишининг қаттиқлиги, ишининг оғирлигидан шикоят қилса, иккинчиси мардикор бозорда сарғайиб юргандан қишлоқда истиқомат қилиш, пахта экиш афзал эканини уқтирарди. Мардикорларнинг кўпчилиги Фарғона ва Зарафшон водийларининг қишлоқларидан келган ерсиз, деҳқон болалари бўлгани учун шаҳар хонадонларида ўра қазиш, пахсага лой тепиш, иморатга ёғоч ташиш каби бир кун, икки кунлик ишлардан тўйган, Гадейбой ваъда қилган каби доимий деҳқончилик уларнинг айна муддаоси эди.

Тоштемир ҳам кейинги тоифа оёқяланглардан бўлиб, Мирзачўлга боргувчилар тўпига қўшилди. Гарчанд, Гадейбойнинг аравалари бириси кун йўлга чиқадиган бўлса ҳам, булар гўё ҳозир бормасалар кечикиб қоладигандек, Чорсудаги карвонсаройга чопдилар.

Мардикорлар очиқ дарвозадан кирганда Гадейбой карвонсаройга аллақачон етиб келган, оти бостирма тагига қантарилган, ўзи саройбон ҳужрасида, дераза олдида чой ичиб ўтирарди. Мардикорларни кўриб, ҳужрадан чиқдида, отхона қаторидаги бостирмага ишора қилди:

— Ҳов... ўша ерга тўпланинглар!

Мардикорлар бостирма тагига кириб, эски бўйралар устига давра қуриб ўтиришди.

Гадейбой айтган бўлса керак, чойхоначи иккита чойнакда чой, патнусда нон келтирди.

— Бой бувам эрибдилар-да!— бир йигит чойхоначига эшиттириб, пичинг отди.

— Шукур қил, ука,— деди чойхоначи, пичингни писанд қилмай:— Гадейбой меҳнатнинг қадрига етадиганлардан.

— Эшитганмиз,— йигит бўш келмади.— Бу ерда чой билан сийлаб, чўли-маликда онамизни кўрсатади.

Чойхоначи қўлларини белбоғига тираб туриб, насихат қилди:

— Пешонангдагини кўрасан, ука, тилингни бир қарич қилганингдан не фойда!

Чойхоначи бостирма тагидан чиқиб, шовуллаб қуяётган ёмғир остида кўздан ғойиб бўлди.

Сопол пиёла даврада айланди. Йигитлар индамасдан-гина нон чайнаб, чой ичишди.

Яна янги мардикорлар уч-тўртта, бешта-унта бўлиб келиша берди, давра тобора зичланди.

Кечга яқин Гадейбой саройбон ҳужрасидан чиқиб, бос-тирма тагига келди. Мардикорлар оёққа туриб, унга тўрдан жой беришди.

Гадейбой бўйрага чордана қуриб ўтирди-да, фотиҳа қилди. Кейин калта қирқилган чиройли соқол-мўйловини бармоқлари билан қашиб қўйди ва сал қисик қўй кўзлари кулимсираб, гап бошлади:

— Чўлда янги ер очяпмиз, оғайнилар. Қишлоғимизга Мусофиरोбод деб от қўйдик. Сиздек мусофир йигитлар обод қилишяпти. Бултур эллик киши борган эди. Ҳаммаси хурсанд. Эккан толлари пояга яраб қолди. Қамиш кўп. Ёзда чайлада туришган эди, қишга тўртта-бештадан бўлиб уй қуриб олишди. Утин важидан ҳам бемалол, гўзапояни ғамлаб олишган. Иш кўп. Қиш ичи ерга яхоб бериб, шўр ювиб чиқишди, зовур қазिशди, гўнг ташишди. Сувни Кенназариқдан ичамиз. Сизлар чўлга бориб, бир тош ерга ўқариқ қазийсизлар. Ҳаво юришиб кетиши билан чигит экамиз. Чўлда гап кўп. Меҳнат зое кетмайди. Оқ пошшо ҳазратларига амиркон пахтани биз берамиз. Савоб ишга бел боғладингиз, йигитлар. Худо хоҳласа, кам бўлмайсизлар...

— Бу, бой бува дейман,— боя пичинг отган шаддод йигит луқма ташлади:— Ҳар биримизга кулбамизда нечта оғиз қараб турибди, икки танга рўзгорга урвоқ ҳам бўлмайди...

— Шундай денг?— Гадейбойнинг кўзларида аллақандай ёмон ўт гилтиллади.— Мен, ука, сизни бўйнингиздан боғлаб оп кетаётганим йўқ. Аммо икки тангага кўнмасангиз, тагин бир илож бор: чоракорлик. Ер-сув, от-смоч биздан, меҳнат сиздан. Ҳосилнинг тўртдан бирини олаверасиз. А, лаббай?

— Тўғрику-я...— йигит анча бўшашди.— Чўл олис... Пахтани қайси бозорга обораман?

— Пахтани бизга сотасиз. Пошшолик қўйган нархга сиз ҳам рози, биз ҳам рози. Шундоқ эмасми?

— Ўйлаб кўрамиз.— Йигитнинг манглайига совуқ тер чиқди.

— Ўн ўлчаб, бир кесинг, ука. Гадейбойнинг адолатини яратганнинг ўзи ҳам, унинг бандаси ҳам билади.

Шу вақтгача жим ўтирган Тоштемир тиззаларини қавиғи титилган йиртиқ тўнига ўраркан, кўзлари жавдираб сўради:

— Кийим важдан қандоқ бўлади, бой бува?

— Боя бозорда айтганимдек,— деди Гадоёбой, юпун йигитни кўздан кечириб,— кийим-бошни пулга оласиз. Мусофирободда дўкон очиб қўйибмиз, бемалол.

— Бой бувам омон бўлсалар, ишимиз олчи экан,— бояғи шаддод йигит яна гап отди. Унинг бу гапидаги пичинг суҳбатга чек қўйди. Дарҳақиқат, йигитлар ўз кучларини Гадоёбойга арзон сотиб ва шу арзимас пулни ҳам яна бойнинг ўзига топширишга мажбур эдилар.

— Мана шу ерда бугун-эрта гурунглашинглар,— деди Гадоёбой ўрнидан туриб, этагини қоқаркан. У азбаройи новчалигидан боши шифтга тегаёзди.— Мен тирикчиликдан қолмай.

Мардикорлар ўринларидан туриб, Гадоёбойни қўл қовуштириб кузатдилар. У ёмғир остида отига миниб, сарой дарвозасидан чиқиб кетиши билан шаддод йигит ҳам ўрнидан туриб этагини қоқди ва:

— Маъзур кўрасиз, оғайнилар, бу савдо бизга тўғри келмайди!— деди-да, кўчага йўл олди.

Бошқалар бостирмадаги бўйраларга қатор ёнбошлашди...

Шанба куни тонг ғира-ширасида Гадоёбой ишга ёллаган эллик мардикорини Эгарчи маҳаллага бошлаб келди. Унинг бу ердаги қўрасида ўнта янги арава ва шунча оғтайёр турарди. Йигитлардан ўн киши отларни араваларга қўшди. Қолганлари чўлга кетадиган юкларни араваларга ортишди. Биринчи аравага палос ёзилиб, кўрпа, кўрпачалар тўшалди. Бой баққол ошнаси билан шу аравага чиқди. Бойнинг имоси билан Тоштемир эгарга минди. Тор кўчада ўн аравалик узунгина карвон ҳосил бўлди.

Карвон Бешёғоч оша Бўржардан ўтиб, Ракатнинг чангли тор кўчаларига кирганда қуёш шарқ уфқидан бош кўтарди. Аския мавзуида бир нафас тўхташди. Гузардаги чойхона олдига тахланган олма, нок, шафтоли кўчатлари, ток занглари араваларга ортилди. Карвон Қозирободда Тирсакка бурилди.

Зангиота, Йўғонтепа, Қовунчи, Чиноз...

Чинозга ярим кечада кириб келишди. Йўл ёқасидаги кўримсизгина чойхонага тушишди. Отлар аравалардан бў-

шатилиб, совутилди, уларга беда солинди. Мусофирлар чой-нондан кейин сўриларга қатор чўзилиб ухлашди.

Иккинчи кун пешинда от-аравалар дарёдан паромда ўтказилди.

Учинчи кун кечаси отлар ҳам, одамлар ҳам обдан ҳориган ҳолда Романов каналининг* узун ингичка кўпригидан ўтишди-да, Мусофирободга яқинлашишди.

Ёмғир бу ерда Тошкентдагидан ҳам мўлроқ ёққан, йўл лой, отлар тиззасигача ботар, ер ютаётган ғилдиракларни тортолмас, мусофирлар чориғининг қўнжигача лой кечиб, араваларни итаришарди. Чўлда на тиккайган дарахт, на милт этган чироқ, на булутли кўкда бирорта юлдуз кўринарди.

Гадейбой бу ерларга кўп марта келган бўлса керак, зимистон тунда ҳам адашмай йўл кўрсатиб турди.

Бошқаларга қараганда Тоштемир кўпроқ қийналди. У минган от бошқа отлардан ёшроқ, бақувватроқ бўлса ҳам, аравасидаги нозик йўловчиларни авайлашга мажбур эди. Унга на малла чакмонга ўралган бой, на кўрпачага ёнбошлаб олган семиз, пакана баққол ёрдамлашишди. Улар аравадан туриб ҳайҳайлар, бақириб-чақирар, шу билан йигитга далда бермоқчи бўлардилар. От-арава ботқоққа астойдил чўкиб қолган кезларда Гадейбой Тоштемирни уч-тўрт марта болохонадор қилиб сўқди. Гўё айб чўлда, лойда эмас, бечора йигитга эди. Бундай дақиқаларда Гадейбой Тошкентнинг мардикор бозоридаги нотиққа ўхшамас, унинг йиртқич табиати юзага тепиб чиқарди.

Тун бўйи шовқин-сурон, ур-сур билан, ниҳоят, лойлар кечиб ўтилди, карвон Гадейбой Чорсунинг карвонсаройида таърифлаган Мусофиробод қишлоғига кириб келди.

Тоштемир бу қишлоқнинг зим-зиё тақир чўлдан фарқини англай олмади. Каллакланган ёш толлар орқасидан базўр кўзга чалинаётган уч-тўрт пастқам кулбаси ва у ер-бу ерда зовурдан чиқарилган тупроқ дўнглари бўлмаса, қип-қизил чўлнинг ўзгинаси. «Балки, кечаси, ёмғирда шундай кўринаётгандир,— ўйлади йигит. Қайси жаҳаннамга келиб қолдик!»

Яна бир неча дақиқа юрилгандан кейин пахса девор билан ўралган қўра дарвозаси тепасида якка фонарь милтиллаб кўринди.

* Ҳозирги Киров номли канал.

— Келдик, — деди Гадейбой, қамчисининг сопи билан Тоштемирнинг курагига туртиб. — Тўхта!

Тоштемир от жиловини тортиди.

Карвон тўхтади.

Кўчадаги шовқинга дарвозадан пакана, букри одам бир қўлида фонус, бошқа қўлида курси кўтариб, чопиб чиқди. У олдинги аравада тикка турган Гадейбойни дарҳол тапиб, унга эгилиб салом берди-да, курсини арава орқасига лойга қўйди. Оёқлари увушган бойни аравадан суяб туширишда букрига Тоштемир кўмаклашди.

От-аравалар бирин-кетин саройга олиб кирилди.

Гадейбой сарой ҳовлисига тўпланган мусофирларни букрига рўпара қилди:

— Холмамат, йигитларни сенга, сени худога топширдим, — деди-да, ўзи қоронғида аллақайси бир ҳужрага кириб гумдон бўлди.

Холмамат йигитларни ишга солди: отлар аравалардан чиқарилиб, отхонага киритилди. Аравалардан юклар туширилиб, омборга ташилди. Бир нечта қоп баққолнинг дўконига ташиб берилди. Тоштемир қудуқдан бир неча марта сув чиқариб, отларни суғорди, охурларга беда солди.

Холмамат ўзи буюрган ишларнинг ҳаммаси саранжом қилингандан кейингина йигитларни отхона билан омбор ўртасидаги узун айвонга йўллади:

— Ана, жой. Ана, қумғон. Токчада қутида олма чой. Қайнатиб ичаверинглар.

Йўл азоби суяк-суягигача бориб етган йигитлар шовқин кўтаришди:

— Овқат-повқат, нон-пон борми? Тўшак-пўшак бера-санми?

Холмамат пинагини бузмай жавоб қилди:

— Егуликни баққолдан олаверасизлар. Тўшакка похол бор.

Йигитлар қудуқ ёпида бир-бирларига сув қуйишиб, ювинишиб келгунларича шаҳардан Гадейбой билан келган баққол аллақачон дўконини очган, чироқ ёқиб, тарозисини, чўтини шайлаб турарди...

Тоштемир қаерга келганини, кимнинг қўлига тушганини, шаҳардаги мардикорлик бу ердаги деҳқончилик олдида ҳолва эканини энди тушунди. Лекин унинг тақдирга тан беришдан бошқа иложи йўқ эди. Бошқа ҳамроҳлари каби, тунни совуқ айвонда, похол устида бир амаллаб ўт-

казди. Саҳар паллада, йигитлар ҳали бир уйқуни олмас-
даноқ Холмамат уларни уйғотди. Суви қочган нон, олма
чой билан нонушта қилишаётганда Гадейбой пайдо бўл-
ди. У малла тўнга ўралган, савсар телпагини бошига бос-
тириб кийган, ағдарма этиги тозаланган, соқол-мўйлови
тарашланган, юзи қип-қизил, лекин нечундир қовоқлари
шишган, кўзлари қизарган эди.

Гадейбой ўзини кўриш билан оёққа қалққан мусофир-
ларнинг саломларига алик олди, уларни «чўл лочинлари,
азаматлар» деб эркалади ва тўрга чиқиб ўтириб, бирга
нонушта қилди.

— Мана шу қишлоқ — Мусофиروبод, сизларга ватан
бўлади, — деди ёқимли, босиқ товуш билан. — Бугун ариқ
қазийсизлар. Гарчанд жума бўлмаса ҳам, Холмамат кеч-
қурун палов билан сийлайди. Қани, бир дуо қилиб юбо-
райлик: Илоҳи омин, парвардигори олам ишимизнинг ри-
вожини берсин, оллоҳу акбар.

Холмамат йигитларни ариқ қазиладиган ерга бошлаб
кетаётганда Гадейбой Тоштемирни тўпдан чақирди:

— Тоштемир, бери кел-чи, бўтам.

Тоштемир Гадейбой қаршисига келиб, қўл қовуштир-
ди. Гадейбой тунда аравадан туширилган мева кўчатла-
рига ишора қилди.

— Кўчатга қалайсан?

— Қўлимдан келади.

— Қўлингдан келса, қол. Иккимиз боғда ишлай-
миз.

Гадейбой боғ деб атаган ер — қўранинг орқасидаги ҳа-
ли бирорта чўп тикилмаган каттагина майдон эди. Тош-
темир кўчатларни қўра этагидаги эшикдан ўша ерга ташиб
чиқарди. Гадейбой омбордан каттагина кетмон олиб чиқиб,
Тоштемирга берди:

— Ол, соҳибкор йигит, бахтингни шундан топ!

Тоштемир қуллуқ қилиб кетмонни олди ва Гадейбой
этик учи билан чизган узун чизиқда кўчатларга чуқур қа-
зий бошлади...

Йиллар ўтди.

Меҳнати, машаққати, қаҳратони, саратони, юпунлиги,
аламлари билан бир-бирига ўхшаш зерикарли, узун, маҳ-
зун йиллар...

Гадейбой шаҳарда турса ҳам, чўлга тез-тез келар, ай-

ниқса чигит экишдан хирмон йиғиштирилгунча қўрада истиқомат қилиб қоларди. Унинг пахтазорлари кенгайгандан-кенгайди. Тоштемир чўлга келган йили юз арава пахта ортилган бўлса, етти йилдан кейин олти юз арава пахта ортиди.

Тоштемир бойнинг номи Гадой деб аталганига тушунолмас, бунинг сабабини билгиси келарди. Кунлардан бир куни Холмаматдан сўради. «Калтафаҳм!— деб кўз олғитирди букри. — Шуни ҳам билмайсанми? Бойбува сен билан биздай гадой. Унинг чўлдан топгани Шайҳантахур бувамда ҳақ йўлига қураётган масжидига кетяпти!»

Тоштемир Холмаматнинг сўзларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас, аммо чўлдан ташиб кетилаётган шунча хазинани битта масжид ютаётганидан ҳайронлиги тобора ортарди.

Етти йилда мевалар мукаммал ҳосилга кириб, тагин бир хазинанинг эшиги очилди. Гадойбой сархил олма, нок, узумларни вагонларга жойлаб, Россиянинг узоқ-узоқ шаҳарларига жўната бошлади.

Еттинчи йил охирида чўлга инқилоб хабари эшитилди. Кеч кузнинг ўша ёмғирли кунлари Гадойбой Мусофирободдан ғойиб бўлди. Пул олмаган мусофирлар ошсиз, нонсиз қолдилар. Уларнинг баъзилари қопларини орқалаб, шаҳарга — мардикор бозорга жўнаб кетмоқчи бўлганда Холмамат индамади. Аксинча, қолган мардикорларни ишга солиб, Мусофирободдаги терак, тол, тут, ҳатто мева дарахтларини кестира бошлади. Холмаматнинг кимлигини Тоштемир ана шунда пайқаб олди. Холмамат шаҳарга ўтин ортиб кетган кунларининг бирида мардикорларни йиғди. Қўшни қишлоқларда ер-сув камбағалларга ўтаётганини, Мусофирободда ҳам шундай бўлиши муқаррар эканини, шу сабабдан Холмаматнинг талон-торожига чек қўйиш зарурлигини тушунтирди. Холмамат шаҳардан қайтиб келганда мардикорлар зовур қазиётганини кўриб, ҳанг-манг бўлди. Унинг дарахт кесиш ҳақидаги буйруғига энди ҳеч ким қулоқ солмади...

Хуллас, Тоштемир чўлни, боғни ташлаб кетмади. Гўё у кетса, боғ хароб бўладигандай, Холмамат баркамол меваларни саржин қилиб сотадигандай эди. Умуман, Тоштемир чўлга шу қадар боғланиб қолган эдики, эндиги турмушини чўлнинг ёздаги жазирамаси, қишдаги бўронларидан ташқарида тасаввур эта олмасди. Бунинг устига, боғ ҳам йилдан-йилга кенгайиб, дарахтлар мева ва соя бериб,

Ўз боғбонини оҳанграбодай тортар, бир қадам нарига жилдирмас эди.

Тоштемирнинг чўлга муҳаббатига муҳаббат қўшган киши — Иван Андреевич Мудров бўлди.

Мудров Мирзачўлга Тоштемирдан ўн йил кейин — йигирманчи йили бир тўда олимлар билан бирга келиб, Мусофирободдан ўн беш чақиримча наридаги Крестьянское қишлоғида намунали-тажриба хўжалиги ташкил қилди. У Мирзачўл ерларини суғориш, шўрни ювиш, уруғчилик масалалари билан шуғулланар, каттагина боғи ҳам бор эди.

Чўл кишилари Мудровни «Иван ака» деб ҳурматлардилар.

Иван ака чўлга келиши биланоқ Тоштемирнинг боғига қизиқиб қолди. Мева ниҳолларини кўздан кечирди. Тупроқни кафтида кунга солиб кўрди. Ўқариқдаги лиммо-лим сувга қараб, бошини чайқади, ўқариқни буздириб ташлади. Боғ этагидан зовур олдирди. Тоштемирга боғ оралаб кичик-кичик калта ариқлар очишни, сувни жилдиратиб қўйишни ўргатди. Пахтазорда ҳам худди шундай қилди: калта ариқларни камайтиришни, зовурларни кўпайтиришни маслаҳат берди.

— Сувни шунақа қўя берсанг еринг тўқайга айланади, — деди Мудров. — Пахта ўрнига туз оласан.

Иван ака кетгандан кейин Тоштемир унинг йўл-йўриқлари ҳақида бош қотирди. Дарҳақиқат, сув қўйилган ерлар оппоқ қировдай туз билан қопланган, қалин бегона ўтти чопиқ қилиб тугатиб бўлмасди.

Саратоннинг айни қизгин кунларида безгак авж олди. Кўпгина бошқа мусофирлар қатори, Тоштемир ҳам йиқилди. Иссиғи ниҳоясига етиб боши айланди, кўзи тинди, ҳушидан кетиб, зовур бўйида ётиб қолди. Кейин нима бўлганини билмайди. Кўзини очганда — бегона қўра айвонида, юмшоқ каравотда терлаб ётарди. Иван ака хотини билан пайдо бўлди. Оқ фартук кийган гўзал аёл йигитнинг оғзига бир отим носвойча оқ дори ташлаб, стаканда чой берди.

— Ичиб юборинг, тузаласиз.

Шу-шу, Тоштемир Иван ака ва унинг рафиқаси билан қадрдонлашиб, уларнинг қишлоғига тез-тез борадиган, маслаҳатлашадиган бўлиб қолди. У ҳар йили мева гарқ пишган кезде Иван акага бир сават анвойи узумлар кўтариб борарди.

Йиллар ўтди. Ўзбекистонда ер ислоҳоти бошланди. Ўша кунлари Тошкентга кетган Иван Андреевич Крестьянскоега аллақандай ёшариб, руҳланиб қайтди. Гадойбой у билан бирга келди. Лекин бой нечундир хомуш, қовоғидан қор ёғарди.

Тоштемир кейин билса, Гадойбойнинг ер-сувлари мусодара қилинибди. Унга ўз кучига яраша ер, қўшхўкиз қолдирилибди. Лекин бой нечундир чўлдан кетмади. Ерда ишламаса ҳам, боғда эрта-кеч тимирскиланиб юрди.

Крестьянскоеда Совет тузилиб ишлар қизиб кетди. Мудров Советга раис қилиб сайланди. Мусофирлар Тоштемирни аъзо қилиб кўтаришди. Шундан кейин Тоштемирнинг Иван ака билан дўстлиги тагин ҳам қаймоқлашди.

Ер ислоҳоти ўтказилиб, Гадойбой каби бошқа бойларнинг ҳам ерлари камбағалларга тақсимлаб берилди. Шеркатлар тузилди. Мусофирободдаги шеркатга Тоштемир раис қилиб сайланди.

Бу вақт Тоштемир чўл шамолида роса қорайган, турмуш аччиқ-чучукларини торта бериб обдан пишган, саводсизлар курсида ўқиб, «Камбағал деҳқон» газетасини бемалол ўқийдиган бўлиб қолган эди.

Кечаги мардикорлар энди мусофир эмас, Мусофирободнинг номи ҳам мазмунига ярашмасди. Мусофиробод бундан ўн беш йил аввалги тақир чўлга сира ўхшамасди. Темир йўл станциясидан Мусофиробод, Крестьянское ва бошқа қишлоқларга йўл очилиб, тош терилган, оқбадан тераклар кўкни ўпиб, азим толлар чинорларни эслатарди. Боғдаги мевалар ҳам вояга етиб, йилига юз-юз эллик арава ҳосил бера бошлади.

Тоштемир Ханифани Ер ислоҳоти ўтказилган ўша йили учратди.

Ханифа Крестьянское қишлоқ Советида котиб бўлиб ишлайдиган Ғабдулла нўғой исмли қозонлик татар тилмочнинг қизи бўлиб, ўн саккизга тўлган дуркунгина қиз эди. Мудров қаерга борса, Ғабдуллани бирга олиб юрар, ўзи ўзбек тилини унча-мунча тушунса ҳам, деҳқонлар билан асосан тилмочи орқали сўзлашарди.

Тоштемир билан Ханифа бир-бирларини севиб қолдилар. Лекин Тоштемир қизга муҳаббатини айтолмай, бир йилча қийналиб юрди. Ўша кунлари Ханифанинг бошига қатта мусибат тушди: кўпдан бери юраги бемор Ғабдулла нўғой безгак билан оғриб, тўсатдан вафот қилди. Ханифани Мудров қиз қилиб олди.

Тоштемир Иван акага дардини очди. Мудров рафиқаси билан Мусофирободга келиб, уларнинг тўйига бош бўлди.

Тўйга Гадейбой ҳам келди. Энди унинг аввалги савлат-салобати йўқ. Бошқалардек гоҳ чориқда, гоҳ оёқ яланг юрарди. У озган, қотма бўйи яна ҳам новчалашгандай, калта соқол-мўйловини қиров босган. Кўзларида аллақандай паришонлик, ҳорғинлик сезилиб турарди. Баъзилар: «Ана энди исми жисмига яраша»,— дейишса, бошқалар: «Гадейбойдан кулманг, ҳар қалай, бизни чўлга бошлаб келган деҳқон шу!»— деб, уни ҳимоя қилишарди.

Гадейбой тўйда Тоштемирга тўн кийдирди. «Қандингни ур, йигит!— деди у, Тоштемирни бағрига босиб.— Чинакам чўл лочини экансан! Энди мен бемалол оёғимни чўза берсам бўлади».

Дарҳақиқат, Гадейбой тўйнинг эртаси чўлдан ғойиб бўлди. Шу-шу, қайтиб келмади...

Гадейбойдан Мусофирободда қўра, боғ, икки юз гектар ер ва катта тўқай, ботқоқ кўллар, шўр босган майдонлар мерос қолди...

Ўттизинчи йили Мусофирободда колхоз тузилди. Иван Андреевичнинг таклифи билан колхозга Тоштемир раис қилиб сайланди. Озод элга, обод қишлоққа янги ном: «Меҳнат — роҳат» номи берилди.

Коллектив хўжалик ва коллектив меҳнатнинг шарофати шу бўлдики, ўн йил ичида ер ўн баробар кенгайиб, икки минг гектарга, жумладан пахтазорлар минг гектарга етди. Гектарида ўттиз центнер «оқ олтин» олинди.

1941 йилнинг ёзида, герман фашизмга қарши қаттол жанглар бошланган кунларда Тоштемир элликка кирган бўлса ҳам, Мирзачўлда Тоштемир ота деб ном чиқарган, Ўзбекистонга «пахта устаси» деб танилган эди.

Тоштемир колхозни областдан юборилган Мирҳосил деган йигитга топшириб, фронтга кўнгилли бўлиб ёзилди. Ханифа унга эргашди. Эр-хотин бир-бирига қаттиқ боғланган, айниқса фарзандсизлик уларни бир-бирига суяб қўйган эди. Ханифа солдатлар жўнатилган «қизил вагон»да Оренбургга қадар келиб, Қозонга — ёлғиз тоғасининг уйига кетди. Тоштемир урушдан қайтишда уни чўлга олиб кетишга ваъда берди.

Ханифа эрининг хатларини лайлатулқадрни кутгандек сарбсизлик билан кутди. Лекин хат қадеганда кела бермас, вафоли хотиннинг у хатдан бу хатгача

сочи оқарар, кўз атрофларини бижири-бижири ажин қопларди.

Солдат хати...

Ханифадан ўша йиллари: дунёда энг секин юрадиган, энг узоқ йўл босадиган нима? —деб сўрасангиз:— Солдат хати!— деб жавоб берарди.

Хат кута бериб, Эдил бўйидаги кўримсизгина почтага эртадан кечгача қайта-қайта қатнар, оқ қайинлар билан ўралган остонасида ойдин кечаларни бедор ўтказарди.

Бу орада тоға ҳам фронтга кетиб, Ханифа ёлғиз қолди. У кун бўйи колхоз фермасида сут соғар, оқшомлар мадори тугаб, уйига базўр етиб келарди.

Уч йил шу кўйда ўтди.

1944 йилнинг серёмғир куз кечаларидан бирида Ханифа уйдаги стол устида хира ёниб турган керосин чироқ ёруғида Тоштемирнинг бундан олти ой аввал келган хатини ўқиб ўтирарди... Дераза чертилди. Ханифанинг юраги чалажон қушдай типирчилаб, ўтирган курсисидан сапчиб турди. Эшикни ланг очиб юборди. Остонада юз-иягини соқол қоплаган, халтасини елкасига осган чол туғарди. У бундан уч йил аввалги Тоштемирга ўхшамаса ҳам, Ханифанинг юраги бу кекса солдатнинг Тоштемир эканини сезди. У ўзини солдатга отди. Ҳўнграб йиғлади. Уч йиллик айрилиқ аламлари уйқусизлик қизартирган кўзларидан дув-дув тўкилди.

Эр-хотин стол ёнида ўтириб, тонг оттиришди. Чироқнинг қизғиш шуъласи саҳар шафағига уланди. Уларнинг гапи тугамади. Ханифа эрининг бошидаги яра изларини, бўйнидаги ямоқларни силар, унинг озғин, рангпар юзига, ҳорғин кўзларига қараб тўймасди...

Улар «Меҳнат — роҳат» колхозининг гузарига ноябрнинг охириги кунларида кириб келишди. Мирзачўлга қалингина қор ёққан, совуқ шамол юз-кўзни омонсиз яларди.

Колхоз идорасида Холмаматдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Бу — бир вақтлар Гадейбойнинг гумаштаси бўлган ўша Холмамат букри, энди Мирҳосилнинг пинжига кириб олган, номи қорсвул бўлса ҳам, раиснинг ҳамма ишидан хабардор, янги хўжайиннинг этагига ёпишиб олган ўша эски малай эди.

Холмамат Тоштемир билан совуққина саломлашди-да, раис колхозчиларни Фарҳод канали қурилишига олиб кет-

ғашини айтди. Тоштемир Иван акани сўраган эди, Холмамат Мудровнинг ўша Фарҳод қурилишида «каттаконлардан бири бўлиб ишляпти», деди. У Тоштемирнинг уйида энди Мирҳосил турганини хабар қиларкан, «замона зайли, оғайни, иложимиз қанча», деб хи-хилаб кулди.

Холмаматнинг заҳархандаси Ханифага қаттиқ тегди. Лекин Тоштемир писанд қилмади. Қопини орқалаб, хотинини боққа бошлади. Эр-хотин Мирҳосил эгаллаган обод қўрани четлаб ўтиб, қор босиб ётган дарахтлар тагидан боғ этагига — қоқи солинадиган айвонга боришди. Шу ердаги ҳужрага киришди.

— Бизга шу ер ҳам бўлаверади, Ханифа,— деди Тоштемир, қопини елкасидан тушираркан.— Сен ҳужрани сур, мен ўтин топиб келай.

Тоштемирнинг фронтдан қайтган хабари қишлоққа бир зумда ёйилди. Унинг эски қадрдонлари, қўни-қўшнилар боққа бирин-кетин кириб келишди. Кечга яқин айвон билан ҳужра кўнгил сўрагувчиларга тўлди. Кексалар Тоштемирнинг қўрасини дарҳол бўшатиш, уни яна раис қилиб сайлаш зарурлигини айтишди. Лекин Тоштемир кўнмади. Энди қариб қолганини, урушда мияси жароҳатланганини, раисликка ярамаслигини, агар правление лозим топса, богда ишлашга тайёрлигини айтди.

Мирҳосил билан Мудров Бескободдан эртаси кун қайтиб келишди. Тоштемир бу фикрини уларга ҳам айтди.

«Меҳнат — роҳат» правлениеси Тоштемирни колхоз боғдорчилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади.

Ушандан бери яна ўн йил ўтди. Энди у Тоштемир, чоллар тили билан айтганда, «ошини ошаб, ёшини яшаган» бобой. Бу йиллар ичида эр-хотин тагин битта боғ очишди, янги қўра қуришди. Чўлбобонинг пайвандларини ҳавас қилмайдиган боғбон кам топилади. Фақат узумларнинг нави юздан ошди. Олмалар, анору анжирлар, шафтоли, беҳилар, гилослар, гайнолилар, ноклар камолга етди. Бир дарахтнинг беш хил, олти хил мева беришини Чўлбобо хаёлдан ҳақиқатга айлантирди.

Бу соҳада Тоштемир ота билан Мудров ўртасида тилларда дoston бўлган мусобақа давом этади. Иван Андреевич эндиликда Янгирдаги «Главголодностепстрой»нинг бош ирригатори бўлса ҳам, колхозга топширган тажриба участкасидан тез-тез хабар олиб туради.

Бундан ўттиз икки йил аввал чўлда топишган бу икки бобой эндиликда янги совхозларга кўчат беришяпти. Бу икки бобой вояга етказган боғларнинг мевалари Москвадаги Халқ Хўжалиги Виставкасида ҳам машҳур.

Бу боғларнинг даромади «Меҳнат — роҳат» колхозининг қаддини тиклади.

Бу жиҳатдан Чўлбобонинг кўнгли тўқ.

Аммо...

Колхозда кейинги йилларда юз берган баъзи кўнгилсиз воқеалар анчагина одамларни гангитиб қўйди. Чўлбобонинг гангишига ҳам оз қолди. Агар Иван Андреевич унинг кўзига ҳақиқатни очмаганда, Тоштемир ота, эҳтимол, эсанкираб қолган бўларди.

Ҳақиқат шу эдики, ер ва сув илмидан беҳабар Мирҳосил чўлдан ваҳшиёна фойдалана бошлади. У асрлар давомида пишиб ётган соғлом ерга сув келтириб, чигит экади. Бир-икки йил пахтадан катта ҳосил олади. Бу ер ботқоққа айланиши билан, уни ташлайди-да, бошқа ерга ўтади. У ернинг ҳам кучини сўриб, яна катта пахта олади. Сўнгра яна янги ерга ўтади... Хуллас калом, план юз, дўппи яримта, пул кўп, маишат зўр. Аммо ишдан чиққан ернинг аҳволига маймунлар йиғлайди.

Хўш, нега Мирҳосилнинг тили узун? Нега унинг танобини тортиб қўйишмайди?

Шу кўнғача жавобсиз қолаётган савол шу.

Баъзилар: «Мирҳосил йўғон тортиб кетган, уни қайириб олиш қийин», дейишади.

«У билан олишадиганларнинг бели синади», деган гапни Тоштемир ота ҳам кўп эшитди. Аммо чўчимасди. Олишиб кўрди. Шўр ютиб ётган ботқоқ ерларни чамалаб чиқиб, районга ариза ёзди. Уни чақирдилар. Лекин гапига қулоқ солиш ўрнига, Мирҳосилни тажрибали раис, пахта устаси, деб кўкларга кўтардилар. Ҳатто: «Мирҳосил ўрнингизга раис бўлгани учун ғайирлик қилаётгандирсиз», деб қўйганлар ҳам бўлди.

Тоштемир ота «Меҳнат—роҳат» колхози ерларининг аҳволини текширадиган комиссия сўраб областга ариза ёзди. Лекин нечундир ариза яна районга тушди. Комиссия тузиш ўрнига уни тағин исканжага олдилар. Мирҳосил уни идорага чақириб, сенсиради: «Тинч юрсанг юр, бўлма-са колхоздан бадарға қиламан!»

Ана шунда Чўлбобонинг гангиб қолишига оз қолди.

Қўра айвонида Ханифа билан тонг оттиришди. Хани-

фа масалани правлениега қўйишни, Мирҳосил билан очиқ-часига гаплашишни маслаҳат берди.

Эрталаб Ханифа идорага эри билан бирга бориб, раиснинг колхоз боғига қурилган янги меҳмонхонадан чиқишини пешингача кутишди.

Раис идорага ширакайф кириб келди.

Чўлбобо ундан правлениени чақиришни талаб қилди.

— Правление — мен бўламан! — деди Мирҳосил, Чўлбобога маст кўзларини қадаб. — Гапир арзингни!

Сабр косаси тўлган Чўлбобо пақ этиб ёрилди. У Мирҳосил Мирзачўлнинг олтин тупроғини нобуд қилаётганини, ернинг истиқболини ўйламаётганини, бунинг натижасида минг-минг гектар ерлар қамишзорга айланаётганини, агар иш шу зайлда кетса, халқнинг меҳнати зое кетишини сўзлаб, буни жиноят деб баҳолади.

— Биз эллик йилдан бери шу чўлда яшаймиз, раис, — деди Чўлбобо. — Эллик йилдан бери шўр билан, ботқоқ билан курашамиз. Бу чўлда гиёҳ ундирамиз деб сочи миз оқарди. Меҳнатимиз билан Мирзачўл пахтага кон бўляпти. Сиз бўлсангиз, олтин тупроқни нобуд қиляпсиз.

— Хўш, мен давлатга пахта бермаяпманми? — Мирҳосил Чўлбобога терс қараб, ўшқирди.

— Чўлни нобуд қилиш бадалига пахта беряпсиз. Бу ишингиз чакки, раис. Мард бўлсангиз, чўлни обод қилиш бадалига пахта беринг.

— Аҳа! — Мирҳосилнинг кўзлари олаланди, Олтин Юлдуз порлаб турган кўкрагига мушт урди. — Манов Юлдузни ҳукумат менга билмасдан берган экан-да?!

— Ҳа, билмасдан берган, — Чўлбобо бўш келмади. — Агар ҳукумат еримизни нобуд қилаётганингизни билганда, сизга мукофот бермаган бўларди.

Мирҳосил ўзини тутолмай, Чўлбобога бақирди:

— Чиқ идорамдан! Эртагаёқ колхозимдан кўчиб кет!

— Ҳаддингиздан ошманг, раис! — шу пайтгача индамай ўтирган Ханифа жанжалга аралашди. — Идора ҳам, колхоз ҳам сизники эмас. Халқники. Катта оғизлик ҳаёти билан.

Мирҳосил билан айтишишдан фойда чиқмаслигига эри етган Чўлбобо:

— Эсиз, халқнинг сенга ишончи! — деди ўрнидан қайтиб, этагини қоқаркан. Кейин хотинига қаради: — Юр, Ханифа, кетдик. Биз буни одам деб кепмиз. Гапимизга қўл соладиганлар топилиб қолар!

Эр-хотин идорадан чиқа туриб, Мирҳосилга яна бир қарашди. Унинг азбаройи аччиғи чиққанидан лаблари пир-пирар, қалтироқ қўллари телефонга ёпишган, трубкага аланималар деб бақирарди...

Чўлбобо билан Ханифа раис кабинетидан чиқиб, партияга, Аширали ҳузурига киришди. Яқиндагина бу вазифа сайланган шу қишлоқлик озғин, новча йигит — Ашир-ли бригадирлар билан дала шийпонларини безатишни маслаҳатлашиб ўтирарди. Хонадагилар Чўлбобони кўриш билан оёққа туриб, салом беришди, чол-кампирга тўрдан жой кўрсатишди.

Чўлбобо парткомдагиларга раис билан суҳбатини ҳикоя қилиб берди.

Бригадирлар Чўлбобони, унинг ер ҳақидаги фалсафасини яхши билишса керак, ёнини олиб, Мирҳосилнинг қўполлиги, омилигидан шикоят қилишди.

Аширалининг боши қотиб, манглайи тиришди.

— Оғир масала,— деди у, Чўлбобога тийран боқиб.— Томири йўғон масала. Шахсга сиғиниш офати аллақачон тугатилган бўлса ҳам, Мирҳосил ҳамон «ўзим хон, ўзим бек», деб юрибди. Лекин унинг попугини пасайтириш қўлимиздан келади. Хотиржам бўлинг, отахон, мақсадингизга етасиз. Еримизни хароб қилишга йўл қўймаймиз. Ахир, биз халқмиз, партиямиз. Албатта, курашамиз!

Чўлбобонинг Мирҳосилдан ранжиган қалби Аширалидан таскин топди, ишончга тўлди. Аширали бир сўзни бекор айтмайди, айтса қилади.

Чўлбобо хотинини етаклаб, қўрасига умидвор қайтди.

Феруза Мирзачўлга келганда Чўлбобо билан Мирҳосил ўртасидаги низо айна ўт олган кунлар эди.

Ханифанинг ўз умр йўлдоши — Чўлбобо ҳақида айтиб ерган чўпчаги ҳам шу эди...

Учинчи боб

Феруза самоварнинг вағиллаб қайнашига уйғониб кетди. Дим пашшахонада тузуккина терлаган, чаккасидан сққан тердан ёстиқ ҳўл бўлган эди. Кўйлагини кийиб, пашшахонадан сирғалиб чиқди.

Ханифа ўрнини аллақачон йиғиштириб, хонтахта атёфига кўрпачалар тўшабди.

Феруза ҳовлига тушиб, шабнамда қийғоч очилган атир-

гуллар устига эгилди, тўйиб-тўйиб ҳидлади. Ариқнинг тиниқ муздек сувидан қўл-бетини чайди-да, ошрайхоннинг сербарг шохини синдириб, чаккасига қистирди. Соатига қаради: беш ярим. Қуёш ҳали кўтарилмаган, осмон ўчган гулхандай кул ранг, у ер-бу ерда қўр юлдузлар милтиллаб кўринарди.

Феруза бор-йўғи уч соат ухлабди. Таажжубки, уйқуга тўйибди. Кўнгли сокин, руҳи енгил, худди эркин қушдай, елкаларида қанот пайдо бўлгандай, қўлларини баланд кўтариб учиб кетгудай.

Боғ этагидан, ишком ичидан Ханифа бир патнус шивилғон билан ҳусайни кўтариб чиқди.

— Турдингми, болам? Қалай, уйқуга тўйдингми?

— Чўлнинг ҳавоси бирам енгил эканки...

— Енгил бўлганда қандай!— Ханифа кулди.— Дарё шамоли баҳрингни очади. Чўлнинг хосияти кўп, қизим. Қани юр, нонушта қиламиз!

Феруза Ханифанинг қўлидан зил патиусни олди.

— Отам қаёқдалар?

— Отанг боғда ишляптилар. Чақирдим, ҳозир чиқадилар.

Айвонга чиқишди. Феруза пашшахонасини йиғиштириб, девордаги қозикқа илди, ўрнини йиғди. Ханифа чой дамлади.

Чўлбобо боғдан бир этак олма олиб чиқди.

— Кечасиги шамолга тўкилибди жонвор...— деди, этакини дастурхонга ағдариб.— Ол, қизим, татиб кўр!

Олмаларнинг ҳар бири косадай келар, туси тиниқ сариқ, хуш бўйи димоққа гупиллаб урарди.

Феруза бунақа нав олмани илгари кўрмаганидан, ажабланиб сўради:

— Бу қанақа нав, ота?

— Мирзачўл нави. Иван билан бирга пайванд қилганмиз. Анча хил олмадан жамулжам бир маъжуз. Иванта: сенинг отингга қўяман, десам, сира кўнмайди. Мичурин нави бор-ку, нечун Мудров нави бўлмасин?

Феруза олмадан тишлади. У тишлаганда карсиллар, аммо оғизда асалдай эрирди.

— Ажойиб олма!— деди Феруза.— Мазза!

Феруза узумлардан ҳам бир шингилдан олиб, курсиллатиб чайнади. Йирик-йирик доналик гужумлар кўринишда оддий шивилғон, ҳусайни бўлса ҳам, шираси танглайга асалдай ёпишарди.

Чўлбобо чойга қорган талқонини ямлаб ютаркан, Ферузадан сўради:

— Хўш, агроном, шаҳарнинг узумига ўхшайдими?

— Туси ўхшаса ҳам, мазаси ўхшамайди.

— Балли, қизим! Бизнинг чўлимизда офтоб сахий, тупроқ хосиятли, сув анвойи, ёз ҳам узун. Мендан сенга насиҳат шуки, ернинг қадрига ет. Тажрибакорларнинг сўзларига қулоқ сол. Сенинг келганингни тунда Иванга айтдим. Колхоз билан, одамлар билан яхши танишсин, кейин менга учрасин, деди. Ярим кечада Янгиерга кетди. Жанубий каналга бетон ётқизишяпти. Сопол, қувур пиширадиган завод қуришяпти. Олтин одам Иванимиз!

Нонуштадан кейин Чўлбобо Ферузани боққа бошлади:

— Қани, ишимизга бир баҳо бер-чи!

Чўлбобо кўрасининг этагидан бошланадиган боғ ўттиз гектарлик яхлит бир майдон бўлиб, кўз бир қарашда поёнини қамраб ололмасди. Боғнинг олдинги қисми анорзор, анжирзор; ўртаси — олмазор, нокзор; этаги — узумзор эди. Ишкомлар бошқа ердагиларга ўхшамас, қатор устунларга симлар тортилган, кичиги кўзадай узум бошларида шудринг йилтилларди.

Феруза меваларнинг ҳосилини кўриб ҳайратланди. Анжирлар обдан саргайган, анорлар энди пиёладай бўлиб қизара бошлаган, кечки олмаларга ранг кираётган, ноклар ҳали кўм-кўк носқовоқлардай осилиб турган фасл эди. Қизни айниқса узумзор сеҳрлаб қўйди. У ишкомдан бу ишкомга ўтиб, навларини санади.

— Хусайни, ҳасайни, чарос, победа, буваки, шивилгон, шаҳрисабз, жанжал-қораси, оқ кишмиш, қора кишмиш, қирмиска...

Феруза у бош, бу бошдан ғужиб, ширасини кўрар, бири биридан рангдор, бири биридан ширин узумлардан кўзини узолмас, Чўлбобонинг соҳибкорлигига тан берарди.

— Наҳотки, шундоғ боғ яратган Чўлбобого раис: Колхоздан кўчиб кет, деб дўқ урса? — Феруза ҳайратланиб сўради. — Сира ишонмайман, ота.

Чолнинг ёрқин манглайини булут босгандай бўлди. Боғ жамоли, тонг шукуҳидан унинг кўнгли чоғ, руҳи баланд эди. Қизнинг сўзлари унга Мирҳосил билан жанжалини, Мирҳосилнинг шу гавҳар ерга ҳурматсизлигини эслатди.

Чўлбобо гулқайчисини белбоғига қистираркан:

— Опанг тунда чўпчак айтиб берибди-да?— деди пешонаси тиришиб.

— Ота, айтинг-чи, опам айтган чўпчак чўпчакми, ёки ҳақиқатми?

Чол бир оз ўйланиб қолди. У кечагина шаҳардан келган қизга чўлдаги ҳазм қилиш қийин бўлган гапни айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмасди. Аммо Ханифанинг «чўпчаги» уни айтишга мажбур қилди.

— Ҳақиқат,— деди соқолини хомуш силаб.— Раис билан муросага келолмай юрибмиз.

Феруза «муроса» сўзини эшитиб, чолга ялт этиб қаради:

— Раис билан муросага келса бўладими?

— Бўлади. Агар Мирҳосил ерни қадрласа, чўлнинг эртасини ўйласа, у билан муросага келса бўлади.

— Агар ерни қадрламаса-чи?

— Ўзига жавр қилади.

Чўлбобонинг сўзларидаги ерга муҳаббат, ўз кучига ишонч Ферузани узил-кесил ром қилди. Чолга нурли кўзларини тикиб беихтиёр:

— Яшанг, ота!— деб юборди.

Боғ этаги ёришиб, дарахтлар ортидан қуёш баркашининг бир чети кўринди. Минг хил барглар, ранго-ранг мевалар нурда антиқа товланди. Гўё хаёлий эртак ҳаётда жонланиб, тилга кирди-да, ҳар бир дарахт ўз тарихи, ўз камоли ва ўз истиқболини таърифлай бошлади. Канал томондан эсган шамол боғ қучоғини ҳам сайр этиб ўтди, унинг кўз илғамас енгилгина тўлқинларига меваларнинг шохлари эгилиб, банди пишган олма, шафтолилар ерга «тап-тап» тушди.

Феруза гоҳ у, гоҳ бу дарахт тагига эгилиб, тўкилган меваларни саватга терди. Сават бир неча дақиқада лиқ тўлди. Қиз уни катта олма тупи тагидаги бордонга бўшатиб, яна тўлдирди.

Ханифа боққа кириб келди. Шошилиб мева тераётган Ферузани кўриб, кулди:

— Ҳой, отаси, меҳмон қизни ҳалитдан ишга солиб юбордингизми?— Ханифа саватни қизнинг қўлидан олди.— Отангнинг боғи бамисоли кон, терганинг билан тугамайди. Сен энди ишингга бор, қизим. Идора қайдалигини биласанми?

— Сўраб топиб оламан.

Чўлбобо боғнинг этагига ишора қилди:

— Шу ёқдан чиқсанг, узун оқ уй кўринади. Идора ўша. Фериуза узумзор томонга юриши билан ҳовлидан кимнингдир чақирган товушини эшитиб, тўхтади.

— Чўлбобо, ҳо Чўлбобо!

— Норқўзи келяпти,— деди Ханифа, эрига ҳайрон тикилиб,— Нечук худо ёрлақади?

— Иши бордир.— Чол ҳовли ёққа қичқирди:— Келавер, Қўзивой, бу ёқдамиз

Фериуза чол-кампири ёнига келиб, кеча Ханифа опа «пахтаси яхши» деб таърифлаган Норқўзини кузатди.

Норқўзи гулзор бўйида бир туп оқ атиргул шохига эгилди, гунчани узди, ҳидлади, кейин чуст дўпписининг чаккасига қистириб, боғ томонга шошмасдангина юрди.

Норқўзи ўттиз ёшлардаги ўрта бўйли, қорачадан келган йигит эди. Эгнида ювила бериб оқарган тринка гимнастёрка, галифэ шим, оёғида анчадан бери мойланмасдан қўнжи оқарган, тумшуғи қирилган кавказча пўрим этик. Йўғон қизғиш камарини тортиб боғлаганидан хипча беля кенг кўкрагига номуносиб кўринарди.

Фериуза нечукдир Шералини эслади ва Норқўзини унга фикран солиштирди. Икковининг сал чўзиқроқ бугдой ранг юзи, доим кулиб турувчи сал қисик кўзлари, ҳатто қуюқ қошлари ўхшашдай туюлди.

— Ассалому алайкум, бобо!— Норқўзи оғзини кенг очиб гапираркан, ўнг жағи тўла тилла тишлари порлаб кўринди.

Чол қўл узатган эди, Норқўзи қучоқ очди. Иккови эски қадрдонлардай бел олишиб кўришдилар. Норқўзи Чўлбобонинг елкаларини темирдай кафтлари билан шунақа қаттиқ тортдики, бечора чолнинг қовурғалари қисирлаб кетди.

— Ҳой бола, синдирасан!— деди Чўлбобо, кўзларига ёш чиқиб.— Мен сенга Мирҳосил эмасман!

— Оббо, Чўлбобо-ей!— Норқўзининг чиройли кўзлари кулди.— Раисни юзимга солганингиз-солган-да! Икковингиз маш-маша қилиб юрсангиз, менда гуноҳ нима?

Чўлбобо йигитнинг омбирдай қучоғидан бўшаркан:

— Қўй, тилимни қичитма,— деди.— Кошкийди, ер жанжали иккаламизнинг жанжалимиз бўлса!

Норқўзи Ханифа билан қўл бериб кўриша туриб, кўзларини ўйнатди:

— Биз ҳам чол бўлсак, шунақа эзма бўламиз шекилли. Ханифа чолининг ёнини олди:

— Эримни ҳадеб чол дея берманг. Яхши ният қилинг. Норқўзи, Чўлбобонинг ёшига кирай деб.

— Ниятимиз улуғ,— деди Норқўзи, олма тагида турган Ферузага тикилиб.— Меҳмон билан таништирмайсиз ҳам...

— Танишинг, Феруза. Колхозимизнинг янги агрономи. Норқўзи билан Феруза қўл бериб кўришишди. Норқўзининг одатдаги қўл қисиши Ферузага атайлаб кучини кўрсатиш учун қилинаётгандай туюлди, қўл учининг оғриғи товоғигача сезилди, аламини ичига ютиб, йигитга ўп-қаланиб қаради.

— Хурсандмиз,— деди Норқўзи, қизнинг шамолда хилпираётган этагига зимдан назар ташлаб,— Тошкентдан келдингизми?

Феруза аччиғини ютиб, базўр жавоб берди:

— Ҳа.

Норқўзи Ферузага ортиқ парво қилмади-да, Чўлбобога деди:

— Сиздан фотиҳа олай деб келдим, оқсоқол, бугун тегишни бошлаяпмиз.

— Кеча пахтагни кўрдим, яхши очилибди.— Чўлбобо йигитга мамнун боқди.— Теримчиларинг етарлими?

Норқўзи дўпписини олиб, бошини қашиди. Пешонаси сал тиришиб, ундаги икки қатор ажин чуқурлашди.

— Етарли эмас. Шошилиб қоламиз шекилли. Идорага шу масалада боряпман. Раисдан сўрамоқчиман, камида икки юз ҳашарчи берсин.

— Ўҳ-ҳў... иштаҳанг катта-ку?— Чол мийиғида кулди.— Битта бригадага икки юз ҳашарчи берадиган бўлса шунча одамни қаёқдан олади?

— Қаёқдан олиши билан ишим йўқ.— Норқўзи дўпписини кафтига уриб, кийиб олди.— Одамни берсину пахтасини олсин. Гап тамом.

— Хайр,— Чўлбобо қўлларини фотиҳага очди,— айтганинг келсин, планинг ошиғи билан тўлсин, қаҳрамон бўл, оллоҳу акбар!

— Раҳмат, Чўлбобо!

Норқўзи тантиғланиб чолни яна қучоқлади.

— Секинроқ,— Ханифа ўртага тушди:— Чолимни ўлдириб қўйма тагин!

— Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги,— Норқўзи кулди.— Оқсоқол юзга кирадилар!

Норқўзи кетаётганда Феруза унга эргашди:

— Идорага кетаётган бўлсангиз, бирга борайлик.

— Юринг.

Ишкомларни ёнлаб ўтаётганда Феруза қувончини кўнглига сиғдиrolмай, Норқўзидан сўради:

— Узумларни қаранг, роса битибдими?

— Чўлбобога тараф йўқ,— Норқўзи ҳусайнидан бир шингил узиб, кун шуъласига тутди.— Бу — отахоннинг учинчи боғи. Даромади ҳам пахтадан қолишмайди.

Улар боғдан чиқаётганда Феруза яна сўради:

— Чўлбобо раис билан «маш-маша» қилиб юрибди деганингизга тушунмадим?

— Чўлбобо ҳар бир қарич ердан фойдаланайлик, дейди.

— Раис-чи?

— Раис куч етказиб беролмайди. Эски ерни ташлаб, янги ерга трактор сола беради. Колхозимизда беш гектар ерга битта одам тўғри келади.

— Нега энди эски ерни ташлайди?

— Қизиқ гапни айтасиз...— Норқўзи соддадиллик билан иқрор бўлди:— Эски ернинг ботқоғини қуритишдан янги ер очиш осон-да! Эшитмаганмисиз: «Эскини тузатгунча эсинг кетар!» деган гапни? Мана, мен... Бир гектар ҳам эски ерни ташлаб кетмадим. Аммо янги ердагиларга қараганда уч барабар меҳнат сарф қиляпман. Осон билманг, агроном!

— Тўғрику-я...— Феруза йигитнинг сўзларидан қониққан бўлса ҳам сўради:— Қийин деб, эски ерлар ташлаб юборилаверса, чўл тўқайга айланиб кетмайдими?

— Чўлбобонинг ёнишига сабаб шу-да!

— Сиз-чи?— Феруза тагин савол берди.— Сиз ёнмайсизми? Ер нобуд бўлса, парвосиз қараб тура берасизми?

— Уҳў!— Норқўзи заҳарханда қилди.— Туппа-тузук терговчи экансиз. Хўш, нега мен ёнар эканман? Ерни хароб қилганлар ёнсин!

— Гапингиз тўғри эмас, Норқўзи ака!— Феруза йигитга эътироз билдирди.— «Ўзим бўлай», дейиш хато. Ер — умумники. Унинг тақдирини ҳамма ўйлаши керак. Чўлбобо фақат ўз боғини, сиз фақат ўз бригадангизни ўйласангиз, тўғри бўлмайди. Нима десангиз, дея беринг, аммо мен масалани шундоқ тушунаман.

— Тўғри тушунасиз.— Норқўзи тан олди.— Бироқ раис бошқача тушунади. Сиз бу ерда янгисиз. Бир йил, ярим йил яшанг. Кейин гаплашамиз.

Улар идора биносининг ёнбошидан чиқдилар. Бир қаватли узун оқ иморат олдида — кенг саҳнда бир тўда колхозчилар қизгин суҳбатлашиб, раисни кутиб турардилар. Норқўзи ўшалар олдида бориб, ҳаммалари билан бир четдан қўл бериб кўриша туриб, ёнидаги Ферузани уларга таништирди:

— Агрономимиз. Ферузахон. Танишинглар.

Булар кўришаётганда «Волга»да раис етиб келди.

Мирҳосил қирқ беш ёшлардаги, новча, дуркун киши эди. У яхши дазмолланган яшил китель-шим кийган, этиги ярақлар, кўкрагида Олтин Юлдуз порлар, оқишдан келган япалоқ юзига ярашмаган катта қизил бурни дафъатан кўзга ташланарди. Соқолини ҳозиргина қирдирган бўлса керак, някларига суртилган упа билинар, янги чуст дўппи тагидаги сийрак сочидан, китель ёқаларидан анқийётган ўткир атир ҳиди димоқни қичитар даражада эди.

У тўдага яқинлашаркан, бригадирларнинг авзойини сезди шекилли:

— Ҳа, яна жанжал билан келдиларингми?— деди.— Қани, бир чеккадан гапирларинг, битмайдиган иш йўқ дунёда!

— Этак-қоп етишмаяпти,— деди тўдадаги кексароқ бригадир,— шошиб қоляпмиз.

— Қоп фабригим йўқ,— раис қўпол жавоб қилди.— Уйларингдан йигиб кел, эскиларини яма!

— Кеча ваъда қилган машиналарингиз келмади,— деди бошқа бир бригадир.— Терган пахтамиз хирмонда уюлиб қолди.

— Бугун боради. Яна нима гап?

Тўдадан четроқда турган қорача жувон раисга яқинроқ келиб, мулойим товуш билан арз бошлади:

— Менинг бригадамда аҳвол чатоқ. Кеча омборчингиз ҳеч нарса бермади, иссиқ овқат қила олмадик. Айтиб қўйинг, ҳар куни қатнатмай, бир ойлигини бир йўла берсин-қутулсин.

— Хўп, Турсунхон, хўп, айтаман.

Суҳбат шу ерга етганда Турсунхоннинг ёнида турган новча йигит — унинг эри Аширали Мирҳосилга рўпара келди:

— Раис, сиздан илтимос, ҳамма гапни идорада гаплашайлик.

— Ҳа, бу ерда маъқулмасми?— Мирҳосил кесатди. Кейин қўлини пахса қилиб, буйруқ бера кетди:— Гапдан

ишга ўтайлик. Ҳамма бригадасига борсин. Терим авжида митинг қилиш жиноят. Бугун ҳар бир бригадага вакил юбораман. Нимаики гапларингиз бўлса ўшанга айтасизлар.

Одамлар тилини тишлаб, жим бўлиб қолишди. Мирҳосил уларга бир-бир разм солди-да, Норқўзини имлаб чақирди:

— Идорага кир, гап бор. — Кейин Аширалига қаради. — Сен ҳам кир.

Норқўзи Ферузани раисга кўрсатди:

— Шаҳардан агроном келибди, раис ака.

— Сиз ҳам кириг. — Мирҳосил Ферузага ҳушёқмасдангина қаради. — Райондан телефон қилишди, хабарим бор.

Мирҳосил идорага кириб кетди.

Аширали хотинини отга миндираккан:

— Сен боравер, теримни бўшаштирма, — деди. — Озиқ-овқатни ўзим аравага ортиб обораман.

Турсунхон отга қамчи ураркан, Ферузага майин жилмайди:

— Биз томонларга ҳам боринг, Ферузахон.

— Албатта бораман, опа.

Ким отга, ким мотоциклга миниб жўнади. Бир нафасда майдон бўшади.

Феруза Мирҳосилнинг феъли ҳақида Ханифа билан Чулбободан анча гап эшитган бўлса ҳам, раисни бу қадар ўзига бино қўйган, қўрс деб ўйламаган эди. Унинг бригадирларга қўпол муомаласини ўз қулоғи билан эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. У раиснинг ғайри табиий кибрини танасига сингдиrolмай турган эди, тирсагидан Норқўзи маҳкам ушлади:

— Юринг, Феруза, идорага кирайлик.

Феруза Норқўзи ва Аширали билан раиснинг кабинетига йўл олди.

Булар идоранинг узун қоронғи йўлагига кирганда кабинетнинг қора чарм қопланган эшиги тагида скамейкада мудраб ўтирган барваста гавдали одам ўрнидан турди. У келаётганларни танимади шекилли, букрини деворга тираб, эшикни гавдаси билан тўсмоқчи бўлди. Аммо бошини кўтариб, Аширалига кўзи тушди-ю қўли кўкрагига қовушиб, ясамароқ қилиб салом берди:

— Келинг, партком, ассалому алайкум...

Аширалининг бу қоровулга унча тоқати бўлмаса керак, совуққина жавоб қилди:

— Ваалайкум ассалом... Бу дейман, Холмамат ака, раиснинг эшигида бекор ўтиргандан кўра далага чиқсангиз бўлмайдими?

— Қариб қоғанман, Ашираливой...

— Пахта теринг демоқчимасман. Самовар-памоварга қарашга ҳам одам керак.

Холмамат Аширалининг гапини кўпда писанд қилмай, тўнғиллади:

— Раисга маслаҳат солайлик-чи...

Феруза катта зални эслатувчи кенг кабинетга кириб, бу ярим қоронғи салобатли хона Мирҳосилнинг важоҳатига мос жиҳозланганини кўрди. Тўрда, қизил духоба ёпилган катта вазмин стол ёнида раис юмшоқ чарм креслога чўкиб ўтирарди. Унинг ўнг қўлидаги столда учта телефон грубкиси қатор турар, бири оқ, бири ола ва яна бири қизғиш рангда бўлиб, Феруза бунақа аппаратларни шаҳардаги идораларда ҳам кўрмаган эди. Кабинет жиҳозларининг ҳам махсус буюртма билан тайёрланганлиги бир қарашдаёқ кўзга ташланарди. Феруза уларни кўздан кечириб, олтита чарм кресло, ўн иккита духоба кресло, йигирма тўртта мовут қопланган юмшоқ стул санади. Ёзув столига кўндаланг қўйилган узун столга кичкинагина тўй дастурхони ясатилса бўларди. Деразаларга тортилган духоба пардалар ҳам вазмин; кабинетга аллақандай сирли қоронғилик ёярди.

Раис ўзи чақирган кишиларни ўтиришга таклиф қилмади. Агар Аширали таклиф қилмаса, Феруза билан Норқўзи оёқда туриб қолишарди. Мирҳосил оқ телефонда аллакимга бугун уч процент пахта ваъда қилди, «бажэрмаган — номард» деб кўкрагига мушт ҳам урди, шунақа чираниб хушомад қилдики, бурнининг гулнори қуюқлашди, кейин телефондаги кишини колхозга келиб дам олишга, бедана овига таклиф қилди.

У трубкани қўйиб, кўзларини юмди, бир нафас оғиртин олдида, шундан кейингина узун стол атрофида ўтирганларни кўздан кечирди.

— Келинглар. Эшиттингларми, вазифамиз қанчалик оғир. Уч процент. Ҳа, Аширали, уч процент амакинг бўлмайди. Уч процент тўқсон тонна пахта деган гап. Пахта заводдан чиқмайди, чаноқдан териб олинади. Хўш, энди конкрет ишга ўтайлик.

Мирҳосил креслога суялиб, узун қўлларини ёзиб керишди-да, катта оғзини очиб, ҳомуза тортди.

— Сен бўлсанг, Аширали, идорага кириб гаплашай.

лик, дейсан. Йўқ, партком. Уч процентнинг тақдири идо-
рада ҳал бўлмайди, далада, хирмонда ҳал бўлади.

Аширали раиснинг ҳомуза аралаш гапирган гаплари-
дан бўғилди шекилли, гимнастёркасининг ёқа тугмалари-
ни ечиб юборди.

— Тўғри,— деди Аширали,— ҳосилнинг тақдири да-
лада ҳал бўлади. Лекин раис, шуни унутмаслик керакки,
ҳосилнинг тақдирини одамлар ҳал қилади. Биз пахтадан
ҳам аввал одамларни ўйлашимиз, уларни зарур нарсалар-
нинг ҳаммаси билан таъминлашимиз керак. Яна, раис,
сизга айтадиган гапим шуки, одамлар — ширин сўзнинг
гадоси...

— Ҳа-ҳа,— Мирҳосилнинг кўзлари чақчайди,— биз қў-
пол бўпмиз-да?

— Ҳа, қўполсиз.— Аширали босиқ сўзлашда давом
этди. — Қўпол бўлганда ҳам, унақа-мунақа қўпол эмас-
сиз.

— Хўп, нима қипмиз қўпол бўлиб?— Мирҳосил ке-
сатди. — Битта-яримтанинг арпасини хом ўрипмизми?

— Ҳозир сиз билан ади-бади айтишиб ўтирадиган
вақт эмас.— Аширали овозини сал кўтарди.— Ўзингиз
айтгандек, ишга ўтайлик. Аввало, Илҳомчага айтинг, бри-
гадаларга керакли нарсаларнинг ҳаммасини шу бугуноқ
етказиб берсин. Агар етказиб бермаса, уни ишдан олиб
ташланг, ишчанроғини топамиз.

Аширалининг сўзларидаги кескинлик Мирҳосилнинг
аччиғини ичига ютишга мажбур қилди. У ўтирган ерида
чайқалди:

— Хўп, бажарамиз. Тагин нима гап?

— Бригадаларга вакиллар юборишни айтдингиз. Қа-
нақа вакиллар юбормоқчисиз?

— Қанақа бўларди, правление вакиллари-да!

— Ҳожати йўқ.

— Сабаб?

— Сабаб шуки, бригадир — ўз бригадасида правле-
ние вакили,— деди Аширали ва Норқўзига қаради.— Сиз
нима дейсиз, ўртоқ бригадир?

Норқўзи икки ўт ўртасида қолди. Агар: «вакил керак-
мас» деса раиснинг фикрига қарши борар, «вакил керак»
деса, ўз вазифасини ўзи оёқ ости қилган бўларди. У ик-
киланиб, нечундир, Ферузага қаради. Ўртадаги баҳсга
қизиқиб қулоқ солаётган қиз Норқўзининг оғзига қараб
унинг жавобини кутарди.

— Вакил яхши нарасаку-я, лекин кўпайиб кетса ишга халал беради, — деди Норқўзи ва баҳсни юмшатиш учун қўшиб қўйди: — Ҳали райондан ҳам, областдан ҳам вакил келар, ҳар бирига дастёр, кўрпа-тўшак, ош-сув даркор.

— Балли, Норқўзи!— Аширали Норқўзини қувватлаб, фикрини ривожлантирди. — Бригадирларга ишониш керак. Раис, партком, агроном — шу уч киши колхозда ҳар қанча вакилнинг ишини уддалай олади.

Бригадаларга вакил юбориш билан ўз вазифасини бошқалар зиммасига юклашни режа қилган раис, бу фикри ҳам зарбага учрагандан кейин, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай бўшашиди. Айниқса, янги агроном олдида Аширалидан дакки еганига чидаёлмади.

— Бирор гапим сенга маъқул бўлганмики, — деб, Аширалига тўнғиллади, — бу гапим маъқул бўлса? Бор, билганингни қил!

— Агар мен ноҳақ бўлсам, ноҳақлигимни айтинг, — Аширали бўш келмади. — Агар фикримиз икки хил чиқса, правлениеда ечайлик.

Аширалининг сўнгги сўзлари Мирҳосилнинг бўйинини буткул эгиб қўйди. Кечадан бери раиснинг зўравонлиги ҳақида нақллар эшитган Феруза унинг ҳақиқат олдида лабини тишлаганини кўриб, анча енгил тортди.

Боши столга эгилган Мирҳосил Норқўзига зимдан қаради:

— Ҳўш, хизмат?

— Гап бор, девдингиз, раис...

— Гап шуки, ҳар кун тўрт процентдан пахта бера-сан.

Қўлларини йўғон камарига қистириб, ўйчан ўтирган Норқўзи:

— Маъқул, — деди, — аммо битта шартим бор...

— Ҳўш?

— Пахта ёппа очилиб, оқиб кетяпти, ҳашарчиларсиз қийналамиз.

— Ҳосилинг катта. — Раиснинг чеҳраси очилди. — Қанча одам керак?

— Камида икки юз.

— Шаҳардан сўрадим, юборишади. Жой тайёрлай бер.

— Раҳмат, раис.

Шу пайтгача жим ўтирган Феруза гапга аралашди:

— Пахта териш машиналарини ишга туширмайсизми, раис ака?

— Ишга туширамиз.— Мирҳосил истар-истамас жавоб берди.— Аммо вақти билан...— У ўрнидан туриб, кителининг этакларини тортиб қўйди.— Гапни чўзиб юбордик, энди бригадаларга борайлик. Сен, Аширали, Турсунхоннинг бригадасига бор. Менинг номимдан Илҳомга айт, уч кунлик озиқ-овқат берсин. Сен... Кечирасиз... Сиз, Феруза, Норқўзининг бригадасига боринг. Кечқурун тўрт процентнинг сводкасини кутаман, кам бўлса, ҳисоб эмас. Мен бошқа бригадаларни айланаман.

Мирҳосил кафтларини столга уриб, шу билан суҳбат тугаганини билдирди.

Феруза идорадан Норқўзи билан бирга чиқди. Улар идора ёнбошидан далага бурилиб, пахтазор ўртасидан кетган сўқмоқдан индамайгина ёнма-ён боришди.

Феруза Норқўзидан колхоз ҳақида, унинг бригадаси, унинг ўзи ҳақида кўп нарсани сўрагиси келар, лекин ўй суриб кетаётган йигитнинг ўйини бузишни истамасди.

Ун минутча юришгандан кейин белга қадар бир текис ўсган ва канал шамолида денгиздай шовуллаб ётган пахтазор ўртасида томига шифер ёпилган оқ шийпон кўринди.

Норқўзи ўша томонга қўли билан ишора қилди-да:

— Бригадамиз шийпони,— деди ва ўйчан чиройли кўзларида аллақандай ўт ёниб, қўшиб қўйди:— Қўлимга тушдингиз, агроном, энди роса ишлатаман.

— Ишдан қочмайман, — деди Феруза ва қўшиб қўйди: — Чўлга ишлашга келдим.

Тўртинчи боб

Феруза бунақа пахтани ҳали ҳеч қаерда кўрганмас. Институтнинг Янгийўлдаги тажриба участкасида ўзи ҳам юқори ҳосил етиштирган. Бу қийин, мураккаб экиннинг сирларини бир агрономчалик билади. Янгийўлда иш кучи ва бошқа имкониятлар Мирзачўлдагидан бир неча марта ортиқлиги ҳам унга аён. Лекин бунақа ҳосил ҳатто Янгийўлда битишини ҳам тасаввур қилолмайди.

Феруза пахтазор оралаб бораркан, ҳисобсиз кўсаклардан вазмин тортган ғўзаларнинг йўғон, қорамтир шоҳлари елкасигача келар, худди денгиз тўлқинлари ичида ёлғиз

қайиқча сузаётгандек, құлларини эшкак қилиб эшар, базур илгариларди. У бир туп ғўза тагида чўққайиб, шохлардаги очилган, очилмаган бўлиқ кўсақларни битталаб санади: етмишта. Майда кўрақларни бу ҳисобга қўшмади. У ана шу рақамни граммларга, кейин бир гектардаги тупларга уриштириб чиқди. Ўҳ-ҳў... Рекорд ҳосил!

Албатта, бу кон ўз-ўзидан пайдо бўлган мўъжиза эмас. Бу — қиш, кўклам, ёз давомида қилинган меҳнат меваси. Ҳозир бу меҳнат нақлини Норқўзидан сўраш пайти эмас. Лекин кейинроқ, қўл бўшроқ вақтда уни албатта эшитади.

Феруза ёндаги эгатда жимгина бораётган қуралай кўз йигитга қараб, мамнун жилмайиб қўйди. Норқўзи ҳам унинг ўйларини фаҳмлади шекилли, кўзларида сеҳрли шуъла товланди.

Феруза Норқўзи билан бригада шийпонига етиб келганда терим аллақачон бошланган, ҳамма пахтазорда, фақат тарозибон йигит бордонда чордана қуриб, икки қария билан чой ичишиб ўтирарди. У Норқўзини кўриб шошиб қолди, қўлидаги олма гуллик кўк пиёлани қаерга қўйишни билмай, ўрнидан дик этиб турди-да, пиёлани ушлаганча қўл қовуштириб, бригадирга салом берди:

— Ассалому алайкум, яхши ётиб турдиларми, Норқўзи ака?

Қариялар ҳам турмоқчи бўлаётганда, Норқўзи ўзи югуриб келиб, уларга қўл узатди.

— Келинглار, отахонлар!

— Норқўзи теримни бошлабди деб ҳашарга келдик, — деди қариялардан бири. — Пахта теришга ярамасак ҳам, бошқа юмуш топилиб қолар бизга ҳам.

— Юмуш топилади, — Норқўзи бордонга ўтириб, Ферузани ҳам таклиф қилди. — Келинг, Феруза, оталар билан бир суҳбатлашайлик. — Кейин, узун бўйи ҳамон тақдайд эгилиб турган тарозибонга қаради. — Мирфаёз, сиз дарров этак боғлаб, теримга тушинг. Мана, хирмончилар ўз оёқлари билан келишибди. А, лаббай, қариялар?

Бир чол иккинчи чолнинг қулоғига бақирди:

— Айтмадимми, Марасул, юмуш топилади деб.

Мирфаёз бўшашиб, қадди секин тикланди.

— Х-х-хўп, Норқўзи ака...

Мирфаёз бостирма тагига бориб, бир тўп этакларни эринибгина тита бошлади.

— Йигит, ивирсиманг, — деди уни кузатиб турган Норқўзи. — Биласиз-а: норма — саксон кило.

Мирфаёз аразлаган боладай қовоғини осилтирганча пахтазорга кириб кетди.

— Бўй деган теракдай ўса берар экану ақл кириши қийин экан. — Норқўзи бўғилиб гапирди. — Бултур ҳам тарозидан қувганман. Бу йил яна хирмонда ҳозир жиби-лажибон!

Қариялар фотиҳа қилиб, ўринларидан туришди.

— Бекор ўтирмайлик, — деди боя «юмуш топилиши»-дан умид қилган чол. — Мен хирмонни шупириб қўяй, сен, Марасул, тарозига қара.

Чоллар ишга киришиб кетишди.

Норқўзи Ферузага қараб кулди:

— Пахта теришга қалайсиз?

— Терганман.

— Беллашайлик бўлмаса. Хўш, шартингиз борми?

— Шартимми? — Феруза бир оз ўйланиб турди-да, шийпонга уюлган тарвузларнинг энг каттасига ишора қилди. — Шартим бор. Ким енгилса, ўша тарвузни бир ўзи ейди.

— Шартингиз осон экан.

Иккови юракдан хохолаб кулишди.

Норқўзи белига этак боғлаб, пахтазорга тушиб кета туриб, тарозибон чолга тайинлади:

— Ошпазимиз Марям опа аравада озиқ-овқат олке-лади. Айтинг, паловга уннасин!

— Хўп, болам.

Норқўзи билан Феруза пахтазорга кирганда эрталаб теримга тушганлар этакларини тўлдириб чиқа бошладилар.

— Тарозибонингиз шошиб қоладиган бўлди, — деди Феруза, этакка икки қўллаб пахта ташларкан. — Ёзувни билармикан?

— Қариялардан кўнглим тўқ, — Норқўзи кўзларини чаноқлардан олмай жавоб берди. — Улар билмаган нарса йўқ. Ёзувни билмаса ҳам, ҳисобдан адашмайди.

Теримчи қизлар бригадир билан нотаниш қизни кўриб, гап отишди:

— Норқўзи ака ишга тушибдилар, демак норма тўлади.

— Норқўзи ака нормани тўлдиролмасалар шериклари қарашворади.

— Норқўзи аканинг ўзлари шерикларини шатакна олсалар-чи?

Пахтазорни қаҳқаҳа, қийқириқ, чапак тутиб кетди.

— Оббо, тўтиқушлар-ей!— Норқўзи қип-қизариб жавоб берди. — Санамасдан саккиз деманглар. Бу киши колхозимизнинг агрономи Ферузахон бўладилар.

Агроном сўзини эшитиб, баъзи қизлар ҳазилни тўхтатишди, бошқа шаддодроқлари писанд ҳам қилишмади.

— Нега Норқўзи акам пахтазорга тушмаяптилар, десам, агроном опанинг келишини кутиб турган эканларда!

— Агроном опа, Норқўзи акага эҳтиёт бўлинг, мусобақада ютқизиб қўясиз!

— Ютқизсалар нима бўпти, Норқўзи акага ютқизадилар-да!

— Ҳой қизлар, уялтирманглар агроном опани, тагин шаҳарга кетиб қолмасинлар!

Феруза қизларнинг аскиясини эшитиб, уларнинг Норқўзига самимий ҳурматини ҳис қилса ҳам, иккинчи томондан, уларнинг бригадир йигитга бу қадар яқинлигига нечундир ғаши келди. Қизлар чулдирашиб, хирмон томонга ўтиб кетгандан кейин:

— Қизлар билан жуда қадрдон экансиз,— деди Норқўзига қуш боқиш қилиб.

— Олти йилдан бери бирга ишлашамиз,—Норқўзи салмоқлаб гапирди.— Армиядан келибманки, шу бригададаман. Орада сиримиз йўқ. Қанчасини турмушга бердик, тўйларида ўйнадик. Қургурлар олов, чимилдиққа кириб ҳам совушмайди.

Феруза томоғига келган қаҳқаҳани зўр билан ютиб, нариги эгатга ўтиб кетди. Норқўзи ўйламай айтворган гапидан хижолат тортиб, пешонасига совуқ тер чиқди.

Феруза тушки овқатгача хирмонга беш марта қатнади. Ҳар галги этак бир пудга яқин тош босди. Ҳар гал тарозибон чолдан Норқўзининг пахтасини сўради. Бригадир саккиз марта торттирган, топширган пахтаси юз килодан ошган эди.

Овқатга занг урилганда улар пахтазордан бирга чиқдилар. Феруза этагини ечиб тарозига қўйганда Норқўзи йўталди. Қиз бошини кўтариб қаради. Норқўзи шийпондаги тоғорадай тарвузга кўзи билан ишора қилиб, куларди.

Овқат вақтида шийпон тўйхонага айланиб кетди. Бригаданинг ўттиз беш аъзосидан ташқари, бу ерга ўнлаб меҳмонлар йиғилди. Булар — шаҳар, район газеталаридан кел-

ган мухбирлар, фотографлар, улар ичида сочи оппоқ оқарган паканагина бир ёзувчи ҳам бор эди. У варанглаб янграётган радио карнайини ўчириб қўйишни илтимос қилиб, чўнтагидан ён дафтарини чиқарди-да, Норқўзидан аллақанақа рақамларни сўрай кетди. Кинохроникадан келган операторлар аппаратларни пахтазор бўйига ўрнатиб, ҳозиргина теримдан чиққан қизларни яна этак боғлаб пахтазорга тушишга мажбур қилдилар. Лекин улар бу билан ҳам кифояланмадилар; ёзувчининг Норқўзи билан суҳбатини бўлиб, бригадирни далага судрадилар. У илгари ҳам буларнинг қўлига тушган, ҳар қанақа ҳолатда туриб беришга одатланган бўлса керак, аввал теримчилар қуршовида, уларга кўрсатмалар бераётгандек ҳаракатлар қилди, сўнгра кинокамера қаршисига виқор билан юриб келди, охирида эса этак боғлаб пахта терди. Норқўзи радио мухбирлари микрофонларни оғзига тўғрилаганда ҳам шошиб қолмади, 130 гектар ерга қишда яхоб беришдан кўкламда шахмат усулида чигит экишгача, ёздаги парваришдан бугун бошланган теримгача—ҳамма ишларни ҳовлиқмасдан-тутилмасдан, айтилган беш минутга сиғдириб, сўзлаб берди. У духобадай майин, ширали овози билан сўзларкан, плёнкалар шириллаб айланар, фотоаппаратларнинг чақмоқлари йилт-йилт ёниб-ўчар, авторучкалар оқ қоғозларда қитирларди.

Норқўзи мухбирлар билан гаплашишнинг машқини шу қадар олган эдики, уларнинг саволларига аниқ-пухта жавоб бериш билангина кифояланмай, ора-чора мавзу ҳам ташлаб қўярди. Чунончи, ёзувчи ундан яна рақамларни сўрай бошлаганда:

— Бу рақамлар ҳаммаси плакатда бор,—деди ва оғзига ағрайиб қараб турган Мирфаёзга буюрди:—Меҳмонга қизил бурчакдаги плакатдан бирини беринг.

Мирфаёз шийпон бурчагидаги қизил алвон ёзилган столдан плакат келтирди.

— Мана, ёзувчи ака,—Норқўзи плакатни кенг очиб кўрсатди.—Ҳамма гап шунда бор. Умуман, шийпонимизда кўргазмали агитация яхши йўлга қўйилган.

Норқўзининг сўнги сўзлари мухбирларга тағин бир озуқа бўлди. Улар бир зумдаёқ кўргазмали агитацияга доир саволларни ёғдиришди. Лекин бу мавзу тугамасданоқ Норқўзи ёзувчига яна бир янгиликни кўндаланг қилди:

— Пахтамизни кўрдингиз, ёзувчи ака. Ҳамма гап теримда. Кучимиз оз. Ҳашарчилардан умид қиляпмиз. Лекин

Ўзимиз ҳам қараб турмаймиз. Мана бугун агрономимиз Ферузахон ёрдамлашяптилар. Мен билан мусобақалашиб, тушки овқатгача саксон кило тердилар. Бригадир билан агроном мусобақаси. Яхши мавзу-а, а, лаббай?

Норқўзининг бундай мақтовини эшитган Феруза ер ёрилса кириб кетгундай хижолат чекди. Ёзувчи уни Норқўзининг ёнига ўтқазиб, таржимаи ҳолини сўраганда, юли қизариб, вужуди олов бўлиб ёнди, тили тутилиб, шарманда бўлаёзди.

Таржимаи ҳол... Феруза ўқишга, ишга киришда анкета тўлдирган бўлса ҳам, ҳали ҳеч ким ундан таржимаи ҳолини сўрамаган эди. Умуман, энди йигирмага кирган қизнинг таржимаи ҳоли кимни қизиқтириши мумкин?

Норқўзи бошқа гап. У армия кўрган, чўл очган, рекорд ҳосил етиштирган пахтакор. Феруза-чи? Дунёга келиб нимани кўрди-ю, нима иш кўрсатди? Ақалли, отасини кўрган бўлса ҳам баҳарнав эди. Етимликда муаллима онасининг тарбиясида ўсди, ўқиди, агроном бўлди. Вассалом.

Ферузанинг ўнғайсизланаётганини сезган ёзувчи уни хижолатдан қутқармоқчи бўлди шекилли, «Қачон туғилгансиз? Қаерда туғилгансиз? Ота-онангиз ким?» каби жавобсиз қолмайдиган саволлар бера бошлади.

Феруза бошини кўтариб, шийпонда давра қуриб ўтирган қизларга, йигитларга, қарияларга, Норқўзига, мухбирларга бир-бир қараб чиқди. Ҳамманинг кўзи унинг оғзида, ёзувчининг саволларига берадиган жавобларини қизиқиб кутишарди.

— Мени қўйинг, муллака,— деди Феруза.— Дунёга келиб, ҳеч қанақа иш кўрсатганим йўқ.

— Ана холос, ана холос,— ёзувчи шошиб қолди.— Тушгача беш пуд пахта териш—иш кўрсатишмасми?

— Мендан кўп терганлар бор?— Феруза титроғини ёсиб олиб, хотиржам гапирди.— Мана, қизлар. Мана, бригадир...

Норқўзи ёзувчига далда бериш учун гап қистирди:

— Феруза камтарлик қияптилар. Ёзаверинг!

— Йўқ, ёзманг!— Феруза Норқўзига кескин эътироз билдирди.— Мен бугун бу бригадада бўлсам, эртага бошқа бригадада бўламан. Сиз кўриб турган ҳосилни етиштиришга мен заррача ҳисса қўшганим йўқ. Мен бир тажрибасиз агрономман. Ҳали мени қанақа қийинчиликлар кутаётганини ўзим ҳам билмайман. Мени ёзманг. Мана бу ажойиб кишиларни ёзинг!

Феруза «дунёга келиб, ҳеч қанақа иш кўрсатганим йўқ» деганда ҳафсаласи пир бўлган ёзувчи ҳам, мухбирлар ҳам унинг кейинги сузларига қизиқиб қолишди. Дарҳақиқат, «Меҳнат—роҳат» колхози катта, иш кўп, қийинчиликлар ҳисобсиз. Бинобарин, раис мухбирларни ҳар йили фақат шу бригадага, Норқўзи ҳузурига юборади. Бошқа бригадалар-чи? Уларнинг ишлари қанақа? Агроном уларда қандай машаққатларга дуч келади?

Ферузанинг камтарлик билан айтган сузларини эшитган мухбирлар каби Норқўзи ҳам нечундир жимиб қолди.

Феруза ўртага тушган бу совуқликка тушунмади, суҳбатни қизитиш учун қақилдоқ қизларга қаради:

— Мухбир акаларга айтиб беринглар қанчадан пахта терганларингни!

Қизлар шуни кутиб тургандай мухбирларни ўраб олиб, гап бозорини қизитишди:

— Мени ёзинг, юз уч кило тердим!

— Э, булар сен билан мени ёзишармиди, раис айтганларни ёзишади!

— Ҳай, Хадича, раисга тил тегизма, балога қоласан!

Лўппигина бир жувон ёзувчининг рўпарасига келиб чўққайиб ўтирди:

— Таржимаи ҳолимни айтиб берайми, муллака?

Ёзувчи жувоннинг тик боқишига чидаёлмай, бурнини жийирди:

— Мен сиздан сўрадимми таржимаи ҳолингизни?

— Сўраг-да!— Жувон бўш келмади.— Нега сўрамайсиз? Менинг ҳикоям «Минг бир кеча»дан ҳам зўр.

Қизлар қийқириб кулиб юборишди.

— Ёзинг!— Жувон ҳикоясини бошлади.— Эримни армияга ўз қўлим билан жўнатганман. Ҳозир туппа-тузук хизмат қияпти. Йиғлаб-йиғлаб хатлар ёзади.

Қақилдоқ қизлардан бири гап отди:

— У хатларни Сорахон ҳам йиғлаб-йиғлаб ўқийдилар.

Шийпон тўла одамга қўшилиб ёзувчи ҳам кулиб юборди.

Норқўзи меҳмонларни ошга таклиф қилди.

Палов кетидан тарвуз ейилди.

Норқўзи катта тарвузни ўз қўли билан паллалай туриб, Ферузага кулиб қаради:

— Зап битибди-да, жонвор!

Қақажон қизлар бир нарсани сезишгандай бир-бирларини туртиб, пиқиллашди.

Овқатдан кейин ҳамма пахтазорга таралди.

Норқўзи мухбирларни шийпон ёнидаги толзорга бошлади. Толзор ўртасидаги катта ҳовуз бўйида ясли бўлиб, ҳозиргина оналари эмизиб кетган чақалоқлар беланчаларда ётишар, кўзлари чақнаб, жажжи бармоқчаларини ўйнашарди.

Норқўзи мухбирларни ясли мураббияси — кексароқ нуроний опа билан таништириб, бригадада болалик оналарга яратилган шароитни таърифлай кетди.

Феруза шу салқин боқчага кириб, Норқўзининг олдига келди. Унинг гапларига эътибор билан қулоқ солди.

— Оналар хурсанд,—дерди Норқўзи, гоҳ у-гоҳ бу беланчак тепасига бориб, чақалоқларга ҳавас билан тикиларкан.— Улар болаларини боқчага топшириб, бемалол меҳнат қилишяпти. Қаранг, бу жажжи қушларнинг қувнаб ётишини... Боғчамиз ҳам яслидан қолишмайди.—Норқўзи толзор орқасига қўли билан ишора қилди.—Ҳов, анови олмазорда. Биз пахта бериш билан бирга ишнинг бу томонини ҳам унутмаймиз.

Феруза Норқўзининг ўз бригадаси аъзоларига, уларнинг болаларига меҳрибонлигидан қувонди. Лекин унинг мухбирларга муомаласидаги, сўзларидаги мақтанчоқликка мойил бир кайфият қизга ёқмади. Норқўзи ўзини кўргазмага қўяётгандай, бозорга солаётгандай туюлди. Феруза: «Балки, ишни ўринлатгандан кейин, уни кўрсата билиш ҳам керакдир» деб ўйласа ҳам, бироқ: «Нега энди у ўзи кўрсатиши керак? Бу, ахир, камтарликка кирмайди-ку?» деган мулоҳаза ғолиб келиб, кўнглининг бир чеккаси хира тортиди.

Мухбирлар кетгандан кейин Норқўзи Ферузага.

— Чарчамадингизми? Пахта терамизми?— деди.

— Чарчаганим йўқ. Пахтани ҳам тера берамиз. Аммо бригада ерларини бир айланиб чиқмайликми?

Ферузанинг бу таклифи Норқўзига ёқиб тушди. Ферузани дастлаб кўргандаёқ Норқўзининг йигит кўнгли у билан танҳо сўзлашишни, дардлашишни истаб қолган, қалбида қандайдир умидлар туғён ура бошлаганди.

— Айни муддао,— деди Норқўзи, қизнинг офтобда бўртган, қизил олмадай жилвали юзига тикилиб.— Отларни агарлатайми?

— Яёв айланамиз. Узоқмасми?

— Анча узоқ. Бешта катта қарта. Кечгача юрамиз.

— Кетдик.

Улар теримчилар ёйилган қартани ёнлаб, каллакланган тутлар тагидан этакка тушиб кетдилар. Норқўзи йўлаккай тушунтириб борди.

— Бу қартамыз қирқ гектар. Наригилари ўттиз гектардан. Аввал ҳаммаси ҳам майда қарталар эди. Иван Андреевич Мудров деган оқсоқолимиз бор. Суғоришнинг пири. Бундан уч йил аввал Иван Андреевич билан Чўлбобо ери-мизни айланиб, қарталарни йириклаштиришни маслаҳат беришди. Янги суғориш схемаси тузилди. Қарабсизки, ғўзани ишлаш ҳам осонлашди, сув ҳам тежалди. Ҳосилимиз икки баравар ошди.

Улар қарта этагига етиб, зовур бўйида тўхташди.

— Зовурларимиз ҳам чолларнинг маслаҳати билан қазилган,— деди Норқўзи, дўнгга чиқиб, зовур тубига қараркан.— Шўр сув оқяпти. Иван Андреевич: ернинг остидаги сув устидагидан кўпроқ деса, оғзим очиларди. Қаранг-а, бутун бир сойнинг суви.

Феруза Норқўзининг ёнига — дўнгликка чиқиб, зовурга қаради. Ҳақиқатан ҳам унинг тубидаги сув битта тегирмонни айлантиришга етқулик эди.

— Мирзачўлнинг ери нозик,— Норқўзи ҳикоясида давом этди.—Бу эгатга бир челақ сув қуйсангиз, у эгатдан чиқади. Айниқса, қиш кезлари яхоб сувини жилдиролмай қийналардик. Мана шу зовурлар жонимизга оро кирди.

Феруза пайтдан фойдаланиб, сўради:

— Бу зовурларнинг Чўлбобо билан раис ўртасидаги жанжалга алоқаси бор экан-да?

— Жуда қалтис савол бердингиз...—Норқўзи дўпписини олиб, бошини қашиди.— Эрталаб айтолмай эзилдим. Ҳозир ҳам пухта бир гап айтишим қийин.

Феруза йигитга ялт этиб қаради:

— Нега энди?

Норқўзи қизнинг бу қўққис саволидан кейин кўзлари маънос тортиб, бир нафас ўйланиб қолди.

— Ферузахон, бу оғир масала,— деди у дўнгдаги катта кесакни товони билан эзиб уваларкан.—Бу фақат раис билан Чўлбобо ўртасидаги жанжал эмас. Бу—Мирзачўл ерларидан фойдаланишга икки хил қараш, икки хил муносабат ўртасида узоқ вақтлардан бери давом этиб келаётган кураш. Бир томон: «Ер кўп. Ҳисоби йўқ. Экавериш керак», дейди. Мирзанинг чўли шундайки, Ферузахон, икки-уч йил яхши ҳосил беради. Кейин сувни ҳазм қилолмай, ботқоқлашади. Ер тагидан чиққан сув тузни ҳам юза-

га кўтаради. Бундай ерни эплаш қийин. Шу сабабдан уни ташлаб, янгисига кўчилади. Яна ҳосил, яна даромад... Иккинчи томон бўлса, тамом бошқача ўйлайди. «Ер— халқники. Азиз ер. Олтин тупроқ. Уни яхши парвариш қилсангиз, икки-уч йил эмас, умрбод—абдий ҳосил беради. Унинг бугунги даромадинигина ўйламанг, эртасини ҳам ўйланг. Халқ мулкани нобуд қилманг, балки обод қилинг». Бундай дегувчилар ерга маҳкам ёпишиб олади. Уни авайлаб тарбия қилади. Унинг офатлари билан курашади. Енгади. Ҳосил ҳам беради, ерни ҳам гуллатади.

Норқўзининг бу фикрлари Ферузанинг унинг ҳақидаги: «Мирҳосилнинг одами, ерни нобуд қилувчилардан, ўзини кўрсатувчилардан» деган шубҳани тарқатиб юборди. Бироқ, шундай бўлса ҳам, бу ҳақиқатни Норқўзининг ўз оғзидан эшитиш учун сўради:

— Сиз қайси томондасиз?

Қизнинг бу саволи Норқўзига кутилмаган шапалоқдай таъсир қилди. Лекин бир кўришдаёқ бағрини нимаси биландир илитган қизга қўрс гап айтишдан чўчиб, бир лаҳза ўйланиб қолди. Қарта этагига бир текис тизиб экилган тут ниҳолларидан бирининг ним кўк баргини узди-да, чайнай бошлади.

Ферузанинг тажанглиги тутди:

— Нега жавоб бермайсиз?

— Мана менинг далаларим,— деди Норқўзи қулочини кенг ёйиб, поёнсиз пахтазорни бағрига тортмоқчи бўлгандек.— Бригадир бўлибманки шу ердаман. Ҳали бирор қарич ерни нобуд қилганим йўқ, қилмоқчи ҳам эмасман. Қани, мундоқ бир айланиб, бирорта янтоқ, бирор парча ботқоқ, тўртта қамиш топинг-чи! Тополмайсиз! Ўттиз беш киши шу ер учун курашамиз. Ҳали қиш ҳам келар, яхоб беришимизни кўрарсиз. Ернинг шўрини уч марта, беш марта, керак бўлса, саккиз марта ювамиз. Зовурларимизга ернинг зардоби тўлиб оқади. Дўхтурлар касалнинг ичидаги зардобни қандай ювса, биз ҳам шундай ювамиз. Белгача сув кечиб юрган кунларимиз бўлади. Осон эмас бу чўлдан пахта олиш! Сиз чигит эккан Янгийўлда гектарига бир одам тўғри келади. Бизда бир колхозчи олти гектар ерни ишлайди. Раҳмат давлатимизга, етарли машина бериб қўйибди. Аммо машинани одам бошқаради. Одам ишлайди. Сиз кўрган бояги чиройли шўх қизларимиз гўнг ташийди, қирма чопиқ қилади, ҳашаротни товонида янчади, чивиннинг ачитиб чақишига чидайди. Бу ҳосил, бу ба-

рака ўз-ўзидан келганмас. Тагин, қайси томондасан, дей-сиз-а? Қойилман-эй, тилингиз айланганига!

Феруза Норқўзининг сўзлари самимийлигига ишонди, кенг майдонда муъжиза яратган йигитдан уэр сўради:

— Мени кечиринг, сизни хафа қилиб қўйдим. Аммо кеча кўрганларим — тўқайлар, ботқоқлар кўз олдимдан кетмаяпти. Ахир, ўша ерлар ҳам сиз айтган халқ мулки эмасми? Нега ўша ерлар ташлаб кетилди? Тунда Чўлбобо тарихини эшитдим. Чўл тарихини. Ер тарихини. Авлодлар тарихини. Кишини ўйлатиб қўядиган воқеалар. Раис Мирҳосил ака каби кишилар илгари ҳам ўтган экан. Мирзачўлдаги ботқоқ кўллар, тўқайлар, қатлам-қатлам шўр босиб ўтган ерлар ўшалардан қолган «мерос». Энди тамом бошқа давр. Чўл энди муштумзўрларнинг соғин сигирин эмас. Чўл энди халқ хазинаси.

— Чўлбобо сизни роса қайрабди,— Норқўзи кулди-да, зовурдан нариги бетга сакради.— Қани, бир аэроплан бўлинг-чи!

Ферузанинг юраги бетламади. Норқўзи унга қўл чўзди.

— Сакрайверинг, етасиз.

Қиз сакрашга сакради-ю туфлисига тупроқ тўлиб, дўнг бағрида чўккалаб қолди. Норқўзи уни суяб тургазди.

Улар зовур нарёғидаги пахтазорни оралаб кетаётганда Норқўзи бирдан тўхтади-да, юрагида кўпдан бери яшири-ниб ўтган дардни Ферузага очди.

— Феруза, мен армияда тарбияланган солдатман. Бошлиққа бўйсунिशга ўрганганман. Раис — бошлиғим. Унга бўйсуниш — бурчим. Мирҳосил акадан ёмонлик кўрган жойим йўқ. Бригадага нима сўрасам беради. Унинг эски ерларни ташлаб юборишига келганда, албатта қўшилмайман. Қаршиман. Бошқалар ҳам қарши. Лекин раисга қарши чиқишга ботинолмадим. Тўғриси, қўлим ҳам тегмади. Вақтим йўқ. Бўш қолсам, ер ишлайман. Мана, сиз келдингиз, биргалашиб курашамиз. Бошқа ҳеч нарса дея олмайман.

Феруза Норқўзининг аҳволини тушунди. Унинг фикрига қўшила олмаса ҳам, баҳсни ортиқ чўзиб ўтирмади. У чўлда янги одам. Бу ажиб ҳаводан энди бир кун нафас олди. Олдинда вақт кўп. Норқўзи билан ҳали кўп учрашади, кўп гаплашади. Шу бир кун ичидаёқ танишган, кўрган-билганларидан мамнун.

Қиз ўзига термилиб турган йигитга мулоим жилмай-

ди-да, белига уриб турган шохдаги чаноқларни кафтида салмоқлаб кўрди ва фахрланиб:

— Пахтангизга раҳмат!— деди.

Норқўзи индамасдан, қарта этагига юрди.

Улар бригада далаларини айланиб қайтганда қуёш яшил денгиз уфқига ёнбошлаган, кундузги иссиқ энди қайта бошлаган, олисдаги канал томондан енгилгина шабада эсарди.

Эрталаб иш сураб келган чоллар хирмонни ўзлариники қилиб олишибди. Бири аравакаш йигитга пахта қопларини орқалатар, иккинчиси қизларнинг терган пахталарини тарозида тортиб турарди.

Феруза қоронғи тушгунча хирмондаги ишларга қарашди.

Сўнгги арава кетгандан кейин хирмон одамлардан бўшади. Норқўзи тарозибон чолни ёнига ўтқазиб олди-да, чўт қоқиб, бугун терилган ва жўнатилган пахтани жамлади. Икки ярим процент чиқди. Ҳисобдан кўнгли тўлмаган бригадир тарозибоннинг арабча ёзувларини қайта-қайта ўқитиб, янгидан чўтга солди. Барибир, икки ярим процент чиқди.

— Қизиқ!— Норқўзи асабийлашди.— Сира ақлга тўғри келмайди!

Феруза Норқўзининг қалин қошлари чимирилганидан асабийлашаётганини сизди, тарозибоннинг ёзганларини қўлига олиб, ҳисоблаб чиқди. Икки ярим процент...

— Норқўзи ака, ҳисоб тўғри,— деди у бригадирга тасалли бериб.— Ўттиз беш киши бундан ортиқ теролмайди. Менинча, этакдаги учта қартада дарҳол ғўзаларнинг баргини тўктириб, терим машиналарини ишлатиш керак.

— Тўғрику-я...— Норқўзи одатича дўпписини олиб, бошини қашиди.— Аввал ҳашарчиларни ишлатиб кўрайлик-чи!

— Ҳашарчилар текинга ишламайди,— Феруза эътироз билдирди.— Бригаданинг даромади қирқилади. Машина терими эса, анча арзон тушади. Ҳашарчилар келса, уларга ҳам иш бор: тўкилганини теришади.

Норқўзи индамади. Чўтни ёнига суриб:

— Раисдан балога қоладиган бўлдик,— деди.— Тўрт процент ваъда қилувдик.

Норқўзи идорага ўзи бормай, маълумотни Мирфаёздан бериб юборди.

Феруза Чўлбобоникига кетмоқчи бўлганда, Норқўзи

меҳмон қизни ёлғиз юбормай. Чолнинг қўрасигача кузатиб қўйди. Хайрлаша туриб:

— Эрталаб кўришамиз-а?—деди қизнинг юмшоқ қўлини ғадир кафтида узоқ ушлаб.

Феруза унинг ҳасратли кўзларига ер остидан аста қаради, нечундир кўнгли эзилди.

— Хайр, Норқўзи ака, омон бўлинг.

Феруза қўрага кириб кетгандан кейин Норқўзи девор тагидаги аравага бир нафас суялиб турди-да, кўкрагини тўлдириб уф тортди...

Феруза шу кеча Шералига биринчи хатини ёзди. «Меҳнат—роҳат» колхозининг марказида Чўлбобо деган боғбоннинг уйига тушганини, Ханифа исмли хушфеъл аёлнинг меҳрибонлигини, биринчи кунни Норқўзи исмли чўлочинининг бригадасида ўтказганини хабар қилди.

У кечаси пашшахонада уйғоқ ётаркан, Тошкентда қолган ёлғиз онасини эслади, унинг шу тунни ўзи каби уйқусиз кечираётганини фикран тасаввур қилди.

Саҳар паллада туш кўрди. Тушига на онаси, на Шерали кирди. Чўлбобо қўрасининг эшигида Норқўзи билан қўл ушлашиб турарди. Янги танишининг чиройли кўзлари унга нечундир ғамгин-ғамгин термиларди...

Бешинчи боб

Орадан бир ой ўтди.

Феруза «Меҳнат—роҳат» колхозининг ҳамма бригадаларини айланиб чиқди. Пахтазорлар, шолিপоялар, боғлардан тортиб колхозчиларнинг томорқаларига қадар кўрмаган ери қолмади. Ер тузилиши, ариқлар, зовурлар энди унга ўз кафтининг чизиқларидай равшан. Пландан чиқариб ташланган тўқайлар, ботқоқлар, шўр босган тақир бўлтакларни ҳисоблаб чиқди: етти юз гектар ер ҳароб бўлиб ётарди. Демак, Чўлбобо ҳақ.

Мирҳосил ҳар қанча ҳаракат қилмасин, пахта теримида сентябрь графиги бажарилмади. Шаҳардан келган ҳашарчиларнинг жонбозлиги ҳам ёрдам бермади. Сентябрь топширигини Норқўзи бригадаси юз етмишга етказгани билан унинг хирмонга тўккан ҳосили катта қозонга ташланган бир қошиқ туздай эриб кетди.

Терим бошида район ташкилотларига катта ваъда берган Мирҳосил беҳосдан чўғ босган кишидай оромини йўқотди.

Феруза даладан қайта туриб идорага кирганда раиснинг Аширали билан айтишиб тургани устидан чиқиб қолди. Мирҳосил Аширалининг ёқасидан олгудек дарғазаб; уни ҳар бир бригадага вакил юборишга қаршилиқ кўрсатишда айблар, «саботажчи» сўзини айтолмай, «шабадашчи» деб бақирарди.

Мирҳосил Ферузанинг кабинетга кирганини кўрмади. Эшик олдида туриб қолган қиз чироқни ёқиб юборди. Мирҳосил чироқни Холмамат ёқди деб ўйлаган бўлса керак, нур таъсирида сал ҳовуридан тушиб:

— Бормисан!— деб юборди.

Лекин эшик олдида тик турган агрономни кўриб, бети буришди.

— Сизмисиз?— деди хуш ёқтирмай.— Қаёқларда юрибсиз, думингизни тутқизмайсиз?

Феруза бу қўпол муомаладан қип-қизариб, пешонасини совуқ тер босди, нима қиларини билмай, турган ерида тек туриб қолди. У кўкрагини сириб турган зангори духоба нимчасининг тугмаларини ўйнар, Мирҳосилнинг юмшоқ креслога чўккан йўгон гавдасини ер остидан кузатарди.

— Нега сўррайиб турибсиз?— деди яна Мирҳосил, бармоқларини қисирлатиб.— Ё келиб ўтиринг, ё чиқиб кетинг.

Феруза кабинет ўртасига узала ёзилган оловдай қип-қизил поёндоздан этик учи билан аста юриб келди-да. Аширалидан пастроққа ўтирди ва ўзини зимдан кузатаётган Мирҳосилга ўқтин қараб олди.

— Ўртоқ раис,— деди у овози титраб,— қўпол гапларингизни ташланг. Яхши эмас.

— Ҳа-ҳа, энди сиздан ақл ўрганаман шекилли?

— Феруза тўғри айтади.— Аширали гапга аралашди.— Маданиятга ҳам сал ён босиш керак, раис. Дўқ-пўписа билан иш қиладиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди.

Мирҳосил дўпписини бошидан олиб, шўр босган дала-нинг экинини эслатувчи сочини силаб қўйди.

— Менга осон билманглар,— деди у бўғилиб.— Давлат мендан пахта сўраяпти. Сизлар маданиятдан гапирасизлар.

— Давримиз шундоғ ажойибки, ҳосил ҳам маданиятга боғлиқ бўлиб қолди,— Аширали ётиги билан гапирди.— Чўлга отилиб келган азаматлар ош-нонини топиб ейди. Уларга маданият керак, раис. Рост гапни айтсам, улар маданиятсиз одамнинг шарпасини сезганда бир тош нарига қочадиган бўлиб қолган.

— Мен иш талаб қиламан.— Мирҳосил бўш келмади.— Мендан ишёқмаслар нари қочишади.

Колхоз ҳаётининг ичига кириб, одамлар билан яхши танишиб олган Феруза Мирҳосилнинг одамлар шаънига қилган туҳматига чидаёлмади, кўрган, эшитганларини унинг бетига айтишга журъат қилди.

— Мен колхозда янги одамман,— деди у ўзини анча босиб олиб.— Янги бўлганим учун ҳам, кўп нарсани тушунмасам керак, деб шу кунгача индамай юрдим. Энди гапирмай иложим йўқ. Агар индамасам, виждоним қийналиб, чигил бўп кетади, кейин учини тополмай қоламан.

— Гапиринг, Феруза.— Аширали қизга далда берди.— Ёмон яранинг олди олинмаса, мадда босиб, танани заҳарлайди.

Бу гапни эшитган Мирҳосил қалтирай бошлаган бармоқлари билан қалин тук босган иягини қашиди-да, ўрнидан турди.

— Агар қаршилик бўлмаса,— деди у кителининг ёқа тугмасини қадаб,— ҳамма гапни бизникига кириб гаплашсак. Қоринларинг ҳам очгандир.

Ферузанинг гапи оғзида қолди. У Аширалига: «Нима қиламиз?» дегандек ўқтин қараб олди. Мирҳосил бунга сезди. Кўнглидан: «маслаҳатгўйини топибди» деган гап ўтди-ю, сир бой бермай:

— Юра беринг,— деди Ферузага,— аянгиш билан ҳам танишиб оласиз.

Феруза ҳамон иккиланаётган бўлса ҳам Аширали:

— Гапни раисникида гаплашамиз,— дегандан кейин ўрнидан қўзғалди.

Булар кабинетдан чиққанда қоронғи йўлакдаги скамейкада Холмамат мудраб ўтирарди. Бир кўзини сал очиб, раисни кўрди. Ўрнидан туриб, қўл қовуштирди. Мирҳосил унинг ёнидан ўтиб кета туриб:

— Уйда бўламан,— деди.

— Маъқул, хўжайин.

Ёруғ кабинетдан қоронғи йўлакка чиққан Ферузанинг кўзи тинди. Девор ушлаб. пайпаслаб юрди. Мирҳосил унинг тирсагидан ушлаб эшикка бошлади.

— Станциямиз ишга тушганмас. Электрни тежаймиз.

Лекин Ферузанинг раис қўрасида кўргани бу гапга сира тўғри келмас эди.

Улар идорадан чиқиб, кўчани кесиб ўтишлари билан тўрт томонига баланд девор олинган ҳовлининг икки

юзинчи чироқ билан ёритилган нақшин сарғиш дарвоза-сига дуч келдилар. Дарвоза тепаси болохоналик бостирма бўлиб, тагидаги ёруғ гаражда зангори «Волга» ялтиллаб турарди. Раисни доим ҳаво ранг машинада кўрган Феруза бу янги «Волга»га бир нафас қараб қолди, унинг ёрқин бўёғи кўзни қамаштирарлик даражада эди.

Ҳовли деб атаганимиз аслида катта боғ бўлиб, эшикдан бошланган асфальт йўлка ҳовуз бўйлаб тўрдаги баланд шийпонгача борарди. Йўлка бўйлаб экилган кўм-кўк арчаларнинг аччиқ кўк чойни эслатувчи ҳиди Ферузанинг димоғига гуп этиб урилди. Ҳовузнинг тўрт томонидаги яшилга бўялган пастак симёғочларда қизғиш қалпоқлик чироқлар жимир-жимир ёнар, шуълага фарқ бўлган кўким-тир сувда балиқлар сузарди.

Меҳмонларни бошлаб келаётган Мирҳосил шу ерда тўхтади-да, шийпонда алланима билан машғул бўлиб ўтирган йигитчага буюрди:

— Илҳомбой, нон опке!

Илҳомча шийпон ўртасига ёзиғлиқ дастурхондан иккита ёғлиқ патир келтириб, Мирҳосилга берди. Кейин Ферузага бош қимирлатиб, Аширалига қўл учини узатди:

— Омонмисиз, партком ака.

— Қўл беришни ҳам билмайсан,— деди Аширали, унинг қўлини кафтида маҳкам қисиб.— Жон борми ўзи?

— Жон қоптими, ака.— Илҳомча кулди.— Раис ҳар кун уч марта тергайдилар...

— Тергайман!—Мирҳосилнинг митти кўзлари кулди.— Тергамасам, колхозни ўпириб кетасан!

— Худо сақласин, хўжайин!— Илҳомча тантиғланди.— Бир кун туз ичган даргоҳга минг кун салом...

Феруза раис билан ҳам кассир, ҳам омборчи Илҳомча ўртасидаги бу лутфомуз қочириқларга тушуна олмади.

Мирҳосил битта патирни ушатиб, ҳовузнинг у ер-бу ерига отди. Балиқлар жонсарак қимирлашди. Тўда-тўда бўлиб нон парчаларини талаша-тортиша кетишди.

Мирҳосил иккинчи патирни Ферузага узатди:

— Олинг, жониворларни бир хурсанд қилинг.

Феруза патирни олишга олди-ю ўйланиб қолди. Патир тандирдан янги узилган бўлса керак, ҳали ҳам илиқ; ўт ва ёғ ҳиди димоққа урарди. Иккита одам еса тўядиган даражада вазмин. Лекин Феруза раиснинг сўзини қайтаришни истамади, бунинг устига, кўзлари жавдираб турган балиқ-

ларга ачинди. Патирдан бир бурдагина ушатиб, ҳовузнинг ўртасига отди. Катта-кичик балиқлар ўша ёққа интилди. Нонни кичик балиқлардан катта балиқлар тортиб олди, катталари ўртасида ҳақиқий жанг бошланди. Кутилмаганда сув тагидан бир қулоч келадиган лаққа отилиб чиқиб, бир ҳамладаёқ нонни бутунлай ютди. Буни кўрган Феруза патирни бурдалаб, насибасиз қолган майда балиқларга отди.

Мирҳосил меҳмонларни шийпонга таклиф қилди.

Томига оқ тунука қопланган саккиз қирралик баланд шийпон боғнинг ўртасида бўлиб, унга лола ранг гулдор «қизилоёқ» гиламлар ёзилган, атлас кўрпачалар тўшалган эди. Феруза шифтдаги шамнусха қандилнинг чироқларини санаб, ҳисобига ета олмади. Қандил шуъласидан зангори устунларнинг қубба нақшлари, жуфт кунгуралари живирларди. Гилам устига хонтахта қўйилиб, дастурхон ёзилган, шийпон тўридаги эшикдан кириладиган хосхона эса бутун бир гарнитур—анвойи жиҳозлар билан безатилган эди.

Меҳмонлар кўрпачаларда ўтириши билан Мирҳосил Илҳомчага буюрди:

— Ошингни тезлат. Аянгга ҳам айт, чиқсин.

— Хўп, хўжайин.

Илҳомча шийпон зиналаридан орқаси билан тисарилиб тушиб, шу яқиндаги девор тешиб ўрнатилган сарғиш эшикдан ичкари ҳовлига кириб кетди.

Феруза шийпондаги ҳашамдан сал эсанқираб, хаёл суриб ўтираркан, атрофдаги дарахтларни кўздан кечирди. Чироқ нури етгунча тўрт томонда азим туп олма, нок, ўрик, гилос, беҳилар кўринди. Булар камида ўттиз йил нарида экилган бўлиб, баркамол толларни эслатарди.

Ферузанинг кўз олдида Чўлбобо ҳикоя қилган боғлар жонланди. Ҳа, бу боғ Чўлбобо боғининг бир бўлаги. Мирҳосил уни чегириб, девор билан ўраган. Ҳов, ана, этакдаги девор орқасида ҳам Чўлбобо боғининг бир бўлаги, худди бу қўрадагидай азамат дарахтлар кўриниб турибди.

Мирҳосил қизнинг хаёлини бўлиш учун унга бир пиёла чой узатди-да, сўради:

— Қалай, боғ маъқулми?

— Яхши боғ.—Феруза ўйчан сўзлади.—Мирзачўлдаги боғлар тарихини Чўлбободан эшитганман. Осоплик билан бўлмаган экан бу боғ...

— Чўлбобо тўғри айтади.— Мирҳосил ғалифе шимининг чўнтагидан «Казбек» қутичасини чиқариб, папирос чекди. Бурчаклари қизарган кўзлари аллақандай ғилтилади.— Шўр ерда битта дарахт кўкартиргунча одамнинг тинкаси қурийди. Бу боғни ҳам Чўлбобо кўкартирган. Соҳибкорлигига тан бериш керак. Аммо ғаламислиги жонга тегди.

— Ғаламислиги?— Феруза таажжубланиб сўради.

— Ҳа, ғаламислиги жонга тегди.— Мирҳосил такрорлади.— Иғводан бошқа иши йўқ.

— Нимани иғво қилади?

Мирҳосил ёстиққа ёнбошлаб, оёқларини чўзди.

— Кечирасизлар, бод... Қанча курортга бордим, фойда бермаяпти. Бел оғриб, оёқ увишади. Чўлга келиб, ортирганимиз шу бўлди. Ҳа, биз пахта берамиз. бошқалар иғво қилади. Чўлбобонинг ариза ёзмаган идораси қолмади. Гўё, ерни хароб қилаётганмишман. Тўқай, ботқоқ кўпаяётганмиш. Хўш, ерни нобуд қилаётган бўлсам, пахта-ни гўрдан оляпманми? Давлатга иғво эмас, пахта керак. Пахта бўлмаса, саноат тўхтаб қолади. Чўл кўп. Ерни аяган одам пахта ололмайди. Чўлбобо шуни тушуниши керак.

— Тушунади.—Аширали Чўлбобони ёқлади.— Аммо ерга жони ачийди. Чўлбобо ҳақ. Тўқай масаласини жиддий ўйлашимиз керак, раис. Уни йўқотишимиз керак. Ахир, қанчадан-қанча ерлар ишдан чиқиб ётибди! Ундан кейин, раис, туҳматни, маданиятсизликни ташланг. Чунончи, ҳозир меҳмон олдида узала ётиб олишингиз одобдан эмас. Туринг, стул қўйиб берай.

— Ҳожати йўқ.— Мирҳосил чўкка тушаётиб, ингради.

— Ундан кейин,—Аширали сўзида давом этди:—Чўлбобо сизни маломатдан қутқармоқчи. Тўқай йўқолса шаънингиздаги доғ ҳам ювилади. Чўлбобони ҳурмат қилинг. Ахир, унинг ўз қўли билан кўкартирган боғида ўтирибсиз, раис. Ақалли, шуни ҳурмат қилинг!

— Нима, чол арзабозлик қилаверсинми?— Мирҳосил бобиллаб берди. — Мени тинч қўядими, йўқми?

Бир ойдан бери Чўлбобонинг уйида турган, унинг ерга, элга муҳаббатига тан берган Феруза Мирҳосилнинг унга отаётган таъна тошларига бардош беролмай, идорада чала қолган гапини бошлади.

— Мен колхозда янги одамман,— деди у жигар ранг хром этигининг қўнжини силаб ўтирган Мирҳосилга зимдан қараб.— Дасгаввал, бу ерга келганда чўл табиатини,

ниш кўламини кўриб, анча чўчиган эдим. Қишлоқдаги одамлар билан танишиб олганимдан кейин, ўринсиз чўчиганимга ишондим. Улар ерни, сувни, техникани севадиган, қадрлайдиган кишилар экан. Улар менинг юрагимга, чўлга эзгу муҳаббат туйғусини тўлдиришди. Бу чўлнинг гавҳар тўла бир хазина эканини тушундим. Аммо шуни ҳам билдимки, бу чўл жонсиз бир дала эмас, балки одамга қайишадиган жонивор экан. Агар деҳқон уни севса, парвариш қилса, қадрласа, у ҳам сахий дастурхонини очаркан. Агар деҳқон уни севмаса, қадрламаса, унинг қувватини олишнигина ўйласа, у ҳам деҳқондан юзини ўғирар экан ва деҳқонга дастурхон тўла ноз-неъмат ўрнига, янтоқ, шўр, ботқоқ, тўқай тутаркан.

— Мени «чўлни севмайди», демоқчимисиз? — Мирҳосилнинг митти кўзлари катта-катта очилди. — Чўлни севмасам, йигирма йилдан бери нима қиламан бу ерда?!

Мирҳосилнинг бу саволи Ферузани ўйлатиб қўйди. Йигирма йил... Мирҳосил Мирзачўлнинг йигирма ёзида жазирамада қовурилган, йигирма қишининг қаҳратонида азоб чеккан, йигирма йил не машаққатлар билан хирмон кўтарган. Феруза бўлса энди бир ой чўл шамолини ютяпти. Хўш, ким ҳақ: Мирҳосилми? Ферузамми?

Феруза бундоқ деса, чўлда Мирҳосилдан ҳам кўпроқ яшаган, ишлаган Чўлбобо, Иван Андреевичлар раисни ерни хароб қилишда айблайпти-ку? Демак, Феруза ўз фикрини айтаётгани йўқ, халқ фикрини, фан фикрини айтапти. Шу тушунча унга далда берди-да, раиснинг саволига жавоб қилишга журъат этди.

— Мени қийнаган иккита масала бор, — деди Феруза, ҳовуз атрофига хаёлий ҳусн бағишлаган қизил қалпоқли чироқларга тикилиб. — Биринчи масала бу йилги пахтага доир. Бригадама-бригада юриб, ҳосилни чамалаб чиқдим. Норқўзи бригадаси планини ошириб бажаради. Турсуной ҳам бажаради. Лекин бошқа бригадалар бажара олмайди. Қозонда бори чўмичга чиқади. Қанча ваъда бермайлик, фойдаси йўқ. Мана, октябрь ҳам тугаяпти. Пахта осмондан тушмайди, ерда битади. Ердагиси маълум. Шу сабабдан ҳайбаракаллагиликни, бир-биримизга дўқ-пўписаларни йиғиштириб, бор ҳосилни тезроқ териб олиш пайига тушишимиз ва келгуси йил тақдирини ўйлашимиз керак. Иккинчи масала — тўқай. Мен шу кунларда унинг колхозга варарини ҳисоблаб чиқяпман. Яқин кунларда айтаман.

Муҳокама қиламиз. Аммо тўқайни очиш фақат ўзимизнинг қўлимиздан келмайди. Бу масалани ҳал қилишда янги совхозлардан намуна олишимиз керак.

Феруза ўзини қийнаган масалаларни ўртага ташлаб, раисни ҳам, парткомни ҳам қийнаб қўйди. Раис шунинг учун қийналдики, бу йилги ҳосилнинг тош босмаётгани қанчалик ҳақиқат бўлса, анчагина ерларнинг ишдан чиққани ҳам шунчалик ҳақиқат эди. Лекин бу ҳақиқатларни Мирҳосил тан ололмади, чунки бу масалаларни тан олиш — билиб туриб йўл қўйган хатоларига иқрор бўлиш демакдир. Иқрор бўлиш эса ўз бошини калтакка тутиб бериш билан барабар. Агар иқрор бўлса, унинг мансаби, давлати, обрўси қўлдан кетади. Тан олмаса-чи? Чўлбобо жим ётадими? Чўлбобо ҳам ҳолва экан. Энди тили—тиғ, сўзи—наштар Феруза пайдо бўлди. У Чўлбобо билан бирлашди. Икки ирмоқ қўшилиб, анҳор бўлади. Анҳорлар вўшилиб дарё бўлади. Мирҳосил шу ўтирган ерида ўзини дарё тўлқинларида ғарқ бўлаётган одамдек ҳис қилди. Биров уни бўғаётгандек, елкаларини қимирлатиб, нафасини ростлади.

Ферузанинг сўзларини эшитган Аширали ҳам қийналди. У шунинг учун қийналдики, «Меҳнат — роҳат» колхозидаги ҳамма ишлар учун раис билан баб-барабар жавобгар. У партия ташкилотига секретарь қилиб сайланганидан буён раисга насихат қилишдан нарига ўтмади, раиснинг нотўғри хатти-ҳаракатларини бирор марта коммунистлар йиғилишида муҳокама қилмади. Бунинг оқибатида пахта ҳосили кўнгилдагидек бўлмади. Нега Аширали бундай ожизлик қилди? Раис билан орани бузишни истамадими? Ёки, Мирҳосилга яратиб берилган обрўнинг соясида қолиб кетдими? У, ахир, партиянинг шу қишлоқ, шу хўжаликдаги кўзи, қулоғи, қўли эмасми?

Мирҳосил ёстиққа ёнбошлаб ўтираркан, Феруза ўз олдида қўйган масала илгари бошқалар томонидан ҳам қўйилганини эслади. Мирҳосил шаҳардан келган агроном қиз олдида қандай муте бўлиб ўтирган бўлса, бошқа кўп кишилар олдида ҳам шундай муте бўлиб ўтирган. Бу унинг гап тополмаганликдан лол бўлгани эмас. Унинг гапи тайёр. Исботи ҳам нақд. Далага чиқинг, қишлоқни кўринг. Бу экинзорлар, мевазорлар, шолিপоялар, йўллар, иморатлар илгари бормиди? Идорани ким қурди? Янги ерларни ким очди? Пахтани ким берди?

Мирҳосил даъвогарларнинг оғзига иш билан уради.

У ҳозир ҳам оёқ оғриғини унутиб, бамайлихотир чорлана қуриб ўтириб олди-да, қулочини кенг ёзди:

— Бу боғни албатта Чўлбобо бунёд қилган,— деди у.— Қуллуқ қиламиз. Аммо у раис бўлганда икки минг гектар еримиз бор эди. Бу йил уч минг гектарга етди. Ким очди бу ерларни? Биз очдик, халқ очди. Хўш, ўртоқ агроном, Чўлбобо шуларни ҳам айтдими сизга?

— Айтди.— Феруза пинағини бузмай, жавоб берди.— Аммо пландан чиқариб ташланган етти юз гектар ерни ҳам айтди. Мен аввал ишонмаган эдим, бориб кўрдим, ўлчадим.

— Ҳа-ҳа! Ўлчадим денг?— Мирҳосил азбаройи бўғилиб, тиззаларини муштлади.— Айтдим-а, теримнинг қизигида агрономимиз қаёққа йўқолди деб. Иш буюраман десам, тополмайман.

— Мен бу ерга югурдак бўлиб келганим йўқ, ўртоқ раис. Мен агроном бўлиб келдим. Мен шу кунларда ерни ҳам ўлчадим, пахтани ҳам чамаладим, одамлар билан ҳам суҳбатлашдим. Ҳар бир қартадаги тупроқни текширдим. Илҳомчангиз айтгандир, идорада битта хонани бўшатиб, лаборатория очганимни. Ана энди мендан сўранг, мен сизга қайси қартани қандай ўғитлаш, суғориш, шўрини ювишни айтиб берай. Мирзачўл шундай ер эканки, илм ишлатмаган доғда қолади.

— Астағфирулло,— Мирҳосил кителининг ёқасини ушлади.— Қўйчивон кўпайса, қўй ҳаром ўлади. Агроном кўпайган сари ҳосилимиз камайяпти.

— Бўлмагур гап!— Ферузанинг вужуди қалтираб, чўккалаб олди.— Айбни агрономга ағдарманг. Агрономга қулоқ солиб кўринг-чи, нима бўларкин!

Мирҳосил алланима дейишга оғиз очганда ичкари ҳовли эшиги аста очилиб, хотини Зулукхон кўринди. У тилининг учидаги гапини ичига ютиб, ўрнидан турди. Зулукхон амиркон кавушини асфальт йўлкада гижирлатиб босиб, шийпон томонга солланиб юриб келди. Феруза билан Аширали ҳам раисга тақлид қилиб ўринларидан турдилар.

Зулукхон йигирма етти-йигирма саккиз ёшлар атрофидаги жувон бўлиб, йўғон гавдаси қора хонатлас ичида билқиллар, оппоқ кенг пешонасига оқ гуллик барикарам крепдешин дурра танғиб олган эди. Бир-бирига пайваста қалин қошларига ҳозиргина ўсма қўйгани билиниб турарди. Кўзлари катта-катта, ёрқин, кўкиш сурма суртилган

жууқ киприклари қовоқларига соя ташларди. Юзи гўшадор, оқ чаккаларига суртган қизил упаси чала артилган, ҳалин лабларининг қизил бўёғи ҳам дафъатан кўзга ташланарди.

Зулукхон шийпонга чиқаркан, семиз бармоқларидаги феруза, лаъл, сафоир кўзлик олтин узуклар, жажжи қулоқларидаги марварид терилган қашқар болдоқлари қандил шуъласида порлади. Айниқса, Зулукхоннинг тўпиғигача тушиб турган қизил жиякли сариқ атлас лозим Ферузанинг ғашига тегди.

Зулукхон шийпон зинасидан битта-битта босиб чиқаётганда Мирҳосил қўлини узатиб, уни тортиб олди.

— Танишинглар,— деди у Ферузага кўз қирини ташлаб.— Бу киши — янги агрономимиз Феруза.

Зулукхон Ферузанинг қўлини мойупа суртилган силлиқ кафтига қўйиб, қизнинг сокин шахло кўзларига тикилди.

— Ажаб кепсиз,— деди Зулукхон йўғон белини таманно билан бесушақай буриб.— Чивин чақмаяптими? Ё, сиз чивинни чақадиганларданмисиз?

— Ферузахон Чўлбобонинг пашшахонасида жон сақлаяптилар.— Мирҳосил хотинига хушомад билан гапирди.

Феруза эр-хотиннинг бачкана гапларига нима жавоб беришни билмай, ағрайиб қолди.

Зулукхон меҳмон қизга ортиқ парво қилмай, тўрдаги кўрпачага чиқиб, чордана қурди. Эрига: «Ҳа, ўтирмайсанми?» дегандай имо қилди. Мирҳосил хотинидан ўлғудай кўрқса керак, Ферузани кўрпачага таклиф қилишга журъат эта олмади.

Аширалининг қистови билан Феруза жойига ўтирди.

Зулукхон мойлик кафтларини кенг очиб, димоғида алланималар деб фотиҳа қилди.

Унинг бу қилиғига Ферузанинг айниқса ғаши келди.

Мирҳосил хотинига чой узатди.

— Ҳа, сўзларингни бўлиб қўйдимми?— Зулукхон эрига ёвқараш қилди.— Очилиб-сочилиб ўтирувдиларинг шекилли...

— Иш хусусида гаплашаётувдик,— деди Мирҳосил хотинига аллақандай синиқ товуш билан жавоб бериб.

— Қачондан бери мендан сир тутадиган бўлиб қолдингиз?— Зулукхон эрига гина қилди.— Гаплаша беринглар. Ё мен халал бераманми?

Аширали ҳозиргина тугаган баҳсни Зулукхон олдида такрорлашни истамади-да:

— Турсуной сизни сўраяпти,— деб гапни бошқа ёққа бурди.— Далага чиқсин, пахта терсин, деяпти.

— Раис касал, дўхтурлик қияпман,— деди Зулукхон қандил шуъласида катта-катта кўзлари ярақлаб.— Ахир, раиснинг соғлиғи керакдир колхозга?

Хитой чинни лаганда палов кўтариб келаётган Илҳомчани кўрган Мирҳосил гапни қисқа қилиб қўя қолди:

— Албатта, керак.— Кейин Ферузага қаради.— Зулукхон бўлмаса, ҳолим хароб.

Овқат устида гап қовушмади. Хотини келиши билан тили қирқилган раис гунг ўтирар, Аширали Зулукхоннинг бири боғдан, бири тоғдан келган саволларига нохушлик билан калта-калта жавоб қиларди.

— Меҳмон кептилар, ҳалигингиздан очмайсизми?— деди Зулукхон эрига, хосхонадаги ойшаванд жавонга кўз қири билан ишора қилиб ва Ферузадан сўради:— Вино ичасизми?

Феруза совуққина жавоб берди:

— Умримда татиб кўрмаганман.

— Вой ўлай, шаҳарлик бўла туриб-а?

— Ҳа, биров сизга шаҳарлик қизлар ичади, деб айтдимми?

— Ичади! Ўзим кўрганман, ичади!— Зулукхон кесатиб гапирди.— Сиз ҳам ичсангиз керак, муғомбирлик қилаяпсиз.

— Ичганмасман.— Ферузани нечундир тер босди.— Шу ёшгача ўқиш, ишдан бошқа нарсани билмадим. Ичкиликдан ор қиламан.

— Ҳали ёшсиз, ҳали ўрганиб кетасиз,— Зулукхон яна ачитди.

— Ҳеч ҳам! Ичкиликни ёмон кўраман.

— Ичмасангиз, ошдан олинг.

Феруза ошдан қимтиниб бир-икки олди-да, сочиқ учиға қўлини артди.

— Олинг,— Илҳомча уни қистади.— Ё, биз дамлаган ош ёқмадимми?

— Ширин бўпти.

— Чўлбобоникига дам сақлаяптилар,— Зулукхон кесатди.— Чолникига дуо кетган.

Феруза индамади.

Овқатдан кейин Зулукхон тагин алланималар деб фотиҳа қилди.

Меҳмонлар турганда Зулукхон чорданасини бузмади.

— Кеп туринг,— деди шийпон зинасидан тушаётган Ферузага ва қиз ҳовуз томон кетиши билан овозини пайсайтириброқ қўшиб қўйди:— Бизникидан чаён чиқмаган.

Феруза эшитди. «Сен ўзинг чаёнсан» деган гап кўнглидан ўтди.

Мирҳосил меҳмонларни кузатиб қўйишни ҳам, кузатиб қўймасликни ҳам билмай, ҳовуз бўйида туриб қолди.

— Кеп туринг,— деди Ферузага хотинининг сўзларини такрорлаб.— Тўқай бир гап бўлар, қадрдонлик йўқолмасин.

— Тўқай йўқолмагунча бир гап бўлмайди.— Феруза унга кескин жавоб қилди:— У ер — халқ мулки, раис ака, жиддийроқ ўйланг.

— Хўп, агроном, хўп, жиддийроқ ўйлаймиз.

Феруза билан Аширали кўчанинг нариги қоронғи бетига, идора томонга ўтиб, Чўлбобо қўрасига бурилишди. Мирҳосил уларни нақшин сариқ дарвозасигача кузатиб чиққан Илҳомчани имлаб чақирди:

— Орқаларидан аста бор-чи, нима каромат кўрсатишаркин!

— Хўп, хўжайин.

Илҳомча Чўлбобо қўраси томонга кетганлар орқасидан қорама-қора сургалди...

Олтинчи боб

Феруза чўлга янги келган кунлари: «Агар Ханифа опани учратмасам, Тоштемир ота уйидан жой бермаса, нима қилардим?» деб ўзига савол берар, аниқ жавоб топа олмай, чол-кампирга ҳурмат, муҳаббати тобора ошар эди.

Мана, орадан икки ой ўтгандан кейин бундай саволга ҳожат қолмади. Мабодо шундай савол туғилса, энди унинг жавоби кўп. Уни Чўлбобо ва унинг рафиқаси Ханифа қандай қабул қилган бўлса, Аширали билан Турсуной ҳам, Асалхон, Сорахонлар ҳам, қишлоқдаги бошқа ўнлаб хонадонлар ҳам шундай эъвоз-икром билан қабул қилган бўларди.

Хуллас, Феруза катта шаҳарлардан олисдаги бу чўл қишлоғида еттиёт кишиларнинг бир она қорнидан талашиб

тушгандек қадрдонлашиб кетганини ўз кўзи билан кўрди, ишонди.

Феруза ҳар бир уйда азиз меҳмон. Ҳатто у янги келганда Норқўзининг бригадасида аския қилган фарғоналик шўх жувонлар ҳам уни бир ҳафта кўрмасалар соғинадиган, Чўлбобонинг қўрасига йўқлаб келадиган бўлиб қолишди.

Феруза чўл кишиларига нимаси билан ёқиб қолганини ўзи билмайди. Ростгўйлигими, самимийлигими, юлдузи иссиқлигими, ҳар қалай, уни ёқтиришди. Катта-кичик у билан маслаҳатлашадиган бўлиб қолишди.

Феруза ҳамма билан танишиб олди-ю, Иван Андреевич билан танишолмади. Мудров ўша келганча бошқа келмади. «Иван келиши билан сенга хабар бераман» деган Чўлбобо ҳам ошнасини кутиб толди.

Бу орада ноябрь байрами яқинлашди. Чўлбобонинг айтишига қараганда, Иван Андреевич шу кунларда албатта келиши керак. Бунга учта сабаб бор. Биринчи сабаб—унинг марҳума рафиқаси Мария Федоровна вафотининг уч йиллиги. Мария Федоровна Крестьянское қишлоғидаги рус қабристонига дафн этилган. Иван Андреевич ҳар йили унинг вафот этган куни келиб зиёрат қилади. Иккинчи сабаб—кўчат мавсуми. Иван Андреевич ҳар йил шу фаслда «Меҳнат—роҳат» боғларидан Янгир совхозларига ўн-ўн беш минг мева кўчати олиб кетади. Учинчи сабаб—ирригация ва мелиорация ишларига тайёргарлик. Иван Андреевич эндиликда янги ерларни давлат плани асосида ўзлаштираётган, совхозлар қураётган «Главголод-постепстрой» бошқармасида ишлаётган бўлса ҳам, «Мирза-чулводстрой»да ўн кунлаб қолиб, кузги-қишки ишларни бошлаб бериб кетади.

Номи тилларда дoston бўлган рус олимининг келишини Феруза сабрсизлик билан кутди. Узоқ-узоқ бригада шийпонларида тунаб қолган кунлари: «Иван Андреевич дам келиб, дам кетмадимикан?» деб ташвишланди. Қўли сал бўшаши билан Чўлбобо қўрасига чопди.

Эртага байрам деган куни кечаси билан совуқ шамол туриб, кўкни қора булут қоплади, қор учқунлади. Саҳар палладан бошлаб Аширали ҳашарчиларни шаҳарга жўнатишга бошчилик қилди, Феруза колхозчиларни уй-ўйларига кўчириш билан шуғулланди. Кўсак чувиш машиналари бостирмалар тагига олинди. Хирмонларга уюлган кўраклар пана жойларга ташилди.

Қоронғи тушгулча далаларда битта ҳам одам қолмади.

Ўиди шийпонлардаги кечаги завқ-шавқ йўқ. Ҳамма ёқ жимжит. У ер-бу ерда қаққайган азим туп ёнгоқларнинг ялағоч шохларида қарғалар мунгайиб ўтирибди. Канал томондан ўқтин-ўқтин кўтарилаётган изғиринда қор бўралайди. Атроф — ҳайё-ҳу оқ дала, осмон тўла оқ қуюн.

Иккинчи бригада шийпонида ҳаммадан кейин қолган Турсуной билан Феруза бостирма тагидаги совуқ бўйрада ёнма-ён ўтириб, бугун чувиб жўнатилган пахтани чўтга солибди. Планга 0,09 процент қўшилибди. Мавсумда топширилган пахта планнинг 99,2 процентини ташкил этибди. Ҳали кўрак кўп. Лекин уни чувиш, қуритиш керак. Қолган 0,8 процент пахтани октябрда ярим кунда териб топширса бўларди. «Қолган ишга қор ёғади» деганларидай, қор ёққандан кейин ярим кунлик бу иш энди икки ҳафтага чўзилади.

Турсуной бригада плани бугун, байрам арафасида тўлади, деб умид қилган эди. Тўлмади. Унинг руҳи тушиб кетганини кўрган Феруза далда берди.

— Сиз-ку бажарасиз-а, бошқалар нима қилади?

Ферузанинг гапи Турсунойнинг кўнглига тасалли бермади.

— Мусобақадошим Норқўзи бир юз саксонга етказди,— деди у ғамгин кўзларини Ферузага тикиб.— Бугун байрам кечасига қайси юз билан бораман?

Феруза ўрнидан туриб, тивит рўмолини бўйнига тортиброқ бойлади, калта пахталик чопонининг тугмаларини солди.

— Руҳингиз тушмасин, опа,— деди у дугонасига.— Бу йил мусобақада ютқаздингиз. Келаси йилни ўйлайлик.

Феруза қўлларини енг ичига олиб, шийпондан қорли далага тушди. Чўт қўлтиқлаган Турсуной у билан ёнма-ён бораркан, сўради:

— Келгуси йил ҳосил бундан кўп бўлишига ишонарми?

— Ишонганда қандоқ, опа,— Феруза этикларини лойдан базўр кўчириб босаркан, ишонишининг сабабларини Турсунойга тушунтирди.— Аввало, колхозда ишни қайтадан қурамиз. Кучни, техникани бригадалар ўртасида баробар тақсимлаймиз. Қўл кучини йўқотиб, бригадаларни комплекс машиналашган хўжаликларга айлантирамыз. Ундан кейин, ерларимизни шу куздаёқ тартибга соламыз. Норқўзининг ерларини қаранг-а, кафтдай текис. Зовурлари жойида. Йилт этган шўр йўқ. Нега шундай? Мен унинг

ишига разм солиб, кўп нарсани ўргандим. Норқўзи ўз аъзолари билан ерга, меҳнатга шундай ёпишиб олар экан-ки, бошқаларнинг унга тан беришдан бошқа иложи қолмас экан. Мен аввал уни раиснинг ошнаси, шу сабабдан ёрдамни ҳам кўпроқ олади, деб ўйладим.

— Тўғри-да!— деди Турсуной Ферузанинг сўзларини тингларкан.— Раис унга бошқача қарайди-да...

— Отангизга раҳмат!— Феруза Турсунойни қўлтиқлаб олиб, ҳақиқатни тобора кенгроқ очди.— Хўш, нега раис сизга бошқача қарамайди? Нега бошқаларга бошқача қарамайди? Нега ёлғиз Норқўзига бошқача қарайди? Ой боқса ҳам, кун боқса ҳам Норқўзига боқади дейсиз-да. Нега? Мен шу «нега?» деган савол устида икки ойдан бери бош қотираман.

— Икки ой...— Турсунойнинг чўл созуғида ёрилган лаблари истехзоли кулди.— Сиз икки ойни гапирасиз, Феруза. Мен икки йилдан бери бош қотираман. Лекин бу бош қотиришдан не фойда?— У, чаккасига тўзғиган сочини беихтиёр силаб рўмоли ичига киритди.— Биз бригада еридан нимаки олаётган бўлсак бир куч ўрнига икки куч ишлатиб оляпмиз. Тонг ёришгандан қош қорайгунча меҳнат қиламиз. Йил ўн икки ой шу аҳвол. Агар одамларимиз, техникамиз Норқўзиникичалик бўлганда, кузда бунақа қийналиб ўтирмасдик!

— Тўғри айтасиз,— Феруза унинг фикрини қувватлади.— Аммо раиснинг Норқўзига бошқача қараш сабабини айтиб бермадингиз.

— Гап Норқўзидами?— Турсуной қўлини силкиди, чўт доналари бир-бирига уришиб шақиллади.— Гап Норқўзида эмас. Норқўзи йигитларимиз ичида ҳақиқатда норйигит. Очиқ кўнгил. Ростгўй. Меҳнаткаш. Раисга Норқўзими, Ёрқўзими — барибир. Раисга битта намунали бригада, битта илғор бригадир керак. Раис уни юқори ташкилотларга кўз-кўз қилади. Мухбирларга Мирзачўлнинг хўрози, деб мақтайди. Газетада ҳам Норқўзи, радиода ҳам Норқўзи. Ўзаро текшириш комиссияси шу бригадага олиб борилади. Раисга Норқўзи обрў учун керак.

Норқўзи билан дастлаб танишган кунларда Феруза ҳам шундай деб ўйлаган эди. Лекин унинг бригадасида ишнинг ташкил қилиниши, аъзоларнинг бригадирга муҳаббати, Норқўзининг жонбозлиги унинг бундай фикрини ўзгартирди. Айниқса, Норқўзи билан ёлғиз қолиб қилган суҳбатлари бу йигитнинг соф қалбини очиб бер-

ди. Йўқ, Норқўзи раиснинг гумаштаси эмас. Эҳтимол, раис унинг меҳнатдаги қаҳрамонлигидан ўз мақсадига фойдаланса фойдаланаётгандир. Лекин Норқўзи ўз кучига ишонган, ўз меҳнатининг қадрига етадиган йигит. Дуруст, унинг бригадасида куч ҳам, имконият ҳам бошқа бригадаларга қараганда кўп. Бу ҳам Норқўзининг ўз ҳақини қўймаслигини кўрсатади. Шунақа одамлар бўлади ўзи. Улар бир ишга киришса, шунақа дўндиради. Коллективга керак нарсаси учун ёқалашади улар!

Феруза Норқўзи билан кечаги суҳбатини эслади. У Аширалининг кабинетидан чиқаётганда йўлакда Норқўзига дуч келди. Норқўзи раиснинг кабинетидан бўғилиб чиққан, ҳаяжонини боса олмасди. Феруза ундан ҳол сўради. Норқўзи шудгор масаласида раис билан айтишганини, даласида пахта қолмаган бўлса ҳам, раис ерни шудгорлашга ижозат бермаганини ҳикоя қилди. «Колхозда план бажарилмагунча шудгор қилмайсан» дебди раис. Плянининг бажарилмаслиги аниқ. Демак, бу йил шудгор қилинмас экан-да. Норқўзи ҳозироқ далага трактор солишга қарор берганини Ферузага айтди. Раис қўлидан келганини қилсин. Унинг ёмон ишлагани учун Норқўзи жавобгар эмас.

Феруза Норқўзининг фикрини қувватлади. Агроном сифатида, шудгорга ижозат берди.

Норқўзи ана шунақа йигит.

Лекин шундоғ бўлса ҳам, Феруза унинг ҳақидаги фикрларида нечундир ҳамон иккиланади. Ҳозир ҳам сўқмоқда ҳўл қорда тойиб, Турсуноининг тирсагидан маҳкам ушлаб бораркан, қарама-қарши фикрлардан боши қотди. Совуқда эти увишиб, кўзи ёшланди. Еру кўкни қоплаган оппоқ тўзонда ҳеч нарсани кўра олмай қолди.

У кейинги кунларда Норқўзини тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. У ҳар гал ўйлаганда, дастлаб кўрганидаги Норқўзини шу кеча-кундуздаги Норқўзига таққослаб, ундаги ўзгаришга таажжубланади.

Феруза Норқўзи билан дастлаб учрашганда уни ўзига анча бино қўйган, ҳар бир масалада осмонда юрувчи йигит, мақтанчоқ деб ўйлади. Унинг юз-кўзидан ишни қойил қилиб қўйган ғолибнинг ғурури томиб турарди. Юриш-туриши, муомаласи, ҳатто кийиниши ҳам бошқаларга ўхшамасди. Терим бошланган кун унинг мухбирлар, микрофонлар, фото ва кинокамералар олдида ўзини нопишанд тутиши Ферузани тузуккина ранжитган эди.

Ушандан бери ўтган вақт Норқўзига шундай муҳр босдики, уни таниб бўлмай қолди. У терим қизиган сари ишга тобора шўнғиб, бошқа ҳамма нарсани унутди. Шийпондан жилмади. Ҳар кун оқшом сўнги арава пахтаи жўнатиб, шу ернинг ўзида—хирмонда, тарозибон чолнинг ёнида ётиб қолар, яна азонлаб теримга тушарди. Уни йўқлаб келганлар пахтазор этагидан топишар, ишларини оёқ устида туриб битказишарди. Ҳатто раис ҳам уни шийпонга чақиртиришга ботинолмас, ўзи унинг олдига борарди.

Ферузанинг маслаҳати билан машина теримига ажратилган дала сентябрь охирида оппоқ оқарди. Раис икки марта келиб, бу қартанинг пахтасини қўл билан теришга буйруқ берди. Саройда бекор ётган тўртта терим машинасини дала бошига келтириб, тахт қилиб қўйган Норқўзи раиснинг буйруғини бажармади. Икковлари роса айтишишди. Раис Норқўзини колхоз графигини бузишда айблаб, жаҳл билан жўнади. Норқўзи парво қилмади. Пахта тўла очилиши билан «СХМ»нинг бирига ўзи, қолган учтасига армиядан қайтган уч йигит минди. Феруза машина теримини кузатиб, тўкилган пахталарни йиғишга бошчилик қилди. «Зангори кема»лар чунон шиғиллатиб тера кетдики, икки ҳафтада кенг пахтазор шипшийдам бўлди.

Бугун бригада аъзолари байрам кечасига ёруғ юз билан боришади. Ҳойнаҳой, Норқўзи президиумга сайланади. Лекин уни икки ой аввал кўрган киши ҳозир таниёлмайдди. У қорайиб, озиб кетган. Худди гўштини пахтага қўшиб топшириб юборгандай. Ферузанинг назарида, Норқўзининг озгани унинг ҳуснини очгандай: юзи чўзилиб, кўзлари чақнаб қолди.

Мирзачўлнинг ана шу лочини Ферузани ҳар гал кўрганда аллақандай ҳасратли термилади...

Унинг муомаласидаги юмшоқлик, сўзларидан адашиши, оқшомлар қиз кетидан соядай судралиб юриши ва яна қанчадан-қанча аломатлар Ферузани ўйлашга мажбур қилади. Қиз ўйлайди-ю, ўйининг охирига ета олмайди. Феруза шуларни эслаб беихтиёр жилмайди.

Турсуной Ферузанинг ўйга толганини кўриб, сўради: — Нималарни ўйлаяпсиз?

— Норқўзини ўйлаяпман,— деди Феруза, йўлга чиқа беришдаги ариқ олдида тўхтаб.— Бизнинг у ҳақдаги фикримиз бир ёқлама бўлмасин тагин?

— Бу нима деганингиз?— Турсуной Ферузага тааж-жубланиб қаради.

— Бу деганим шуки, Норқўзининг раис билан алоқа-си биз ўйлаганча эмас. Менингча, куч, имкониятларни Норқўзига раис бераётгани йўқ, балки, аксинча, Норқўзи раисдан тортиб оляпти. Албатта, Норқўзи фақат ўзини ўйламасдан, бошқаларни ҳам ўйлаши керак. Унинг хато-си шу. Аммо «ўзинг учун ўл етим» деган гап ҳам бор. Масалан, сиз Турсуной опа, худди Норқўзига ўхшаб, правлениедан, раисдан керагича одам, техника, ўғит ва ҳоказоларни талаб қилсангиз бўлмайдими?

Турсуной Ферузанинг саволига жавоб бермасдан, ариқдан ҳатлади-да, йўлда илдам юриб кетди. Феруза ҳам ҳатлади. Лекин мўлжални тўғри олмади шекилли, ариққа тойиб йиқилишига оз қолди.

— Ҳой, тўхтаг!— деди у Турсунойга, ўзини базўр ўнглаб олиб.— Қасққа чопасиз, аччиғингиз келдими?

Турсуной қадамини секинлатиб, Ферузанинг етиб келишини кутиб турди.

— Неча аччиғим келмас экан?— Турсуной чиндан ҳам қовоғини солиб олди.— Гапингизни қаранг, яна мен сиздан мадад кутиб юрибман.

— Мақсадингизни очикроқ айтинг.

— Мақсадим шуки, сиз бэя айтганингиздай колхозда ҳамма нарсa бригадаларга баравар тақсимлансин. Раис бировга ўнг кўз, бошқага чап кўз билан қарама-син.

— Хўп, сиз айтганча бўлди дейлик,— Феруза Турсунойни яна қўлтиқлаб олди.— Мен ҳам колхозда ишни қайта қуриш керак, деганимда шуни ўйладим. Ана энди фараз қилайлик: йил яқунланди, ҳисобот-сайлов ўтказилди, аъзолар бригадаларга баравар тақсимланди, техника гектарига қараб бўлиб берилди.

Бу сўзларни эшитган Турсунойнинг чеҳраси очилиб, Ферузага кулиб қаради:

— Бу гапингиз дуруст, агроном.

— Дурустликка дурусту-я, лекин Норқўзи жим қараб турармикин? Бригадасида одамларни кўпайтиришга, бошқалар ишлатмай ташлаб қўйган техникани, станцияда, омборларда бекорга эриб ётган ўғитни тортиб олишга ҳаракат қилмасмикин? Масалан, бу йил ҳеч ким қилмаган ишни қилиб, пахтасининг аллақанчасини машинада терди-ку? Хўш, бунга нима дейсиз?

— Нима дердим? Норқўзи жигарингиздан урибди, дейман.

Турсуной қийқириб кулиб юборди.

Феруза нима дейишини билмай, Турсунойнинг тирсагидан туртди.

— Боринг-е, опа, тухматга ҳам уста эмансиз.

— Нима бўпти?— Турсуной жиддий бир оҳангда гапирди.— Норқўзи Зумрадбининг ёлғиз ўғли. Тиниб-тинчимайдиган меҳнаткаш йигит. Уйланмаган. Аширали акангиз ҳам уни жуда мақтайдилар. Фақат армияга кетишдан илгари Зулукхонни яхши кўргани бўлмаса...

— Раиснинг хотинини-я?

— Зулукхон у вақтда раиснинг хотини бўлмаган. Колхоз ишидан қочиб қишлоқдан шаҳарга қатнайдиган элчилгина қатиқчи қиз эди. Норқўзи билан аҳд-паймон қилишибди, деб эшитдик. Зулукхон Норқўзига берган сўзини унутиб, раисга ёпишиб олди. Раис ҳам бағри қаттиқ киши бўлса керак, шаҳардаги хотинини қўйиб, иккита боласидан воз кечибди. Аширали акангиз айтиб берди. Зулукхонни кўрибсиз. Аввалги жибилажибон Зулук қаёқда-ю ҳозирги тахтравондаги Зулукхон қаёқда! Ана савлату ана пардоз. Энг ёмони шуки, Зулукхон туплаб пул тугадиганлардан. Раис ўша ойимнинг йўриғидан чиқиб, ўзича бир иш қилиб кўрсин-чи! Мен Зулукхонни ишга чақиришга кўп уриндим. Мажлисда гапиришдан ҳам тоймадим. Уйига ҳам бордим. Эшик тиқ этса, кўрпа-тўшакка ўралиб олади. Юраги касал эмиш. Юрагида касал нима қилади? Еғ босган. «Шабдадаги чиқсангиз, дардингиз ёзилади» десам, «Вой, ўламан»лайди. Чиндан ҳам колхозимиз этини сўриб ётган зулук...

Феруза Турсунойнинг ҳикоясини тингларкан, Норқўзини ўйлар, Зулукхоннинг бевофалиги орқасида унинг бошидан кечган кулфатларни тасаввур этишга уринарди. Лекин бунинг ўрнига Зулукхоннинг қора атласда билқиллаган йўғон танаси, ўсмалик қалин қошлари, шийпон тўрида чордана қуриб ўтиргандаги виқори, мойли бармоқларидаги ёқут кўзли олтин узуклар кўринарди. У ўзини туталмасдан, беихтиёр:

— Бечора Норқўзи!— деб юборди.

— Норқўзи бечора эмас, Зулукхон бечора,— деди Турсуной, Ферузанинг фикрига қарши чиқиб.— Норқўзининг бахти, давлати ўзи билан. У неки топса, меҳнатидан.

гайратидан топади. «Йигит моли ерда» дейдилар. Лекин Зулукхонга қийин. Унинг кўзини шира босиб, «пул—қўлнинг кири» деган ҳикматни унутиб қўйган. Эрининг давлатига ишониб, бошқаларни оёқ учи билан кўрсатадиган бўлиб қолган. Ҳали йигим-терим ҳам тугар. Ҳисоб-китоб пайти ҳам келар. Даромад тақсимоти бошланганда колхозчилар раисдан қўш-қўш машиналар, қўш-қўш ҳовли-иморатлар, қатор-қатор жиҳозлар, гиламлар, Зулукхоннинг сандиқларидаги бисот, у киши борадиган курортларнинг харажатлари қаёқдан келганини сўрашар. Ана ўшанда эшитамиз жавобларини!

Турсуной айтаётган гаплар нақадар муҳим бўлмасин, Феруза ҳамон Норқўзини ўйлар, унинг Зулукхонни севиш тарихи нима билан тугаганига қизиқарди. Шу сабабдан Турсунойнинг нима дейишини ўйлаб-нетиб ўтирмасдан, сўради:

— Норқўзи армиядан келгандан кейин Зулукхон билан учрашмадими?

— Норқўзини ҳали билмас экансиз,— Турсуной кесиб жавоб қилди.— Зулукхон билан учрашиш у ёқда турсин, бетини кўришни ҳам истамади. Бирор даврада Зулукхондан гап очилса, Норқўзи секин ўрнидан туриб чиқиб кетади. Бир ўтиришда сал кайфи ошган экан, Аширали акангизга: «дунёдан якка ўтаман» дебди.

— Севар экан...

Йўл ёқасидаги тераклар орқасида қатор ўйлар кўринди. Турсуной ўша томон бурила туриб, Ферузани таклиф қилди:

— Бизникига юринг. Мажлисга бирга чиқамиз.

— Уйга борай,— деди Феруза маъюс товуш билан.— Чол-кампир кутиб ўтиришгандир.

— Ўзингиз биласиз.— Турсуной қистамади.— Мажлисида кўришамиз.

— Ҳўп, опа.

Феруза катта йўлнинг тошларига қоқилиб, идора биносига етиб келди. Шу ердан ўтиб, Чўлбобо кўрасига бурилаётганда уни аллаким чақиргандай бўлди. Орқасига ўгирилиб қаради. Тераклар тагидан шу ёққа чопиб келаётган одамни танимади. У томон юрди. Қўлида қоғоз билан Норқўзи келарди.

— Сизга телеграмма кепти,— деди у қоғозни Ферузга узатиб.— Чўлбобоникига олиб бормоқчийдим.

— Раҳмат.

Феруза телеграммани олиб, чўнтагига солди.

— Уқимайсизми?

— Уйда ўқирман.

Норқўзи қизнинг ғамгин авзойига ҳайрон тикилди.

— Хафа кўринасиз, Феруза?

— Шундоқ, ўзим.

Норқўзи Ферузанинг иккала қўлини маҳкам ушлаб силкиди.

— Аввало Улуғ Октябрнинг қирқ беш йиллик байрами билан табриклайман. Ундан кейин онамнинг илтимосини айтишим керак: мажлис тугаши билан бизникида бир пиёла чой ичармишсиз.

— Раҳмат.

Йигитнинг юмшоқ товуши, ширин сўзларидан Ферузанинг кўнгли ёришди, юпқа лабларига инжудай табассум қўнди. Совуқ қўлларини Норқўзининг иссиқ кафтларидан тортиб олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай, тараддудланиб қолди.

— Демак, бизникига борасиз-а?

Феруза қўлларини унинг қўлларидан беозоргина сугуриб оларкан.

— Мажлисда кўришамиз,— деди муюлишдан бурилатиб.

— Муғамбирсиз,— Норқўзи унинг орқасидан кела бошлади.— Ёлғиз боришга қўрқсангиз, чол-кампирни оловинг. Ё, бориб айтайми?

— Ўзим айтаман, овора бўлманг.

Ферузанинг қадамини тезлатганини кўрган Норқўзи кетаётган ерида тўхташга мажбур бўлди. «Ёпирай,— ёқасини ушлади йигит,—унга бугун бир нима бўлдимиз? Ё, олган телеграммасида бир гап борми?» Лекин Ферузанинг телеграммани очиб ҳам кўрмаганини эслаб, таажжуби тагин ҳам ортди.

Феруза қўра томонга чопқиллаб кетаётган бўлса ҳам, муюлишда қолган йигитнинг ҳамон кузатаётганини сезиб турар, ундан узоқлашишга интиларди. У энди Норқўзини эмас, телеграммани ўйларди. Кимдан: Шералиданми? Онасиданми? Бирга ўқиган, республиканинг турли ерларига сочилиб кетган дугоналариданми?

Феруза қўра эшигида хира ёниб турган чироқ тагида тўхтаб телеграммани очди. Янгиердан, шу бугун юборилган эди. Демак, Шералидан. Ўқиди.

«Мирзачўл райони, «Меҳнат — роҳат» колхози, агроном Феруза Каримовага.

Сизни Улуғ Октябрь байрами билан табриклайман. Ишингизда, турмушингизда муваффақиятлар тилайман.

Шерали».

Телеграмма ҳар жиҳатдан тўғри, қоидали ёзилган бўлса ҳам, уни қаноатлантирмади. Телеграммада ҳамма гап бор эди-ю фақат бир нарсa, энг муҳим нарсa — икки юрак яқинлигини ифодалайдиган биронта ҳам сўз йўқ эди.

Феруза телеграммани қайта-қайта ўқиб чиқди. Йигит қалбининг севгиси, соғинишидан асар ҳам топа олмади.

«Балки, байрам табригида бунақа сўзларни ёзиш шарт эмасдир? — деган гап кўнглидан ўтди. — Нега энди? Нега шарт эмас? Албатта, шарт. Ҳеч бўлмаса, муҳаббатга ишора қилиш мумкин-ку?»

Кўнгли тўлмаган қиз: «Шунисига ҳам раҳмат» деди-да Чўлбобо қўрасининг оstonасига қадам қўйди.

Еттинчи боб

Аширaли Иван Андреевични байрам мажлисида доклад қилишга кўндирди. Крестьянскоедан хотинининг қабрини зиёрат қилиб қайтаётган Иван Андреевич қайғу ва ҳаяжондан ҳали ўзига келмаган, кўз ёшлари қуриманган бўлса ҳам, қадрдонининг гапини қайтара олмади. Фақат сўзлайдиган сўзини доклад деб айтмасликни илтимос қилди. Аширaли кўнди. Лекин бу сўз нима деб аталса ҳам моҳият эътибори билан доклад бўлади. Гап шаклда эмас, мазмунда. Иван Андреевич ўзи иштирок этган революция ҳақида ҳам, Мирзачўлга ҳаёт бағишлаган Ленин декрети ҳақида ҳам гапиради. «Меҳнат—роҳат» колхозининг тарихини четлаб ўтиш ҳам мумкин эмас.

Колхоз идораси ёнбошидаги сартарошхонада соч-соқолини текислаётган Иван Андреевич шуларни ўйларди. Бухоро яҳудийларидан бўлган жиккаккина хушфеъл сартарош Абрам унинг кеч куз қировидай оппоқ мўйловини йилтироқ қайчиси билан қиртиллатиб текисларкан, оғзин тинмай алланималарни гапирар, лекин унинг ҳангамалари Иван Андреевичнинг қулоғига кирмасди. У бир чеккаси синган тиниқ кўзгуда бир вақтлардаги қора соч, хушмўйлов йигит Иванни эмас, соч-соқоли оқариб, юз-кўзини ажин босган чолни кўрар, чўл шамолларидай тез ўтиб кет-

ган умрини ўйларди. Лекин бу шамоллар билан бу умр ўртасида катта тафовут бор: ўтган шамоллар қайтиб кела беради, ўтган умр эса қайтиб келмайди. Гарчанд чўл шамолларининг на ерга, на элга фойдаси бор, инсон умри эса шу ер ва шу эл хизматида ёниб тугайди.

Афсонавий «Аврора» Октябрь бонгини жаҳонга янграган кун Иван Мудров Путилов заводининг ўн саккиз яшар токари эди. Ишчилар қуроллантирилганда унга ҳам битта эски рус милтиғи тегди. У ёзилган дружина ҳужум куни Қишки саройга киргани йўқ. Иван дружиначилар билан бирга паравоз депосида соқчилик қилди. У Ленинни кўришга ҳар қанча интилса ҳам, насиб бўлмади.

Революциядан кейин Мудровни озиқ-овқат отрядига ёзиб, Гатчино яқинидаги қишлоқларга юборишди. Отряд Петроград пролетариатига араваларда ғалла юбориб турди. Мудров шу иш билан шуғулланаркан, кунлардан бир кун подшо хонадонига яқин бўлган бир помещикнинг катта боғига кириб қолди. Боғ поёнсиз қарағайзор ўртасидаги кенг сайхонликда бўлиб, асосан олмазордан иборат эди. Болалигидан мева дарахтларига ишқибоз бўлган Мудров бу муъжиза боғда узоқ кезди. Кейин бирорта тирик жонни учратиш мақсадида помещик кўрасига кирди. На оқ мрамор устунлик иморатда, на теварак-атрофда одам кўринар, фақат омборда буғдой қоплари, олма яшиклари тахланиб ётарди. Қоплар устида шифтга яқин бир ерда болалаб ётган она мушук одамни кўриш билан миёвлаб, унга интилди. Мудров озгин, оч ола мушукни бағрига босиб эркалади. Шинелининг чўнгагидаги бир бурда жавдар булкасини унга берди. Мушук нонни тишлаб, болалари ёнига югурди...

Мудров омбордан чиқиб, боғ этагидаги кўл томонга борди. Қўй терисидан сарғиш пўстин ва қулоқчин кийган чол музни тешиб, қармоқ ташлаб ўтирарди. Мудров музда ярақлаб турган болтани кўриб, сал чўчиди, милтиғини тўғрилаб, йўталди. Чол эшитдими, эшитмадими, парво қилмади. Мудров унинг ёнига келиб, музга чўққайди-да, чол кар бўлса керак, деб ўйлаб, товуши бориचा қичқирди: — Ов қалай, ота?

Чол Мудровга ҳўмрайиб, қармоқни жон-жаҳди билан ғулоқтирди.

— Илинай девди... нодон!

Лекин чол йигитнинг қўлидаги милтиқни кўриб, сал жаҳдан ташди.

— Кел, хизмат?

Мудров хўжайинларни сўради. Помешчик Павел Петрович Малинин оиласи билан чет элга жўнаб қопти. Аммо кета туриб, боғбонга: «Қўрани сенга, сени худога топширдим, Федор, боққа яхши қараб тур, қайтиб келман», дебди.

Мудров боғбонни омборга бошлади. Ғалла билан олмани Совет ҳокимияти номидан Петроград пролетариати фойдасига мусодара қилди ва боғбонга егулик қолдирдида, қолганини помешчикнинг от-араваларига ортиб, шарга олиб кетди.

У тез орада яна қайтиб келди. Петроград Советидан берилган гувоҳномасини боғбонга ўқиб берди. Совет уни Малининнинг ер-сув, мол-мулкларини давлат ихтиёрига олишга ва қўрада етим болалар уйи ташкил этишга вакил қилиб юборган эди. У боғбонни етимхона қоровули қилиб тайинлади.

Мудров қўрада, Федор отанинг қоровулхонасида уч йил яшади. Шу вақт ичида эзгу мақсадига эришди, яъни чолдан боғбонликни ўрганди. Федор ота Иванни ўз ўғлидай севиб қолди, унга мева дарахтларининг совуққа чидамли навларини етказиш ва пайвандчилик соҳасидаги тажрибаларини ўргатди. Натижада бу икки боғбон беш юздан ортиқ бола тарбияланаётган етимхонани йил бўйи мева билан таъминлаб туришди.

1920 йилда Мудров ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Уни Петроград Советига чақириб, Москвага, Ленин ҳузурига бориши кераклигини билдирдилар. Иван Андреевич боғни Федор отага топшириб, пойтахтга жўнаб кетди.

У революция кунлари кўра олмаган азиз доҳийсини анди кўради.

Шу фикр унга қанот боғлади. Москвага қандай етиб келганини, Кремлнинг Спасск дарвозаси тагида, силлиқ қорамтир тошлар терилган майдонда, кунгирали юксак девор ёнида қандай пайдо бўлганини эслаёлмайди.

Дарвозадаги соқчи эски ишчи кийимидаги озгин йигитни синчиклаб кўздан кечирди. Мудровга Петроград Советидан берилган гувоҳномани қайта-қайта ўқиди, партия билетига солиштирди ва шундан кейингина Халқ Комиссарлар Совети Раисининг қабулхонасига йўллади.

Қабулхона гавжум, ҳар ёқдан келган кишилар тўплалишиб турарди. Кўк кўзлари сокин, кўркамгина секре-

таръ жувон Мудровнинг гувоҳномасини ўқиди, Владимир Ильич бир оздан кейин қабул қилишини билдирди.

Мудров қабулхонада қизғин баҳслашаётганлар тўдасига қўшилиб, уларнинг гап-сўзларига қулоқ солди. У йиғилганларни Россиянинг турли ерларидан келган ирригаторлар, техниклар, агрономлар, врачлар эканини дарров пайқаб олди. Улар Мирзачўл ҳақида баҳслашишарди. Мудров суҳбатдан шуни тушундики, Совет ҳукуматининг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ҳақида бундан икки йил аввал қабул қилган декретини бажаришга граждандар уруши имкон бермабди. Чўлда илгари ўзлаштирилган баъзи ерлар ҳам ташландиқ ҳолга келибди. Бунинг устига, чўлда иситма-безгак қутураётган эмиш. Демак, чўлни ўзлаштириш билан бирга маҳаллий аҳолини бу офатдан ҳам қутқариш керак. Шу ердагилардан бири, афтидан, врач, Лениннинг топшириғи билан Мирзачўлга жўнатиш учун аллақанча дори-дармон тайёрланганини айтди.

Суҳбат шу ерга етганда секретарь столидаги электр чироқ ёнди. Сулув жувон шошмасдангина ўрнидан турдида, эшикни авайлаб очиб, кабинетга кириб кетди.

Кутувчилар суҳбати ўз-ўзидан тўхтади. Улар сочларини силаб, камарларини тортиб, доҳий ҳузурига киришга ҳозирлашдилар. Мудров ҳам бошқалардек ҳаяжонланиб, кўзлари катта қизғиш эшикка миҳланиб қолди. У ўзининг Москвага чақирилиш сабабини энди тушунди. Лекин бу тушунча унинг юрагига ташвиш ҳам тўлдирди. Хўш, ёш боғбон Иван Мудров Мирзачўлда нима иш қилади? Гатчино боғида ўрганганлари жануб ери, табиати, иқлимига тўғри келадими? Бу ерга жам бўлган олимларга у шогирдликка ҳам арзимайдикун? Ёки, Петроград Советидагилар уни бу катта ишга тавсия этиб, хато қилдилармикан?

Мудров шуларни ўйлаб турганда кабинет эшиги яна аста очилди-да, секретарь жувон чиқди.

— Киринглар, ўртоқлар!— деди у рангсизгина оқ юзига чиройли табассум ёйилиб.— Владимир Ильич кутяптилар.

Олимлар кабинетга бирин-кетин киришди. Мудров орқароқда қолди. У ўзининг Ленин ҳузурига чақирилганига ҳамон ишонмас, гўё ҳамма кириб бўлгандан кейин секретарь жувон: «Тўхтанг, сиз кирмайсиз» дейдигандай, хавфсизарди. Йўқ, секретарь бундай демади. Аксинча, унинг иккиланаётганини кўриб: «Кираверинг, ўртоқ Мудров!» деб далда берди.

Мудров кабинетга кирганда Ленин чақирганлар билан хона ўртасида қўл бериб кўришар, баъзиларини эскидан таниса керак, «А, Владимир Федорович, саломатмисиз?», «Келинг, Сергей Михайлович, бормисиз?» деб ҳол-аҳвол сўради.

Ленин эшик олдида туриб қолган Мудровни кўрди-да, унинг яқин боришга журъат эта олмаётганини сезиб, ўзи яқин келди.

— Қаерликсиз, ўртоқ?— деб сўради Владимир Ильич Мудровнинг қўлини маҳкам қисаркан.

— Петроградданман, Владимир Ильич,— деди Мудров Лениннинг кулиб турган қисқ кўзларига қарашга ботишиб.— Боғбон Иван Мудровман.

— Отагизининг оти?

— Андрей...

— Иван Андреевич, марҳамат.— Ленин кенг пешонасини ўнг қўли билан силаб, Мудровга тикилиб қаради.— Ўзбеклар қадимдан моҳир боғбонлар ҳисобланади. Лекин Мирзачўлга сиз ҳам кераксиз. Туркистон халқларига Петроград пролетариатининг революцион тажрибаси сув билан ҳаводек зарур.

Ленин Мудровнинг елкасига қоқиб, мутахассислар ёнига таклиф қилди:

— Ўтиринг, Иван Андреевич, ҳозир маслаҳатлашамиз.

Ленин кенг ёзув столининг орқасига ўтиб, узун хатчўпни қўлига олди-да, деворга осиглик харитага яқинлашди.

— Ўртоқлар,— деди у кабинетга йиғилганларни фақат ўзига, Ленинга хос лочинқараш билан кўздан кечириб,— Совет ҳукуматининг «Туркистонда суғориш ишларига ва бу ишларни ташкил қилишга 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги декрети»ни эслатаман. Самарқанд областининг Хўжанд уездидаги 500 минг десятина Мирзачўл ерларини суғоришга ва Сирдарёнинг нариги ёғида — Мирзачўл рўпарасидаги Далварзин чўлида 40 минг десятина ерни суғорадиган ирригация системасига тўғонлар қуришга 50 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Бу маблағдан фойдаланиб, Фарғона областининг Учқўрғон чўлида 10 минг десятина ер суғорилиши ва 20 минг десятина ерда маҳаллий сувдан фойдаланиш тартибга келтирилиши керак эди. Шунингдек Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида сувдан фойдаланишни тартибга солиш орқали 100 минг десятинага яқин пахтазор вужудга келтириш учун сув омбори

қуриш кўзда тутилган эди. Декретда Чу дарёси водийсида 94 минг десятина майдонда ирригация системаси қуриш қайд этилган эди.

Ленин чап қўлини биқинига тираб, ўнг қўлидаги хатчўп билан декретдаги белгиланган иш жойларини бирмабир кўрсатди.

— Декрет қабул қилингандан бери икки йил ўтди,— деди Ленин, кўзларида аллақандай ташвиш аломати кўришиб.— Давлатимиз кучлари интервенцияга қарши курашга ташланди. Энг яхши кишиларимиз фронтларда банд бўлди. Натижада Ҳукумат декретини бажариш юзасидан ишни қизитиб юборолмадик. Ана энди бу ишга қўлимиз тегди. Шуни яхши билишингиз керакки, ўртоқлар, халқимизга ғалла қанчалик керак бўлса, пахта ҳам шунчалик керак. Биз сизларни Туркистон республикасига юборамиз. Туркистон халқлари Россия пролетариатининг вакили бўлган сиз ўртоқларни сабрсизлик билан кутмоқдалар. Сиз Шарқ халқларига рус халқининг революцион мададини, қардошларча ёрдамни олиб борасиз. Партия сизга ишонади. ўртоқлар!

Мудров Владимир Ильичнинг ўнг қўлини баланд кўтариб, ҳаяжонланиб айтган сўзларини эшитаркан, кўнгли равшан тортиб, билаклари битмас кучга тўлгандек, елкаларида қанот пайдо бўлгандек сизди.

Мирзачўл тарихини, чўлдаги иш шароитини яхши билган, князь Романов ва гумашталарининг канал чиқариш, ер суғориш, пахта етиштиришдаги уринишлари оқибатида хабардор бўлган олимлар Ленин чизиб берган иш программасининг улуглигини идрок этдилар ва кабинетнинг бутун бир деворини қоплаган харитага тикилиб қолдилар. Улар Ленин атаган дарёлар, чўллар, шаҳарлардан кўз узмас, гарчанд бу номлар харитада нуқта, чизиқ, бўёқлар билан белгиланган бўлса ҳам, уларнинг кўз олдида улкан чўл манзараси жонланарди.

Ленин улардан сўради.

— Саволлар борми? Машаққатдан чўчимайсизларми? Уйлаб кўринглар!

— Қандай савол бўлиши мумкин, Владимир Ильич?— деди боя Ленин «Владимир Федорович» деб атаган новча қотма одам.— Партиянинг топшириғи муқаддас. Албатта, бажарамиз.

— Вазифа оғир, аммо зарур,— деди Сергей Михайлович.— Сиз қўйган вазифа, Владимир Ильич, эҳтимол, бу